

83  
X-45

Ушларни муҳридан  
Устозлар!









83  
X-45

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ



Равшан ХИДОЯТОВ



НОМЛАРИ  
МУЎРЛАНГАН  
УСТОЗЛАР



JIZZAX DPI  
INV № 139859  
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ-2020

Равшан ХИДОЯТОВ // **НОМЛАРИ МУҲРЛАНГАН УСТОЗЛАР.**

–Тошкент; “Навруз” нашриёти, 2020 йил. 200 бет.

Мазкур мўъжазгина китобда Жиззах политехника институтида турли лавозимларда кўп йиллар самарали фаолият кўрсатиб, бугунги кунда нафақа ёшига етган, шунга қарамасдан ўз билими ва ўғитларини ёш авлодга бераётган ҳамда кексалик гаштини мароқ билан сураётган профессор – ўқитувчиларимизнинг қисқача биографияси, илмий изланишларининг натижалари, қолаверса барча эришган ютуқлари тўғрисида атрофлича маълумот беришга ҳаракат қилинган.

Бу маълумотлар нуроний профессор – ўқитувчиларимиз фаолияти билан кизиқувчи талаба ёшларимизга ва бошқа барча китобхонларга бир манба сифатида тақдим этилмоқда. (Китоб устозларнинг ёшига қараб саҳифаланган)

Тўплаб нашрга тайёрловчи:

**Равшан Хидоятлов,**

иқтисод фанлари номзоди, доцент

Масъул муҳаррир:

**Сафар Рўзибоев,**

педагогика фанлари номзоди, доцент

Техник муҳаррир:

**Ўткир Жамолов**

Жиззах политехника институти АТМ раҳбари

Тақризчилар:

**Баҳриддин Сатторов,**

“Бунёдкор ёшлар” газетасининг бош муҳаррири

**Бахти Рашидова,**

Жиззах политехника институти

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

© Жиззах политехника институтида

---

*“Ҳар ким ҳаётлик пайтида ўз умрини мангуликка даҳлдор қилиб ўтказиши керак”.*

*Мақсуд Шайхзода.*

## Сўз боши



қиламан, деб юрган ёшлар эди.

“Инсон умри оқар дарё”, деб бежизга айтишмаган. Сиз танишмоқчи бўлган қуйидаги инсонлар ҳам кечагина навқирон, қирчиллама, ғайрат-шижоатли, кўзларидан ўт чақнаб турган, хушрўй-хушбичим йигит-қизлар бўлиб, тоғни урса талқон

Ушбу табаррук инсонларнинг ҳар бири минг – минглаб ёшларга сабоқ бериб устоз деган номга мушарраф бўлган. Ҳозирги кунда улар ўқитган мазкур шогирдлар мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Қолаверса, улар Президент администратсиясида, давлат органларида, ҳукуматимизнинг турли идора ва ташкилотларида, Олий Мажлис палаталарида, вилоят ва туман ҳокимликларининг нуфузли лавозимларида ишлаб жамиятимиз тараққиёти учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Мана бугун эса ушбу устозлар нафақа ёшига етиб жамоамизнинг улуғлари сифатида Алишер Навоий ҳазратлари айтганидек, “Ҳунарни асрабон нетгумдир охир...”, деб талабаларимизга, ёш ўқитувчиларимизга ўз билими ва панду

насиҳатларини бериб келмоқда. Улар институт ҳовлисига кириб келар экан, уларни кўрган талабалар-у ёш ўқитувчилар “Ассалому алайкум, устоз” дея қарши олишади. Бу устозларни кўча – кўйда, ҳатто Жиззахнинг олис қишлоқларида кўрган кишилардан ҳам худди шундай такаллуфни эшитиш мумкин. Чунки, бу кексаларимизнинг кўпчилиги Республикаимизнинг иқтисодий тараққиётига илмий изланишлари билан муносиб ҳисса қўшган, қолаверса ҳали ҳам изланишни давом эттираётган таниқли олимлардир.

Ҳамюртимиз шоир Тўра Сулаймон бир шеърда ёзганидек:

*“Сувлар ҳам тиниди сумбула каби,  
Тиниб-тинчимади бу кўнглим, ҳайҳот.  
На баҳор, на ёздан, на тўкин куздан,  
Ҳечам қониқмади бу кўнглим, ҳайҳот”.*

Ҳақиқатдан ҳам ушбу профессор – ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги ўз ишини, ижодий изланишларини ҳамон давом эттириб келмоқда. Бу қувонарли, албатта. Қолаверса, “Қариси бор уйнинг париси бор”, деб бежизга айтишмаган, азиз дўстларим. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев пенсионерларнинг ишлаши баробарида пенсия пулларини юз фоиз олишини махсус фармон билан белгилаб берди. Бундан мағрурланган нуроний устозларимиз эса янада самаралироқ ишлашга, замон талабига жавоб бера оладиган муносиб кадрларни етказиб беришга, институтимиз рейтингини янада юқори кўтаришга қаттиқ бел боғлашган.

Ҳеч қачон ижоддан тўхтаманг. Умрингиз узоқ бўлсин азиз фахрийлар!

**Алишер УСМОНКУЛОВ**, институт ректори,  
техника фанлари доктори, профессор.

---

## Мухим дастуриламал китоб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги” Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб – қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4906-сонли Фармонининг 10 – бандида Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, давлат қўмиталари, акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига пенсияга чиққан ходимларга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишни, уларга зарур моддий ва ижтимоий кўмак бериш, меҳнат жамоасининг жамият ҳаётида фаол қатнашиши вазифаси юклатилган. Шунингдек, ҳар йили пенсионерлардан, айниқса, яққа – ёлғизлардан хабар олиш, туғилган кунларида ва байрамларда уларга эсдалик совғалар бериш, санатория-курортда соғломлаштириш ва даволашни ташкил этиш, муқаддас жойларга ва зиёратгоҳларга экскурсиялар ташкиллаштиришни ва бошқа ижтимоий аҳамиятли тадбирларни амалга оширишни таъминлаш кабилар белгилаб қўйилган.

Ўтган 2017 – 2018 йилларда “Нуроний” жамғармаси Жиззах вилоят бўлими томонидан тегишли бошқармалар ва ташкилотлар маъмуриятлари билан келишилган ҳолда Фармоннинг ушбу бандида кўзда тутилган муҳим вазифаларни амалга ошириш учун ташкилотларда ишлаб, пенсияга чиққан ва ҳозирги кунда ишлаб келаётган меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб – қувватлашни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида вилоятда 56 та ташкилот ва муассасаларда жамоатчилик асосида фахрийлар жамоатчилиги Кенгашлари тузилган. Жумладан, 2018 йил 11 октябрда Жиззах политехника институтида фахрийларнинг ташкилий таъсис йиғилиши ўтказилиб, унда институт қошида фахрийлар жамоатчилиги Кенгаши ташкил этилиб, ушбу Кенгашнинг раиси этиб, доцент Сафар Рўзиев сайланган.

Ўтган даврда мазкур фахрийлар жамоатчилик Кенгаши томонидан институтда айна пайтда фаолият олиб бораётган 60дан зиёд ҳамда нафақада бўлган 20дан зиёд фахрийларни жамоа ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш борасида қатор чора – тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда институт фахрийлар жамоатчилик Кенгаши фаолиятида доцентлар Мамажон Фозилов, Бекназар Каттакишиев, Равшан Хидоятлов, Холмурод Игамбердиев, катта ўқитувчилар Хулкар Мустафақулова, Бахти Рашидова, Ботир Узақов ва бошқа фахрийлар фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Ўйлайманки, мазкур фахрийлар жамоатчилик Кенгаши ташаббуси билан чоп этилаётган “Номлари муҳрланган устозлар!” номли китоби келажак авлодга ўзига хос намуна бўлиб, хизмат қилади. Олийгоҳда давр талабларига мос етук малакали мутахассислар ва юксак маънавиятли кадрлар тайёрлашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

**Норқул НЎШАРОВ,**

*“Нуроний” жамғармаси Жиззах вилоят бўлими*

*Кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят*

*Кенгаши депутати*



1 – ҚИСМ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИДА САМАРАЛИ  
ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН ФАХРИЙЛАР

Уришбой ЮЛДАШЕВ



“Электрэнергетика” кафедраси  
профессори, физика – математика фанлари  
доктори Уришбой Юлдашев 1944 йил 13  
августда Жиззах туманида (Ҳозирги Шароф  
Рашидов тумани) туғилган. Ўзбекистон  
Республикаси Мустақиллигининг 25  
йиллиги нишони медали билан  
мукофотланган. Меҳнат стажи 49 йил.

Мазкур вазифада 2014 йилдан буён ишламоқда.

Уришбой Юлдашев 1969 йилда Самарқанд давлат университетининг “Физика” факультетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар Академияси ядро физика институтининг ядро спектроскопия лабораториясида 1969 йилдан 1978 йилгача лаборант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида фаолият кўрсатди. 1974 йилда физика-математика фанлари номзоди диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўришбой Юлдашев 1978 йилдан ҳозирги кунгача турли лавозимларда Жиззах политехника институтида ишлаб келмоқда. Жумладан, у 1978 – 1983 йилларда физика кафедраси мудири, 1983 – 1987 йилларда “Саноат технологиялари” факультети декани, 1987 – 1991 йилларда Тошкент политехника институтининг Жиззах филиали директори лавозимида ишлади. Шундан сўнг Уришбой Юлдашев бир

неча кафедра ва факультетларни бошқарди. 2002 – 2012 йилларда “Электроэнергетика” кафедраси мудири, 2012 йилдан 2014 йилгача кафедра профессори, 2014 йилдан 2019 йилгача электроэнергетика кафедраси мудири лавозимларида ишлади. 2019 йилдан буён “Электроэнергетика” кафедраси профессори.

Уришбой Юлдашев раҳбарлигида кафедранинг моддий – техник базаси ривожлантирилиб, илмий – ўқув лаборатория жиҳозлари олиб келинди ва ишга туширилди. АСКУЭ лабораторияси, қуёш батареялари, шамол электр генератори, Жанубий Кореядан келтирилган шамол – қуёш гибрид электр энергия манбаи, технопарк учун электр энергияси таъминоти қурилмалари шулар жумласидандир. Бу моддий – техник қурилмалар талабаларнинг замон талаби асосида етук малакали мутахассислар бўлиб етишишига асос бўлади.

1991 йилда Уришбой Юлдашев “Мессбауэр спектроскопияси ва тургун рентген нурлари ёрдамида ишқорий ер кристалларни тадқиқ қилиш” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Мазкур спектроскопик қурилма мамлакатимизда ягона ва энг замонавий тадқиқот воситаси бўлиб, бу қурилма ёрдамида ишқорий ер кристалларининг структурасини ва хусусиятларини тадқиқ этишда дунё аҳамиятига молик илмий натижалар олинмоқда. Бу илмий натижалар асосида бугунги кунгача 4 та илмий изланувчи – тадқиқотчилар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Ҳозирги пайтда Уришбой Юлдашев раҳбарлигида 3 та илмий изланувчи илмий – тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. У.Юлдашев 1994 йилда профессорлик унвонини олган.

Охирги 5 йилда У.Юлдашев томонидан 40 тадан ортиқ илмий ишлар чет эл ва республикаимизнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган. Жумладан, 1 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 9 та илмий – услубий ишланма ва 21 та илмий мақолалар муаллифидир.

У.Юлдашев раҳбарлигида унинг ташаббуси билан ҳар йили кафедрада иқтидорли талабаларнинг замонавий энергетика муаммоларига бағишланган илмий конференциялар ўтказилади.

Бундай ташаббуслар натижасида 2018 йилда кафедранинг иқтидорли талабалари Жаҳонгир Туляков, Бахтиёр Сатторовлар “22 март – Бутунжаҳон сув кунини” кўрик танловида “Ишлаб чиқариш – техник соҳаси” бўйича қатнашиб фахрли ўринларни эгаллашди ва фахрий ёрликлар ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

У.Юлдашев раҳбарлигида Германиянинг Гамбург технология университети ва Жиззах политехника институти “Электро – энергетика” кафедраси ҳамкорлигида грант асосида қиймати 99 000 евро бўлган муқобил энергия манбаи, яъни қуввати 7.5 квт бўлган қуёш панели Арнасой туманидаги “Сангзор” чорвачилик фермер хўжалигида ишга туширилди.

Курилмадан олинган илмий натижалар халқаро анжуманларда ва ВАК тасарруфидаги илмий журналларда чоп этиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Германиянинг Гамбург технология университети, Санкт – Петербург давлат электротехника университети, Казанский (Приволжский) Федеральный университет Набережно-челнинский институт (филиал) ва Жиззах политехника институти ҳамкорлигида тузилган шартномага асосан ёш мутахассис кадрларни магистратурага ва стажировкага юбориш йўлга қўйилди.

Грант доирасида 11 минг Евро қийматдаги “ЕРН етакчи қуёш лабораторияси” олиб келиб ўрнатилди ва ишга туширилди.

У.Юлдашев Жиззах политехника институтининг Жамоатчилик кенгаши раиси, ҳар ишда ташаббускор, фидойи ва камтарин инсон, мураббийлик маҳорати ҳамда илмий ижодкорлик қобилияти билан республикамиз зиёлилари орасида алоҳида хурматга сазовор.

Оилали, 6 нафар фарзанди бор.





## Сафарбой РЎЗИБОЕВ

Жиззах политехника институти фахрийлар жамоатчиликл Кенгаши раиси, Физика кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди Сафарбой Рўзибоев 1947 йил 6 февралда Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги “Сарой” қишлоғида таваллуд топган.

Бошланғич таълимни қишлоғидаги 30 – сонли 8 йиллик мактабда олди. Сўнгра Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани марказидаги 23 – сонли ўрта мактабни 1964 йилда тугатиб, шу йили Самарқанд Давлат университетининг Физика факультетга ўқишга кирди. Мазкур университетни 1969 йилда тамомлаб олий маълумотли физика ўқитувчиси ва физик ихтисослигини олишга муяссар бўлди. Меҳнат фаолиятини қишлоғидаги 30 – сонли мактабдан бошлади. Бу йил илмий педагогик фаолиятига 50 йил тўлди.

С.Рўзибоевнинг талабалик йилларидаги орзуси илмий фаолият билан шуғулланиш эди. Шу мақсадда 1974 йилда Жиззахда илк бор очилган Жиззах Давлат педагогика институтининг умумий физика кафедрасига ассистентлик лавозимида ишга келди. Кафедрадаги иш фаолияти даврида кўпроқ вақтини физиканинг изатоп, атом ядро физикасида эришилаётган сўнгги илмий ишланишлар билан шуғулланишга қаратди.

1975 йилда эса Тошкент шаҳридаги Қ.Ниёзий номи педагогика илмий – текшириш институтига аспирантурага кирди.

Бу илмгоҳда академик Р.Бекжонов, профессор Э.А. Турдикуловлар раҳбарлигида “Атом, ядро физикасини ўқитишда

табий фанлар (физика, химия) алоқадорлигидан фойдаланиш самарадорлиги” мавзусидаги илмий тадқиқот ишини бажаришга киришди. Физика фани дарсликларини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Бу иш Москва ўқитиш методи ва мазмуни илмий текшириш институти олимлари А.А. Пинский ва В.Г. Разумовский ва М.Х.Соколова томонидан юксак баҳоланган.

1978 йилда аспирантурани тугатиб, яна ўз институтига ишга қайтди. Шу йили институт касаба уюшмаси қўмитаси раислиги лавозимига сайланди. “Физика ва умумтехника фанларини ўқитиш методикаси” кафедраси мудирлиги лавозимига тайинланди ва 1982 йилгача шу лавозимларда ишлади.

С. Рузибоев 1980 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, Жиззах Давлат педагогика институти тарихида биринчи бўлиб фан номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлди. 1982 йил сентябрь ойидан Тошкент политехника институти Жиззах филиалининг “Умумий физика” кафедрасига доцент лавозини бажарувчи сифатида конкурсдан ўтди. 1987 йилда физика кафедрасининг доценти деган илмий унвонни олишга муяссар бўлди.

1988 – 1995 йилларда шу кафедрада мудирлик лавозимида фаолият кўрсатиб, физика фанини ўқитиш мажмуаларини яратишда бош бўлиб, лаборатория ишлари сонини кўпайтирди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш институтларига олий таълим мақоми берилиши муносабати билан 1996 – 2005 йилларда Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига дастлаб табий фанлар кафедрасининг мудирини, сўнгра институт ўқув ва илмий ишлар проректори лавозимларида фаолият кўрсатди.

2005 йилнинг сентябрь ойидан яна Жиззах политехника институтига қайтиб, институт таркибида фаолият кўрсатаётган “Ўрта махсус касб – ҳунар таълими” муассасаларининг муҳандис педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультети декани лавозимига тайинланди. Шу кунгача институтда раҳбар ва

профессор – ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишига ҳам масъуллик қилиб келмоқда.

2008 йилда Америка Қўшма Штатларида бўлиб, Нью – Йорк шаҳридаги олий ўқув юртлар ва касб – ҳунар коллежларидаги ўқув жараёнлари билан яқиндан танишиб, тажриба алмашиб қайтди. Талабалар ҳаёти билан қизиқди. АҚШ таълимида қўлланилаётган илгор таълим технологияларидан педагогик фаолиятида амалда фойдаланиб келмоқда.

С.Рўзиев 2014 йилдан касбий таълим ва радиоэлектроника кафедраларида доцентлик лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Олий таълимдаги 45 йиллик илмий педагогик фаолияти даврида 2 та монография, 4 та ўқув ва 20 дан зиёдроқ ўқув услубий қўлланма, 82 та илмий методик мақолаларнинг муаллифидир.

“Физик тушунчаларни предметлар алоқадорлигида системалаш”, “Реакция” типларини фанлар алоқадорлигида шакллантириш, “Физикани ўқитишда Марказий Осиё табиатшунос олимлари меросидан фойдаланиш”, “Ўқув жараёнида таълим технологиясини жорий этиш”, “Ҳозирги замон дарси ва дарс таҳлилига оид методик тавсиялар”, “Физика фанидан талабаларни олимпиадага тайёрлашда масалалар ечиш”, “Ёруғлик интерференция ва дифракцияси ҳодисаларини программалашган тест усулида ўқитиш”, “Малака ошириш курси тингловчилари учун касб – ҳунар таълими педагогикасидан методик тавсиялар”, “Ўқувчиларни касбга йўналтириш омиллари”, “Дарс таҳлили турлари ва методикаси”, Автомобил эксплуатациясида иккиламчи шамол энергиясидан фойдаланиш технологияси”, “Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда дифференциаллашган ёндошув” кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, унинг “Атом, ядро физикасини предметлар алоқадорлигида ўқитиш эффективлиги” ўқув қўлланмаси, (1989 йилда), “Халқ таълими истиқлол йилларида” (2001 йилда) ва “Ҳаёт

довонлари” номли 3 та китоби (2003, 2009 ва 2015 йилларда) нашрдан чиққан.

2016 йилда инновацион тадқиқотлар йўналишида илмий изланиш олиб бориб “Сервис” кафедраси ассистенти Ҳошимова Шоира Сафаровна билан ҳамкорликда “Автомобиль эксплуатациясида иккиламчи шамол энергиясидан фойдаланиш эффективлиги” мавзусидаги қурилма ғоясини Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига патент олиш учун тақдим этди. (№1 АР 20160045)

Тақдим қилинган ихтиро материаллари 2018 йилда формал экспертизадан ўтиб асосий экспертизага қабул қилинди.

Устоз С.Рўзибоевнинг илмий педагогик фаолияти ва ташаббускорлиги ҳукуматимиз томонидан эъзозланиб, Давлат мукофоти Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг фахрий ёрлиғи, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси кўкрак нишони, бир неча бор Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

С.Рўзибоевнинг икки ўғил ва тўрт нафар қиз фарзандларининг барчаси олий маълумотли кадрлар бўлиб етишиб, турли касбларда фаолият кўрсатиб келмоқда. У айни дамда 20 нафар набира ва 6 нафар эвараларнинг бобоси бўлиб, 2019 йилда (72 ёшида) Саудия арабистони зиёратида Аллоҳ ризолиги ила эҳромга кириб хаж амалларини адо этиш насиб айлади. Аллоҳ қабул қилган бўлсин.





## Додар ЭРГАШЕВА

Жиззах политехника институтининг  
хукукшуноси.

Эргашева Додар Фармоновна 1949 йил 15  
февралда Самарқанд шаҳар Намуна  
махалласида туғилган. 1966 йилда Самарқанд  
шаҳридаги 6 – ўрта мактабни битирган.

1973 йилда Тошкент давлат университетининг “Хукукшунослик”  
факультетини битириб меҳнат фаолиятини 1974 йилда Жиззах вилояти  
ташқил топгандан бошлаб, вилоят “Фуқаролик ҳолатлари  
далолатномаларини қайд қилиш” (ЗАГС) бўлимида иш бошлаган. 1975  
йилдан хукуқий маъмурий органларда адвокат, вилоят адлия  
бошқармасида консультант, Жиззах вилоят судида судья, вилоят  
хўжалик судида судья, вилоят хўжалик суди раиси ўринбосари  
лавозимларида 2002 йилларгача ишлаб келган.

2002 йил нафақага чиққандан сўнг Жиззах туман ижтимоий  
таъминот бўлимининг бошлиғи лавозимида меҳнат килиб, ҳурматга  
сазовор бўлган.

2009 йилдан бошлаб Жиззах политехника институтида  
хукукшунос лавозимида ишлаб келмоқда.

Институтнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя  
қилинишини таъминламоқда.

Бундан ташқари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари хақида”ги қонунининг иш юритиш тартиби, Ўзбекистан  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистан Республикаси

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан белгиланган талабларга асосан, ўзига топширилган ҳар қандай вазифаларни ҳар томонлама тўғри ва сифатли бажариб келмоқда.

Зарур пайтда шикоят, ариза ва таклифлар бўйича муаллифлар билан жойларга чиқиб, қайта учрашиб уларга ўз вақтида ёзма ва оғзаки жавоб беради.

Эргашева Додар самарали хизматлари, маънавий – маърифий ишларини бажаришдаги фаоллиги, барча топшириқларни ўз вақтида бажараётганлиги билан, жамоатчилик ўртасида обрў эътибор қозонган.



## Абдувахоб УСМОНҚУЛОВ



“Муҳандислик коммуникациялари”  
кафедраси доценти, техника фанлари  
номзоди Абдувахоб Усмонқулов 1950  
йилнинг 1 февралда Жиззах вилоятининг  
Жиззах туманидаги Қанғли МФЙда  
туғилган.

1955 – 1966 йилларда Жиззах  
туманидаги 14 – сонли мактабни муваффақиятли тамомлағаб шу  
туманидаги Ў.Хатамов жамоа хўжалигида ишлади. 1968 – 1970  
йилларда армия сафида хизмат қилди.

У 1971 йилда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш  
институтига ўқишга қабул қилинган. 1974 йилда эса Киев

муҳандислик қурилиш институтида ўқишни давом этдирди ва 1976йилда институтни тамомлади.

А.Усмонқулов 1976 йилда Олий таълим вазирлиги йўлланмаси билан Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг “Иссиқлик газ таъминоти ва шамоллатиш” кафедрасида ассистент лавозимида ўз иш фаолиятини бошлади. 1980 – 1984 йилларда эса Киев қурилиш муҳандислари институтида стажер – аспирант бўлиб ўз илмий ишларини бажарди ва 1985 – йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

У 1985 йилдан 1994 йилгача Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг “Иссиқлик газ таъминоти ва шамоллатиш” кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи ва кафедра мудири лавозимларида ишлади. 1994 йилдан бошлаб Жиззах политехника институтининг “Муҳандислик коммуникациялари” кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Усмонқулов Абдуваҳоб ўзининг илмий – ижодий фаолияти давомида 100 дан зиёд илмий мақолалар ва тезисларини чоп этдирди. Унинг Республика ва маҳаллий босма оммавий ахборот воситалари орқали 2 та ўқув қўлланма ва кўплаб услубий кўрсатмалари эълон қилинган. Абдуваҳоб Усмонқуловнинг оиласи пири бадавлат онла. Турмуш ўртоғи Тўтинисо опа Нормаматовна бир қанча йиллар Ў.Ҳотамов номли жамоа хўжалигида самарали меҳнат қилган.

Абдуваҳоб Усмонқулов 10 нафар фарзанднинг отаси. 6 ўғил ва 4 кизи бор. Улар ҳозирда ота – онасининг изидан бориб турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келмоқда.





## Шавкат КАРИМОВ




“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш” кафедраси катта ўқитувчиси Шавкат Каримов 1950 йилнинг 3 апрелда Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилган.

1956-1966 йилларда Зомин туманидаги 1 – сонли ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаб, шу тумандаги “Пахтакор” кўнгилли спорт жамиятида инструктор бўлиб ишлади. 1969 – 1971 йилларда армия сафида хизмат қилди. 1971 – 1974 йилларда Зомин тумани “Пахтакор” кўнгилли спорт жамиятининг раиси лавозимида ишлади.

У 1974 йилда Андижон пахтачилик институтига ўқишга қабул қилиниб, 1980 йилда уни муваффақиятли тамомлади.

Ш.Каримов бир қанча раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1980 – 1985 йиллар Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида механизация бўлими бошлиғи, 1985 – 1986 йиллар Зарбдор тумани “Ленин йўли” давлат хўжалиги марказий устахонаси мудир, 1986 – 1991 йиллар Зомин тумани “Ғалаба” давлат хўжалиги бригада бошлиғи, 1991 – 1994 йиллар Зомин тумани “Феруза” кичик корхонаси бошлиғи, 1994 – 1998 йиллар Республика кўчмас мулк биржаси Жиззах вилоят филиали бошлиғи, 1998 – 2000 йиллар Зомин тумани “Янги ҳаёт” ижара ширкатлар бирлашмаси раиси, 2000 – 2001 йиллар Зарбдор тумани ҳокимлигида қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, туман ҳокими вазифасини бажарувчи, 2001 –



2004 йиллар Ўзқишлоқхўжаликماشлининг акциядорлик компанияси Жиззах вилояти филиали директори, 2004 – 2006 йиллар Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари, ташкилий – назорат гуруҳи раҳбари, 2006 – 2009 йиллар Ўзқишлоқхўжаликماشлининг акциядорлик компанияси Жиззах вилояти филиали директори лавозимларида ишлаган.

Ш.Каримов 2011 – 2012 йиллар Жиззах политехника институти “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва умуммуҳандислик фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси, 2012 – 2014 йиллар “Умуммуҳандислик фанлари, метрология ва стандартлаш” кафедраси катта ўқитувчиси, 2014 – 2017 йиллар “Метрология ва стандартлаштириш” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

Шавкат Каримов 2017 йиллардан буён Жиззах политехника институти “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. У ҳар ишда фаол, талабчан, масъулиятли, жамоада ғамхўр ва меҳрибон маслаҳатчи, жамоа ва шогирдлари орасида яхши обрўга эга.

Ш. Каримов 30 дан зиёд илмий ва ўқув – услубий ишлари, жумладан, ўқув – услубий қўлланмалар, услубий кўрсатмалар муаллифидир.





## Баҳриддин САТТОРОВ



“Бунёдкор ёшлар” газетасининг бош муҳаррири Баҳриддин Сатторов 1950 йил 28 майда Фориш туманининг Осмонсой қишлоғида туғилган.

1964 йилда шу қишлоқдаги интернат мактабининг 8 – синфини, 1966 йилда 2 ўрта мактабни тугаллаган.

Ўша йили у Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтига ўқишга қабул қилинган. Ушбу институтни (ҳозирги Жаҳон тиллари университети) имтиёзли диплом билан битириб, меҳнат фаолиятини шу олийгоҳда ўқитувчиликдан бошлаган. Ҳарбий хизматни Москва, Ленинград, Рига шаҳарларида ўтаган. Хизматдан қайтгач, туғилган қишлоғидаги мактабда француз ва рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Жиззах вилояти ташкил топган 1974 йилдан буён у журналистика соҳасида меҳнат қилади.

Б.Сатторов “Жиззах ҳақиқати” газетасида оддий мухбирликдан “Жиззах ҳақиқати”—“Джизакская правда” газетасининг бош муҳаррири даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу даврда Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг журналистика факультетини тамомлади. Республиканинг бош наشري “Совет Ўзбекистони” (Ўзбекистон овози) ва “Халқ сўзи” газеталарида 20 йилдан зиёд фаолият кўрсатди.

1993 – 1998 йилларда Жиззах вилояти ҳокимининг матбуот котиби лавозимида ишлади.

Баҳриддин Сатторов Жиззах политехника олийгоҳи жамоасида 2012 йилдан буён институт муассислигидаги “Бунёдкор ёшлар” газетасининг бош муҳаррири лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 июндаги “Жиззах политехника институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қароридан сўнг олийгоҳда газетани ташкил этиш, уни мунтазам чиқариб бориш юзасидан ташаббус кўрсатиб, самарали ишларни амалга оширмоқда.

Фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ газетанинг нишона сонини тайёрлаб, Мустақиллик байрами тантаналари қатнашчиларига ҳамда жамоа аъзоларига етказишга эришди. Газетани Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги орқали Жиззах вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида рўйхатдан ўтказилишини таъминлади. Бу билан газетани мунтазам чиқариш учун махсус гувоҳнома олинди.

Айни пайтда ҳар ойда чиқарилаётган “Бунёдкор ёшлар” газетасида институтнинг кундалик ҳаёти, профессор – ўқитувчиларнинг илм – фан соҳасидаги изланишлари, ютуқлари, иқтидорли талабаларнинг инновацион ғоялари ва таклифлари, кўп минг кишилик жамоадаги қаламқашларнинг ижод намуналари ёритиб борилмоқда. Газетада янгидан – янги рукнлар, саҳифалар ташкил этилаёпти. Кейинги пайтдаги “Иқтидорли ёшлар саҳифаси”, “Талабалик – олтин даврим”, “Ёшлар мамлакатимиз таянчи” каби саҳифалар, “Истеъдодли талаба минбари”, “Устоз ва шогирд ҳамкорлиги”, “ЖизПИ ва хориж ҳамкорлиги”, “Талаба таклифи”каби рукнлар шулар жумласидандир.

Газета ташкил этилгандан буён унинг саҳифаларида инглиз тили дарслари олиб борилмоқда. “Тил билган-эл билади” рукни остида ўтиллаётган дарсларни инглиз тилининг ҳақиқий билимдони Хулқар Мустафақулова ташкил этаяпти. Қувончлиси, ўтган даврда таҳририят ўнлаб профессор – ўқитувчилар ҳамда кўплаб талабалар билан ижодий ҳамкорлик қилиб, мулоқотлар уюштиришга эришмоқда. Натижада айни пайтда Салоҳиддин Усманов, Бахтигул Рашидова, Асқар Мамадиев, Сирожиддин Жиянбоев каби устозлар ҳамда кўплаб талаба ёшлар таҳририятнинг фаол жамоатчи мухбирлари бўлиб улгуришган.

Таҳририятга қилинган ҳар бир мурожаат, хат – хабар доимий эътиборда бўлгани боис жамоатчи мухбирларнинг сони кун сайин ортиб бораяпти.



## Дилбар СОАТОВА



“Хорижий тиллар кафедраси доценти Соатова Дилбар Акбаровна 1951 йил 4 июнда Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида туғилган.

1967 йилда ўрта мактабни тугатиб, Садриддин Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирган.

Д.Соатова 1971 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугагиб, ўзи таҳсил олган факультетда ўқитувчи бўлиб ишда қолди.

1972 йилдан 1975 йилгача Алишер Навоий номидаги Қўлғезмалар институти қошидаги аспирантурада ўқиди. Аспирантурани тугатгач, 1975 йилдан 1992 йилга қадар Жиззах Давлат педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

1986 йилда «Чархий ижоди ва ҳозирги ўзбек шеърлятида аруз вазни» мавзусида номзодлик дессиртациясини ҳимоя қилди.

1992 йилдан Жиззах Политехника институтида «Ўзбек ва чет тиллар» кафедрасида кафедра мудури сифатида ишни давом этдирди. У 1996 йилдан 2012 йилга қадар эса Жиззах политехника институтида маънавий – маърифий ишлар бўйича проректор лавозимида ишлади.

Ҳозирги кунда “Хорижий тиллар кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда”. У 48 йиллик меҳнат фаоляти давомида талабаларга “Ўзбек тили”, “Ўзбек адабиёти”, “Маданиятшунослик”, “Маънавият асослари”, “Миллий истиклол ғояси” каби фанлардан юксак маҳорат билан таълим бериб, юқоридаги фанлар асосида ёшлар онгига она Ватан, муқаддас халқ, меҳр – муҳаббат каби юксак инсоний туйғуларни сингдириб келмоқда.

Д.Соатова олима сифатида халқаро, республика, вилоят миқёсида ўтказилган илмий анжуманларда иштирок этиб, ўз педагогик тажрибалари билан ўртоқлашиб туради.

Олима 100 дан зиёд илмий, оммавий, публицистик мақолалар, услубий қўлланмалар муаллифидир.

Д.Соатованинг ўзига хос педагог тажрибалари бор. У ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, замонавий педагогик технологияларни қўллаб, турли хил амалий усуллар билан талабалар қалбига йўл топа олади. Д.Соатова асосий эътиборни талаб – ёшларнинг маънавий – ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва жисмоний тарбиясига қаратди. Уларнинг ёрдамида институтнинг барча талабалари орасида “Комил инсон қандай бўлмоғи лозим?”, “Авсетода” меҳр – мурувват ҳақида, “Гиёҳвандлик ва терроризм ҳақида менинг фикрим”, “Мен Ватанни жон деб атадим”, “XXI аср ёшлари қандай бўлмоғи керак” каби кўплаб мавзуларда давра суҳбатлари, савол – жавоб кечалари, иншо танловлари ўтказмоқдаки, бу сайёҳи ҳаракатлар натижасида талабаларимиз маънавий дунёкарашида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. У айна пайитда ижодкор, интилувчан тарбиячи-мураббийдир.

Д.Соатова фақат ўзи ишлаётган жамоа орасида фаолият кўрсатибгина қолмай, балки, вилоят, шаҳар, туман аҳолиси орасида, маҳаллаларда бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган катта ўзгаришлар, замонавий оила, аёллар орасидаги муаммолар ва уларнинг ечими борасида кўплаб суҳбатлар ўтказилиб туради.

У ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги ва билимдонлиги билан вилоят, шаҳар ва ўзи ишлаётган жамоа орасида катта обрў – эътиборга сазовордир. Сидқидилдан қилган фидокорона меҳнати туфайли эришган ютуқлари учун “Олий таълим фидойиси”, “Мустақиллик” эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланган.

Д.Соатова ҳар қандай вазифа олдида эсанкирамайдиган, масъулиятли аёл бўлиши билан бирга намунали оила соҳибаси ҳам.



## Усмон ХОЛБЎТАЕВ



“Умумтехника фанлари” кафедрасида катта ўқитувчи Усмон Холбўтаев 1951 йил 11 декабрда Ғаллаорол туманининг Қарақудуқ кишлоғида таваллуд топган.

1970 – 1973 йиллари Усмон Холбўтаев курулли кучлари сафидаги хизматларини Архангельск вилоятининг Савинск, Пуксо –

Озеро ва Архангельск шаҳарларида ўтайди.

Хизматидан кейинги йилларда Қўйтош шаҳарчасидаги ДЭСда слесарь бўлиб ишлайди. 1974 – 1975 йилларда эса Оқолтин туманининг У.Юсупов номи совхозида оддий ишчи бўлади.

1975 йили У Тошкент Давлат университетининг Амалий математика ва механика факультетининг механика бўлимига ўқишга кириб, университетни 1980 йилда тугатади. Бу даврда у уч ой давомида ҳарбий-йиғинда қатнашиб, ҳарбий алоқачи – лейтенант унвонини олади.

1980 йил сентябрь ойидан бошлаб Жиззах политехника институтида ўзининг педагогик фаолиятини ассистент сифатида бошлайди. 1984 – 1988 йиллар давомида Днепропетровск давлат университетида илмий стажировкани ўтайди. 1988 йилдан ҳозирги, яъни 2019 йилгача ЖизПИда катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда.

Усмон Холбўтаев ўзининг 40 йиллик илмий-педагогик фаолияти даврида минглаб талабаларнинг салоҳиятли кадрлар бўлиб етилишида жон куйдирмоқда. Уларга механика фанлари – назарий механика,

материаллар қаршилиги, қурилиш механикаси ва эластиклик назарияларидан дарс бериб келди ва ҳозирги кунда ҳам баракали хизмат қилиб келмоқда. 1992 – 2000 йиллар давомида Усмон Холбўтаев шаҳар кечки мактабида илмий бўлим мудирини бўлиб ишлаши билан биргаликда 2 та кундузги мактабда ҳам математика фанидан дарс берди.

У ўзининг илмий – педагогик фаолияти даврида 20 дан ортиқ илмий – методик услубий қўлланмаларни эълон қилди. Унинг илмий ишлари ер ости иншоотларининг зилзилабардошлилигига бағишланган. Яъни зилзилабардошликни ўрганишда “Қурилиш механикаси”нинг классик “кўчиш методини” ер ости иншоотларининг зилзила пайтидаги мустаҳкамлигини баҳолашга қўллашдан иборатдир. Усмон Холбўтаев ҳар доим, республика ва халқаро миқёсида ўтказиладиган илмий конференцияларда илмий маърузалар билан қатнашиб келади.

Усмон Холбўтаев – 2 та ўғил ва 5 та қиз фарзанднинг отаси, 9 неваранинг бобосидир.





## Буражаб ТУРСУНОВА



Институт хотин – қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотининг раиси, ахборот – ресурс маркази бўлим бошлиғи Буражаб Турсунова 1952 йил 22 мартда туғилган. Умумий меҳнат фаолияти 44 йил.

У вилоят ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг бошқарув аъзоси.

У иш фаолияти давомида ўзининг билими, тиниб-тинчимаслиги, маънавий баркамоллиги билан институт жамоасининг хурмат – эътиборида бўлиб келмоқда. У узок йиллар давомида ахборот – ресурс маркази директори лавозимида, шу билан бир қаторда институт хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси сифатида ишлаган. У ўзининг бутун куч – ғайрати, билими ва тажрибасини оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш, хотин – қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларга кенг жалб этиш ва уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, хотин – қизлар ўртасида спортни ривожлантириш ишларига сарф этиб келмоқда. Институтда фаолият кўрсатаётган спортчи хотин – қизлар вилоят, шаҳар миқёсида ўтказилаётган аёллар спартакиадаларида иштирок этишиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Айниқса, давлатимиз томонидан аёллар спортга жуда катта эътибор берилаётган бугунги кунда хотин – қизлар қўмитаси ташаббуси билан “Барчиной” ва “Қизларжон” клублари ёрдамида факультет ва ходимлар хотин – қизлари орасида спортнинг бир неча тури бўйича ҳамда “Енгил атлетикани хотин – қизлар ўртасида оммавийлигини ошириш ва ривожлантириш, хотин – қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлигини муҳофаза қилиш” бўйича хотин – қизлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Бевосита Б.Турсунованинг жонкуярлиги ва ташаббуси билан бир қанча маънавий – маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш, кам таъминланган ижтимоий муҳофазага муҳтож аёлларга кўмаклашиш каби вазифаларда хотин – қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотининг роли катта бўлмоқда.

У 2009 йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Аёл – маънавият гулшани” Республика миқёсидаги илмий-амалий конференциясининг асосий ташаббускоридир. 2017 йилнинг 9 – 10 июнь кунлари ушбу конференция “Ўзбекистон аёлларининг фан, таълим, маданият ва бизнес соҳасидаги ютуқлари” мавзусида Халқаро миқёсда, 2018 йилнинг 18 – 19 май кунлари “Юксак маънавиятли шахсларни тарбиялашда хотин – қизларнинг роли” мавзусида Республика миқёсида ўтказилди.

У 2019 йил 8 март байрами арафасида “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди. 2012 ҳамда 2015 йилларда “Энг намунали хотин – қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти” кўрик – танловининг республика босқичи ғолиби бўлди. 2015 йил эса вилоятда “Йилнинг энг яхши хотин – қизлар йўлбошчиси” деб эътироф этилди.

2016 йил 1 октябрь – “Ўқитувчи ва мураббийлар” байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи, 2019 йилда Ўзбекистон хотин – қизлар кўмитаси раиси томонидан “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” 2 – республика танловида ўзининг “Соғлом қизлар – юрт таянчи” мавзусидаги лойиҳаси билан фаол иштирок этиб, вилоят ҳокимининг ҳамда Ўзбекистон хотин – қизлар кўмитасининг Сертификатлари билан тақдирланди.

У ахборот – ресурс маркази бўлим бошлиғи сифатида ахборот – ресурс марказини ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган замонавий АРМига айлантириш учун фидокорона меҳнат

қилди. У АРМларида фаолият кўрсатаётган ходимлар учун *ахборот* – ресурс марказларида ишларни ташкил этиш бўйича *услубий кўламин* яратди. Республиканинг турли илмий – амалий конференцияларида, Халқаро конференцияларда 8 та илмий мақола ва тезислари *тўғри* қилган. Ушбу соҳани ҳамда хотин – қизлар *фаолиятини* ривожлантириш бўйича 50 дан зиёд илмий мақолалар ва тезислар *ёзди*. Бундан ташқари бир қанча мақолалари вилоят, республика газеталари ҳамда “Саодат”, “Кутубхона.Уз” журналларида чоп этилган. 2018 йил 31.10 – 3.11 кунлари Ростов-Дон шаҳрида ўтказилган Халқаро конференцияда ўзининг илмий мақоласи билан Онлайн тарзда иштирок этган ва Сертификат билан тақдирланган.

2018 йил 24 ноябрь куни вилоятда ўтказилган “Оила институтини мустақамлашда илмий тадқиқотлар кўламининг ахамияти” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий – амалий конференцияда фаол иштироки учун вилоят “Оила” илмий – тадқиқот бошқармасининг Ташаккурномаси билан тақдирланди.

“Хотин – қизлар кўмитаси учун”, “Китоб – келин сарпоси беазаги” ҳамда шоира Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллигини ўтказиш бўйича “Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали”, “Соғлом қизлар – юрт таянчи” ва шу каби бир қанча услубий кўрсатмалар ҳам Б.Турсунованинг ижодий маҳсулидир.

Б.Турсунова 2011 йил “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил”, 2016 йил “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони билан тақдирланган.

У 4 нафар фарзанднинг онаси, 13 нафар набиранинг бўвиси.



## Алижон ҒАНИЕВ



“Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Ғаниев Алижон Ғаниевич 1952 йил 20 апрелда Жиззах шаҳрида туғилган. 1969 йилда Наримонов номли ўрта мактабни битириб шу йили Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтининг “Саноат ва фуқоро қурилиши” факультетига ўқишга кирган 1974 йилда ушбу факультетни муваффақиятли тамомлаб “қурувчи – инженер” мутахассислигига эга бўлди.

Алижон Ғаниев 1974 йилда Жиззах политехникумига ишга келиб, 1977 йилгача шу жамоада фаолият кўрсатди. 1977 йилда Тошкент политехника институтининг “Қурилиш” факультети аспирантурасига ўқишга кирди. Илмий мавзуси раҳбари Москва илмий текшириш институти профессори бўлганлиги учун унинг таклифига биноан илмий фаолиятини Москва шаҳрида давом этдирди. Москва шаҳридагиқўплаб илмий анжуманларда фаол иштирок этди. Владимир, Полтава каби шаҳарларда ўзининг долзарб илмий мақолалари ва ихтиролари билан қатнашиб келди. 2 та ихтироси учун патент олишга эришди. 8 та илмий мақолалари иттифоқнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилди.

1981 йилда аспирантурани муваффақиятли тамомлаб, Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалига ассистент бўлиб ишга келди.

1983 йилда Днепропетровск муҳандислик қурилиш институтида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб “Техника фанлари номзоди” илмий даражасига эга бўлди. 1984 йилдан Тошкент

политехника институтининг Жиззах филиалида “Саноат ва фуқаро архитектураси” кафедрасига мудир этиб тайинланди.

1992 йилда Жиззах политехника институти ташкил этилгандан сўнг Алижон Ғаниевич кафедра мудир лавозимида узлуксиз 1998 йилгача ишлаб келди. Алижон Ғаниев кўплаб мутахассис шогирдлар тайёрлашда малакали мутахассис, жонкуяр олим ва билимдон устоз сифатида элорт хурмати қозонди. Унинг раҳбарлигида “Саноат ва фуқаро архитектураси” кафедрасидаги профессор – ўқитувчиларнинг бир қанчаси ўзларининг илмий йўналишлари бўйича Иттифокнинг бир қанча шаҳарларидаги олийгоҳлар аспиантураларига ўқишга киришга муваффақ бўлишди.

1998 йилда Жиззах шаҳрида биринчи бор ташкил этилган Жиззах политехника институти қошидаги Академик лицейга директор этиб тайинланди. Алижон Ғаниев Академик лицейнинг ўқув – тарбия ишларини бутун Республикада намунавий кўрсаткичларга эга бўлган ўқув масканига айлантиришда фидокорлик кўрсатди.

2001 йилдан 2005 йилгача Алижон Ғаниев ўзининг кадрдон институтига қайтиб “Био ва иншоотлар қурилиши” кафедрасида мудир, 2005 йилдан ҳозирги кунгача шу кафедра доценти лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Институит қошидаги “Қурилиш маҳсулотларини синаш” аккредитацияланган лабораториясини ташкил этишда бевосита бош – қош бўлди.

Алижон Ғаниев илмий – педагогик фаолияти даврида кўплаб иқтидорли шогирдлар чиқарди. Устознинг шогирдларидан А.Рахмонқулов Жиззах вилояти хокимининг ўринбосари, Б.Матниёзов Жиззах политехника институти проректори, Б.Ахмедов “Агро Квант” КТИЧФ раҳбари, А.Бердиқулов Жиззах политехника институти декани, Х.Қорақулов институит қошидаги “Қурилиш маҳсулотларини синаш” аккредитацияланган лабораторияси бошлиғи ва кўплаб шогирдлари нуфузли лавозимларда фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Ҳозирда Алижон Ғаниевич 5 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси, 9 нафар набираларнинг севишли бобоси бўлиб, Бахтинисо она билан 45 йилдан буён фаровон турмуш кечириб келишмоқда.



## Бекназар КАТТАКИШИЕВ

„Менежмент“ кафедраси доценти,  
иқтисод фанлари номзоди, доцент.  
Каттақишиев Бекназар 1952 йил 22 майда  
туғилган. 1980 йилда Тошкент политехника  
институтини “Муҳандис – курувчи”  
мутахассислиги бўйича тамомлаган ва ёш

мутахассис сифатида Жиззах филиалига ассистент лавозимида  
ишга келган.

1988 йилда илмий диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя  
қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди. 1992  
йилдан Россия Федерациясида “Иқтисодиёт ва бошқарув” кафедраси  
доценти ва 1909 йилдан Ўзбекистон Республикасида “Менежмент ва  
маркетинг” ихтисослиги бўйича доцент унвонларига эга.

Каттақишиев Бекназар 1980 йилдан 1994 йилнинг март ойигача  
Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида ассистент,  
катта ўқитувчи, кафедра мудири, декан лавозимларида ишлаб келган.

У 1994 йилдан 2003 йилгача Жиззах такси саройи корхонасида  
режалаштириш бўлими бошлиғи, корхонани тўлиқ давлат  
тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни масъул ходими  
сифатида фаолият кўрсатиб амалий малакасини бойитди. 2005 йилгача  
эса институт қошидаги Минтақавий бизнес мактаби директори, бир  
пайитнинг ўзида Жиззах политехника институти “Менежмент”  
кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Доцент Бекназар Каттақишиев 150 дан ортиқ илмий ва илмий-  
услубий ишлари мавжуд. У 10 дан ортиқ ўқув кўлланмалар муаллифи.  
Шундан 4 таси Олий таълими Вазирлиги қошидаги  
мувофиқлаштирувчи Кенгаш тавсиясига эга бўлган.

Шунингдек, у “Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси” фанидан масалалар тўплами, Жиззах шаҳри ва вилоятида йўловчи ташиш транспорти ҳаракатини тартибга келтириш ва амалий жиҳатдан асослаш учун яратилган 2 та амалий қўлланмалар, “Хусусийлаштириш амалиёти” ва “Менежмент асослари”, “Бизнес режа” фанларидан курс ишини бажариш ва амалий машғулотлар ўтказишга доир, Академик лицей ва касб – ҳунар коллежларининг барча ижтимоий – иқтисодий йўналишлари учун “Менежмент асослари” фанидан ўқув – услубий мажмуа ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма каби асарлар муаллифи. “Стратегик менежмент (Практикум)” ўқув қўлланмаси Олий таълим вазирлиги ташаббуси ва ҳомийлигида 1500 нусхада “Фан ва технологиялар” нашриётида чоп этилиб, Республикамининг “Менежмент” йўналиши мавжуд барча ўқув юрлари АРМларига тарқатилган. Доцент Каттақишиев Бекназар Жиззах политехника институти АРМига 50 нусхага яқин 20 номдаги турли ўқув адабиётларини ўз ҳисобидан чоп этдириб ёки электрон вариантда ёрдам сифатида топширган. Қатор йиллардан буён кафедра қошида талабалар учун ташкил этилган “Менежер” илмий тўғараги раҳбари ҳамдир.

Каттақишиев Бекназар 2007 йилдан собиқ Жиззах тумани ижтимоий – иқтисодиёт, ҳозирги Жиззах саноат коллежида институт ҳамда кафедра томонидан тузилган ҳамкорлик шартномаси асосида ишлаб чиқилган тадбирлар режасига мувофиқ ўз тажриба ва малакасини у ердаги ёш ўқитувчиларга ёрдам сифатида намоён қилиб келди. 2017 йилда Республикада биринчилардан бўлиб Жиззах саноат коллежида “Фан, таълим – тарбия ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш интеграцияси баркамол авлодга” мавзусидаги Худудий илмий-амалий конференция ўтказишнинг бевосита ташаббускори ва

ташкilotчиси бўлди ҳамда конференция материаллари тўпламини чиқаришни ташкил этди.

Доцент Бекназар Каттакишиев институтда ўтказилган “Энг яхши доцент” номинациясининг 2 карра ғолиби ҳисобланади.

У Жиззах вилоятида биринчилардан бўлиб Санкт – Петербург политехника университети маъмурияти таклифига биноан у ерда 10 кун мобайнида магистрларга “Менежмент” фанидан дарс берди. Санкт – Петербург политехника университети маъмурияти қарори билан ушбу университетнинг профессори лавозимида ишга қабул қилинди.

У ҳозирда “Модернизация шароитида ижтимоий – иқтисодий муаммолар назарияси ва амалиётини такомиллаштириш асосида унинг бошқаруви ривожланишига эришиш” мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.



## Хидир САТТАРОВ



Физика-математика фанлари номзоди, доцент Хидир Саттаров 1953 йил 1 мартда Жиззах туманидаги Қанғли қишлоғида туғилган. 14 – ўрта мактабни 1970 – йилда тамомлаган.

Шу йили Тошкент давлат университетининг Физика факультетига ўқишга кириб, 1973 йили ўқишни Санкт – Петербург университетиде давом этдирди. Нафақат Россияда, балки жаҳонда ҳам катта нуфузга эга бўлган Санкт – Петербург университетиде Россия Федерацияси президенти В.В.Путин билан бир вақтда таҳсил олиб, мазкур

университетнинг физика факультетини 1978 йили тугатди ва аспирантурага тавсиянома олди.

Х.Саттаров 1984 йилнинг 19 январиди Санкт – Петербург университети Илмий Кенгашида «Исследование инфракрасных спектров поглощения двуокиси углерода и фреонов в условиях, близких к атмосферным» мавзусида ўз диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, физика – математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1984 – 86 йилларда СамДУ да Катта илмий ходим бўлиб ишлади ва фан соҳасида «Ёшлар Иттифоқи мукофоти» лауреати бўлди. 1986 йилдан бошлаб эса, қарийб 30 йилдан зиёд вақт мобайнида фан ва таълим соҳасидаги бор билим ва салоҳиятини навқирон Жиззах вилояти институтлари ва Академик лицейларининг таълимини ривожлантиришга бағишлади. 1986 – 92 йилларда ЖДПИда катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади ва талабаларга физиканинг энг мураккаб масалаларини ҳам оригинал усулда ечиш йўллариини ўргатиб, уларнинг доимий олқишларига сазовор бўлди. 1992 – 98 – йиллар давомида Жиззах политехника институтида «Умумий электротехника», «Физика ва электроэнергетика» кафедраларида мудир, «Кимё – технология» факультетида декан лавозимларида ишлади. Жиззах Политехника институтида 90 – йилларда янгидан очилган, долзарб йўналиш – «Электроэнергетика» йўналиши Х.Саттаров сазйи ҳаракатлари ва ташаббуси натижасидир.

2000 – 2001 йилларда ЖДПИ қошидаги «Сайилжойи» академик лицейининг биринчи директори сифатида Х.Саттаров лицейни ишга туширишда, ўқитувчи – кадрларни танлаш ва илк муваффақиятли қадамларини қўйишида асосчи бўлди.

Хидир Саттаров раҳбарлик қилган қарийб 14 йиллик давр мобайнида Жиззах политехника институти қошидаги 1 – сонли академик лицей қуйидаги катта ютуқлар ва ижобий натижаларни қўлга киритди:

1. Фан олимпиадаларининг Республика босқичидаги ютуқлар ва унга тенглаштирилган бошқа танловлар натижалари бўйича лицей вилоятда биринчи ўринга кўтарилди.

2. 2010 йилларга келиб, лицей Республикамиздаги 150 та академик лицейлар ичида кучли 10 таликдан жой олди.

3. 2012 йил 13 июндаги Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат комиссияси томонидан «Директорлар аттестацияси» ўтказилганда Хидир Саттаров «Жиззах вилоятидаги лавозимига энг муносиб директор» дея эътироф этилди.

4. Энг муҳими Хидир Саттаровнинг юқори савиядаги адолатли раҳбарлик қобилияти, ўқитувчи – ходимлар ва ўқувчиларга нисбатан жуда катта меҳри ҳамда самимийлиги туфайли лицейда ўзаро ҳурмат, талабчанлик ва принципиалликка асосланган соғлом ижодий муҳит ва аҳил жамоа яратилди.

Лицей ўқувчиларининг Республика фан олимпиадаларидаги ютуқлари учун Лицей директори Хидир Саттаров ва лицейнинг 7 нафар ўқитувчиси Ўзбекистон Республикаси «Ўрта махсус, касб – ҳунар таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Етук олим – педагог Хидир Саттаров 40 дан ортиқ илмий ва услубий ишлар муаллифи, кўпгина Республика ва Халқаро илмий анжуманларнинг фаол иштирокчиси.

У оилада 4 нафар фарзанднинг меҳрибон ва ғамхўр отаси. Унинг турмуш ўртоғи Дилрабо Сатторова ҳам педагог.

Хидир Саттаров гарчи нафақада бўлса ҳам, лицейда «Бўлим бошлиғи» сифатида, ўзи яратган аҳил жамоадабарчанинг меҳрибон устози, маслаҳатчиси бўлиб, ҳурмат ва эъзозда фаолият кўрсатиб келмоқда.



## Абдуманнон МУСАЕВ

“Олий математика” кафедраси доценти, физика – математика фанлари номзоди Мусаев Абдуманнон Очилович 1953 йил 10 март куни Жиззах вилояти Галлаорол тумани “Зарбулоқ” давлат хўжалига қарашли Узунбулоқ қишлоғида туғилган.

Ўрта мактабдан сўнг 1974 йилда Самарқанд Давлат университетни тамомлаб математик ихтисослигини олган.

Шу йили йўлланма билан Галлаорол туманидаги №32 – сонли умумий ўрта мактабда иш фаолиятини бошлаган.

1976 йилда эса Сирдарё педогоика институтининг математика факультетига лаборант лавозимига ишга қабул қилинган. 1978 йилда Озарбойжон Давлат университети “Механика – математика” факультетидаги “Математик анализ” кафедрасига стажёр тадқиқотчи сифатида жўнатилган.

1980 йилда шу университетнинг мақсадли аспирантурасига қабул қилинган.

1987 йилда “О некоторых вопросах локализованной аппроксимации в комплексной плоскости” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

1983 йилдан у Жиззах политехника институтида ўз фаолиятини “Олий математика” кафедрасида ассистент лавозимидан бошлаган. А.Мусаев “Олий математика” кафедра мудири, ва “Умумтехника”, “Автотранспорт”, “Иқтисод”, сиртки бўлимда декан муовини вазифаларида ишлади. Ҳозирги кунда ҳам олийгоҳнинг “Олий математика” кафедраси катта ўқитувчиси сифатида устозлик фаолиятини давом этдирмоқда.

Илмий тадқиқотлари Коши ядроли сингуляр интегралларнинг хоссалари, комплекс текислигидаги тўпламларда локаль яқинлашиш масаларига бағишланган. 40 дан зиёд илмий ва ўқув – услубий ишлари, жумладан 10 дан ортиқ ўқув – услубий қўлланмалари, маърузалар курслари, услубий кўрсатмалар муаллифидир.

У фидойи, камтарин, жонкуяр олим. Ташкилотчи мураббий. Маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан ҳурмат қозонган.

Мусаев Абдуманнон 9 нафар фарзанднинг отаси, 1 ўгли 7 нафар кизи бор Улар ҳозирда ота – онасининг изидан бориб институт ва коллежларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У киши ҳозирда 14 нафар набиранинг бобоси ҳамдир.



## Холмурод ИГАМБЕРДИЕВ



“Умуммухандислик фанлари” кафедраси мудири, доцент Игамбердиев Холмурод Хайдарович 1953 йил 18 апрел куни Жиззах шаҳрида туғилган 1961 йилда Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли 3 – сонли мактабининг 1 синфга бориб 1971 йили шу мактабни тамомлаган.

1971 йили Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультетига ўқишга кириб, 1976 йили қишлоқ хўжалиги механизациялаш бўйича мухандис – механик мутахассислигини олди.

У 1977 йилгача Жиззах вилоят касб – ҳунар таълими бошқармасида назоратчи бўлиб ишлади. 1977 – 1979 йилларда

Тошкент политехника институти Жиззах филиали мухандис, 1979 – 1981 йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш институти аспиранти, 1982 – 1984 йилларда шу институтнинг кичик илмий ходими лавозимида ишлади. 1983 йили “Каноп ўриш комбайннинг уруғ ва барг сидирувчи барабанларининг параметрларини асослаш” мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1984 – 1992 йилларда Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида “Техник механика кафедраси ассистенти, доценти. 1992 – 1996 йиллари шу институтнинг “Техник механика” кафедраси мудир, сиртки факультет декани бўлиб ишлади. “Автомеханика” факультети декани, 2006 – 2012 йиллари “Умуммухандислик фанлари” кафедраси мудир лавозимларида фаолият кўрсатди. 2012 йилдан ҳозирги пайтгача “Умумтехника фанлари” кафедрасида доцент бўлиб ишлаб келмоқда.



## **Абдулҳошим АБДУХАЛИКОВ**



“Олий математика” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Абдулҳошим Абдухаликов 1953 йил 2 май куни Ғаллаорол туманидаги Қўйтош кўрғонининг Ўгат қишлоғида таваллуд топган.

Қўйтош кўрғонидаги 4 умумтаълим мактабини 1970 йилда тамомлади.

Шу йили А.Абдухаликов Тошкент Давлат Университетининг механика-математика факультетига кириш имтиҳонларини

Широб, талабаликка қабул қилинди. У ушбу олий даргоҳни 1975 йилда математик, математика ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини Пахтакор шаҳридаги 1 ихтисослаштирилган мактаб – интернатда бошлади. 1977 йилда А.Абдулхаликов Тошкент политехника институти жаззах филиалига математика ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қилинди.


1985 йилда у Химия саноатида машинасозлик Москва институти “Олий математика” кафедраси сиртқи аспирантурасига қабул қилинди ва 1992 йил ушбу институтдаги ихтисолашган кенгашда техника фанлари номзоди илмий даражасига эришди.

А.Абдулхаликов 1992 йилдан Жаззах политехника институтининг “Олий математика” кафедрасида меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда.

А.Абдулхаликов институтнинг фахрий ходими сифатида йиллар давомида институт илмий кенгаши котиби, тарбиявий ишлар проректори, ички назаорат инспекцияси ва маниторинг бўлими бошлиғи, Ахборот ва ахборот технологияси ва “Олий математика” кафедраси мудир лавозимларида меҳнат қилди.

У таълим ва илмий фаолияти давомида 43 та илмий – услубий мақолалар муаллифидир. А.Абдулхаликов ўзининг 44 йиллик меҳнат фаолияти давомида юқори ташкилотлар томонидан бир неча маротаба моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

А.Абдулхаликов катта оила бошлиғи бўлиб, 4 нафар ўғил – қизни ва 11 нафар набираларни тарбиялаб келмоқда.



и  
д  
ў  
и  
ас  
по  
Ре  
мар  
вил  
ход  
оли  
фан  
харб



## Қахрамон АЗИМОВ



“Олий математика” кафедраси катта ўқитувчиси Қахрамон Азимов 1953 йилнинг 25 июлида Жиззах вилоятининг Фориш туманига қарашли Нурак қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топди. Х.Олимжон номи ўрта мактабни 1970 йилда тугатиб, А.Навоий

номидаги Самарқанд Давлат университетининг механика – математика факультетига ўқишга киради.

Университетни 1975 йилда муваффақиятли тугатиб, 1975 – 1978 йилларда Фориш туманидаги Муқимий номи 15 – ўрта мактабда математика фани ўқитувчиси, 1978 – 1979 йилларда Ўзбекистон Республикаси фанлари академияси Кибернетика илмий бирлашмасида менежер – дастурчи, 1979 – 1982 йилларда Ф.Ғулом номи Сирдарё давлат педагогика институтида ўқитувчи, 1982 – 1987 йилларда Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси математика институтида илмий изланувчи бўлиб ишлади. Унинг кундузги факультетининг ахборотшуноблиги бўлиб ишлаганини ҳам таълим тарихида эътибор қилиш керак.

1987 – 1992 йилларда А.Б.Беруний номидаги Тошкент давлат университетининг математика институтида ўқитувчи, 1992 – 1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг республика ўқув методик комиссияси раиси бўлиб ишлаганини ҳам таълим тарихида эътибор қилиш керак. 1993 – 1995 йилларда Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасида ва вилоят халқ таълими бўлими малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида раиси бўлиб ишлайди, кейинчалик “Аниқ ва табиий фанлар кафедрасининг мудирини ҳам таълим тарихида эътибор қилиш керак. 1995 – 2005 йилларда Жиззах вилоят халқ таълими бўлими раиси бўлиб ишлаганини ҳам таълим тарихида эътибор қилиш керак.

вазифаларида, 2005 – 2006 йилларда Жиззах шаҳар уй – жой коммунал хўжалик касб – ҳунар коллежида фаолият кўрсатади.

2006 йилдан шу кунгача Жиззах политехника институтининг “Олий математика” кафедрасида ассистент ва катта ўқитувчи вазифаларида ишлаб келмоқда. У ўзининг иш фаолияти даврида бир неча Республика ва халқаро илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этди. Бундан ташқари у “Аниқ интегралнинг физик масалаларни ечишга тадбиқлари”, “Информатика ва ҳисоблаш техникаси дарсларида дидактик ўйинлар”, “Математикадан синфдан ташқари машғулотлар ва уларни ташкил қилиш”, “Экстремал масалаларни ечиш усуллари”, “Қутб координаталари” ва бошқа услубий кўрсатмалари тайёрлади. “Аналитик чизиқларда экстремал функциянинг бир хоссаси ҳақида”, “Гармоник функцияни доиранинг икки радиусидаги чекли нуқталардан давом эттириш”, “Аналитик чизиқларда квазиполиномларни баҳолаш”, “Авиация билим юртида математика ўқитишнинг бир услубияти”, “Амалиёт дарсларида инновацион технологиядан фойдаланиш”, “Комплекс потенциалларга доир масалаларни ечиш”, “Электротехника дарсларида интерактив технологиялардан фойдаланиш” ва бошқа илмий, илмий – услубий мақолалар муаллифидир.

Қаҳрамон Азимов фидокорона хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Фахрий Ёрлиғи” ва “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган. Бир неча марта раҳбариятнинг ташаккурномасига сазовор бўлган.


У тўртта фарзанднинг отаси – икки ўғил ва икки қизи бор.



Институт ректори профессор Алишер Усманкулов меҳнат фахрийлари билан.



Институт ректори Алишер Усманкулов меҳнат факультетинин профессорлари даврасида






доц. Равшан Хидоятов қонунчилик палатаси  
депутатлари билан учрашувда



доц. Равшан Хидоятовни вилоят ҳокими  
Эргаш Салиев тақдирламоқда



Доцент доктори Ўралов, доц. Равшан Хидоятов ва  
профессор Узоқовлар байрам дастурхонида



Гулбахор Соатова, доц.Бахти Урдушева, доц. Мамажон Позилов  
ва Орзукул Халиловлар байрам дастурхонида



доц. Эргаш Салиев жисмоний тарбия кафедраси аъзолари  
билан спорт мусобақасида



Доц. Дилбар Соатова, Бахти Рашидова ва  
Буражаб Турсуновалар сумалак тайёрламокда






доц. Эргаш Салиев жисмоний тарбия кафедраси аъзолари  
билан спорт мусобақасида



Доц. Дилбар Соатова, Бахти Рашидова ва  
Буражаб Турсуновалар сумалак тайёрламоқда



Доц. Ҷамшед Асадов меҳнат ярмаркасида




Илмий анжумандан лавҳа



Доцентлар. Асрор Мустафокулов, Ропи Исломов ва катта ўқитувчи Қосим Юсуповлар институт ўқитувчилари билан



Доцлар., Ропижон Исломов, Азамат Бердиёров, Хайрулла Мелиев, Холмурод Игамбердиев ва Ўткир Жамоловлар байрам тадбирида



Very faint, illegible text centered on the page, possibly a title or subtitle.



Very faint, illegible text centered at the bottom of the page, possibly a footer or a page number.




Доцентлар Абдурашид Эгамов ва  
Ропижон Исломовлар шогирдлари билан




Доц. Бекназар Каттакишиев дарс машғулотида



доц. Сафарбой Рўзибоев дарс машғули



доц. Сафарбой Рўзибоев АҚШ Горвард университетининг  
профессори Ловен Юнг ва Ўзбекистонлик талабалар билан



Мухаббат Матчанова лаборатория машғулотида





Гулбахор Соатова амалий машғулотда



доцент Мамажон Позилов ва Бахтиёр Абдуллоева  
талаба ёшлар билан



доцент Асрор Мустафоқулов тажриба дарсда



“Номлари муҳрланган устозлар” китоби ижодий гуруҳи




## Абдурашит ЭГАМОВ



“Ер усти транспорт тизмилари” кафедраси доценти Эгамов Абдурашит 1953 йил 15 ноябрда куни Сирдарё вилояти Гулистон туманида туғилган. 1960 йилда Гулистон туманидаги Жданов номидаги 19 мактабининг 1 синфига бориб 1970 йили шу мактабни тамомлаган. Шу йилнинг ўзида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига 1 курсга Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факултетига қабул қилинган. 1975 йилда институтнинг инженер механик мутахассислигини муваффақиятли тугатди. Шу йилнинг ўзида Қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли Ю.Охунбобоев ж/х мухандис механик лавозимига ишга қабул қилинди. 1975 йилда Фориш туманидаги ИИЧТБЮ ўқитувчи бўлиб ишга ўтди. 1977 йилда ТИИИМСХ Янгиер филиалига ассистент лавозимига ишга қабул қилинди. 1980 йилда САИМЭ га Қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналиши бўйича аспирантурага қабул қилинди. 1985 йилда институт қошидаги заводга цех бошлиғи лавозимига ўтказилди. 1987 йилда заводда бош конструктор лавозимида ишлади. 1988 йили “Босими ростланадиган мола – вирамателни параметрларини асослаш” мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу йилнинг ўзида Жиззах педагогика институтининг умумтехника фанлари кафедрасига ассистент лавозимига ишга қабул қилинди. 1992 йилда Жиззах политехника институти ўқув услубий бўлими бошлиғи лавозимига ишга қабул қилинди. 2010 йилда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш

кафедрасига доценти, 2012 йилда Метрология ва стандартлаштириш кафедрасига доценти, 2014 йилдан буён “Ер усти транспорт тизимлари” кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



## Равшан ХИДОЯТОВ



“Менежмент” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, “Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти” Жиззах вилоят худудий бўлинимаси раҳбари Равшан Хидоятлов 1953 йилнинг 7 декабрида Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига қарашли Ниёзмат қишлоғида туғилган. 1961 – 1968 йилларда Булунғур туманидага 11 – сонли саккиз йиллик мактабни тамомлаб, 1968 – 1971 йилларда ҳозирги Жиззах вилоятининг Бахмал туманига қарашли 44 – сонли (собиқ 68 – сонли) мактабни муваффақиятли тугатган.

1976 йилда Тошкент Давлат университети тарих факультетининг “Сиёсий иқтисод” бўлимини тамомлаган ва сиёсий иқтисод фани ўқитувчиси, иқтисодчи мутахассислигини олган. 1981 – 1984 йилларда Ўзбекистон фанлар академияси Иқтисод институти кундузги аспирантурасида ўқиган.

У 1987 йилда “Саноат ишлаб чиқариш таркибий силжишларининг қонуниятлари ва уларнинг ривожланиши” мавзуида

номзодлик диссертациясини ёқлаб иқтисод фанлари номзоди даражасини, 1990 йилда эса доцентлик унвонини олган.

Равшан Хидояттов 1976 – 1996 йилларда А.Қодирий номи Жиззах Давлат педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, 1996 – 2002 йилларда “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудир лавозимларида, 2002 – 2008 йилларда эса Жиззах политехника институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудир лавозимида ишлаган. Ҳозирда “Менежмент” кафедрасида доцент лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Равшан Хидояттовнинг 2018 йилда “Аждоду-авлодларим” номи китоби, “Ниёзмат қишлоқ ҳангомалари” номи, “Эсдан чикмас ҳангомалар” номи, 2019 йилда “Маънавиятли раҳбар. У қандай бўлиши керак?”, “Ҳаётий ҳангомалар” номи рисоалари чоп этилган. У вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда ҳам мунтазам равишда ўзининг маъруза ва мақолалари билан фаол қатнашиб келади. 100 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган. 70 га яқин илмий – оммабоп мақолалари Республика ва маҳаллий босма оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган. 2 та қўлланма, 7 та ўқув – услубий қўлланма, 20 дан зиёд услубий тавсиялар муаллифидир.

Равшан Хидояттов 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастурининг 92 – бандида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб – қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан ҳамкорликда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштиришга қаратилган “Фермер хўжаликларида энергия ва ресурстежамкор технологияларни ривожлантириш ва чиқитсиз технологияларнинг илғор тажрибаларини тарғиб этиш” лойиҳасини (220 млн.сўм) қўлга

киритиб, уни Фориш туманига қарашли “Мулла Сайиткул” фермер хўжалиги базасидаги ўқув марказида вилоятимизнинг юзлаб фермерларнинг ўқитилишидаўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Равшан Хидоятлов 2013 йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб – қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловида **“Жиззах вилоятида ўқувчи ёшлари ва талабаларнинг экотуризм бўйича назарий ва амалий билимларини ошириш”** мавзуидаги лойиҳаси билан қатнашиб 15 миллион сўмлик грант маблағини қўлга киритди.

2014 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб – қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловида **“Жиззах вилояти ёшларининг экологик маданиятини юксалтириш ва экологик билимларини ошириш”** мавзуидаги лойиҳаси билан қатнашиб 14 миллион 600 минг сўмлик грант маблағини қўлга киритди. У замонавий инфор­мацион технологиялар ва илмий ютуқлардан фойдаланиб, маърузаларни ва амалий машғулотларни юқори илмий услубий даражада олиб боради. Жиззах вилоятидаги институт, коллеж, лицей талаба ва ўқувчилари олдида ва маҳаллаларда иқтисодиёт ва экологиянинг долзарб масалалари юзасидан кўплаб тадбирлар ташкил этиб, уларда ўз маърузалари билан чиқишлар қилиб келмоқда. Мазкур тадбирларнинг аксарияти республика ва вилоятимизнинг ОАВ орқали кенг оммага етказиб борилди.

Равшан Хидоятлов 1987 – 1994 йилларда Жиззах вилоят ёш олимлар ва мутахассислар уюшмаси раиси, 2004 – 2011 йилларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах минтақавий ахборот таҳлил маркази раҳбари, 2008 – 2014 йилларда Ўзбекистон экологик ҳаракати Жиззах ҳудудий бўлинмаси раҳбари сифатида кенг жамоатчилик ишларини олиб борди. 2019 йил июль ойидан бошлаб “Фуқаролик жамияти шакилланишини мониторинг қилиш мустақил

институти” Жиззах вилоят худудий бўлинмаси раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда. У Республика ва маҳаллий телевидениелар ва босма нашрлар орқали мунтазам равишда чиқишлар қилиб туради.

У фидойи, камтарин, жонкуяр олим, ташкилотчи. Мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан вилоятимиз аҳолиси орасида ҳурмат қозонган.

Равшан Хидоятонинг самарали меҳнатлари ҳисобга олиниб, “Халқ таълими аълочиси” медали ва “Мустақиллик” эсдалик нишони, бир неча бор вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими вазирлиги, Республика касаба уюшмаларининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Равшан Хидоятон 6 нафар фарзанднинг отаси, 3 ўғли 3 қизи бор. Улар ҳозирда ота – онасининг изидан бориб институт ва коллежларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У киши ҳозирда 14 нафар набиранинг бобоси ҳамдир.





## Орзикул ХАЛИЛОВ



“Радиоэлектроника” кафедраси катта ўқитувчиси Халилов Орзикул Қодирович 1953 йил 27 декабрда ишчи оиласида таваллуд топган. 1971 йили Жиззах шаҳридаги Улуғбек номи 4 – сонли умумий ўрта мактабни тамомлаган. 1971 – 1976 йилларда Самарқанд Давлат университетининг талабаси.

1976 – 1978 йилларда Жиззах шаҳар 144 – касб – ҳунар мактабида физика фани ўқитувчиси сифатида фаолият юритган.

1979 йилдан 1992 йилгача ЖизПИ да физика кафедраси ассистенти, Қишлоқ қурилиши факультети декан муовини, “Физика” кафедраси катта ўқитувчиси ҳамда “Кимёвий технология” факультети декан муовини лавозимларида ишлаган.

Малайзия давлатида малака ошириш курсларида қатнашган.

1998-2010 йилларда Жиззах политехника институтининг касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти кўмитаси раиси лавозимида ишлаганда ҳар йили 15 – 20 профессор – ўқитувчи, техник ва ишчи ходимларни санаторияларда дам олишини ташкил қилган. Ёзги дам олиш мавсумларида институт ходимлари фарзандлари учун оромгоҳлар ташкил қилган ва 40 – 50 нафар ходимларнинг фарзандларини соғломлаштиришларини ташкил қилган. Институтда байрамларни нишонлашда профессор – ўқитувчи, техник ва ишчи ходимларнинг юбилейларини ва туғилган кунларини нишонлашда турли хил тадбирларни амалга оширган.

2010 йилдан ҳозирги вақтгача “Электроэнергетика ва радиоэлектроника” кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Педагогик фаолияти давомида талабаларга физика фанидан чуқур билим беришга, уларнинг физика фанига бўлган қизиқишларини янада оширишга ҳаракат қилиб, уларни эгаллаётган касблари бўйича етук мутахассис бўлишларига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Физика курсининг “Механика”, “Молекуляр физика”, “Электр ва магнетизм”, “Ёруғлик”, “Атом ва ядро физикаси” лабораторияларини ва янги илмий – лаборатория ишларини ташкил этишда катта ҳисса қўшган.

Илмий ва илмий – методик ишларнинг натижалари бўйича унинг 20 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.

Услубий ва илмий – услубий ишлар бўйича “Марказий Осиё олимларининг табиий фанлар ва астрономияга оид қилган ишлари” бўйича ўқув қўлланмаси чоп этилган. 30 дан ортиқ услубий қўлланмалар яратган.

Орзикул Халилов педагогик фаолиятининг самараси туфайли Жиззах вилояти ҳокими ва Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалар Федерацияси томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Орзикул Халилов 4 нафар фарзанднинг ва 8 нафар набиранинг бобоси.



## Юсуфжон АЗИМОВ

Азимов Юсуфжон Қаноатович 1954 йил 2 январ Жиззах шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1971 йилда Жиззах шаҳридаги 3 – сон ўрта мактабни тамомлаган. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1979 йилда Тошкент давлат университетининг физика факультетининг физика радиацияси ихтисослиги бўйича, 1988 йилда Тошкент молия институтининг молия иқтисоди факультетининг молия иқтисодчиси ихтисослиги бўйича томонлаган.

Меҳнат фаолиятини 1970 йилда Жиззах пахта тозалаш заводида чилангарликдан бошлаган. Беш йил Жиззах туман комсомол кўмитасида, ўн йил Жиззах шаҳар ва вилоят маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида раҳбарлик вазифаларида ҳамда Автотеххизмат бошқармасида бошлиқ лавозимларида, йигирма йил вилоят давлат солиқ бошқармасида ва вилоят молия бошқармасида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

Азимов Юсуфжон Қаноатович Жиззах политехника институтида 2008 йил сентябр ойидан катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келган. Институт талабаларига “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Молия”, “Бухгалтерия ва аудит”, “Инвестиция” “Метрология” фанларидан дарс бериб келди. У 15 дан ортиқ илмий – услубий ишлар, 10 та илмий мақолалар муаллифидир.

Азимов Ю.К. раҳбарлигида институт талабалари давлат солиқ сиёсати бўйича ўз билимларини ошириб келиш билан бирга 2015 йилда ташкил этилган “Солиқ билимдонлари” Республика кўригида катнашиб, худудий биринчиликни қўлга киритди.

У 2009 – 2018 ўқув йиллар давомида 20 дан ортиқ талабаларнинг “Битирув малакавий ишларига” раҳбарлик қилиб келди. Азимов Ю.К. кафедрада институт худудидан ўқитувчиларга бериктирилган ер участкаларидан унумли фойдаланиш, унда институт ходимлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича илмий-методик кўрсатмалар бериб келди. Институт доценти Т.Эшонкулов билан ҳамкорликда ўз жамғармалари ҳисобидан институт худудида 20 сотих майдонда хитой технологиясига асосланган “иссиқхона” қуриб, у ерда институт худудида ва унга ёндош худудларда экиш учун манзарали гуллар етиштириш билан шаҳар ободончилигида фаол катнашиб келди. Шунингдек, “иссиқхонада” эртанги маҳсулотларни етиштириб институт ходимларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда ўзининг ҳиссасини қўшиб келди. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, цитрусли мевалар ҳамда йил давомида кулупнай етиштириш бўйича бир неча илмий рисоалар муаллифидир.

У ўзига бириктирилган Арнасой тумани аҳолиси ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича семинар – тренинглар ташкиллаштириб, худудда “иссиқхона”лар қуриш бўйича 40 дан ортиқ хонадонларга амалий ёрдам берди.

Шу билан бирга Азимов Ю.К. моҳир таржимон сифатида иш олиб бориб “Шарқона табобат сирлари”, “Организмни ёшартириш санъати”, “Стрессни ҳаёт қувватига қайта ўзгартириш”, “Ернинг олтин малҳами”, “Кўриш қобилятини ривожлантириш”, “Ўз – ўзини массаж қилиш” “Эркаклик қуввати уни мукаммаллаштириш йўллари” сингари 10 дан ортиқ илмий – оммабоп таржима қитобларини чоп этди. Ҳар

бирининг адади 5000 нусха бўлган бу асарлар китобхонлар ўртасида тезда тарқалди.

Хозирги пайтда Азимов Юсуфжон Қаноатович нафақада бўлишига қарамай Жиззах политехника институти ҳузурида ташкил этилган тайёрлов курсида ҳамда Жиззах шаҳар 1 – сонли ўрта мактабда иккинчи мутахассислиги бўйича абутурентларга ва ўқувчиларга физика фанидан таълим бериб келмоқда.



## Абдимўмин САВУРБОЕВ



**“Информацион технологиялар”**  
кафедраси доценти, техника фанлари  
номзоди Абдимўмин Савурбоев 1954 йил  
7 январда Ғаллаорол туманининг Қўйтоғ  
кўрғонида хизматчи оиласида таваллуд  
топган. У 4 сонли ўрта мактабни битирди.

1971 – 1976 йиллари Самарқанд давлат университетининг “Амалий математика” факультетида мазкур ихтисослик бўйича таҳсил олиб, имтиёзли диплом соҳиби бўлди. 1976 йили йўлланма билан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг “Кибернетика” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги “Кибернетика” илмий текшириш институтига инженер лавозимига ишга қабул қилинди. У ушбу бирлашма қошидаги “Тизимли татқиқотлар” “Алгоритм” институтларида инженер, катта инженер, кичик илмий ходим, илмий ходим, катта илмий ходим, лавозимларида ишлади. 1980 – 1983 йилларда мақсадли аспирантурани ҳам мувафаққиятли битирди.

А.Савурбоев 1991 йили “Ҳисоблаш техникаси, математик моделлаштириш ва математик усулларни илмий татқиқотларда

қўллаш” махсус илмий кенгашида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг бу соҳадаги изланишлари космик аппаратларни метеоритлар урилишига қарши ҳимоялаш соҳасига тегишли бўлиб, диссертация мавзуси “Деформацияланувчи жисмларнинг ўзаро тўқнашишида кечадиган ўтиш жараёнларини тадқиқ қилиш” га бағишланган.

У “Сейсмик маълумотларни қайта ишлаш, ҳисоблаш комплекси” лойиҳасида фаол иштирок этиб, илмий фаолиятини давом этдирди. 1992 йили катта илмий ходим аттестатига эга бўлди. “Тизимли тадқиқотлар” институтидаги фаолияти даврида “Тизимли тадқиқотларда интеллектуал кўмак тизими”ни яратиш бўйича илмий изланишларда иштирок этди.

1993 йилдан то ҳозирги кунгача, у Жиззах политехника институтининг “Информацион технологиялар”кафедрасида мудир, доцент лавозимларида ишлаб келмоқда. Дарс жараёнларида замонавий инновацион педагогик технологияларни қўллаш билан бир каторда, илмий – педагогик изланишлар ҳам олиб бормоқда.

Ахборот коммуникацион технологияларни инновацион таълим муҳити билан тизимли интеграциялаштириш мавзуси бўйича илмий тадқиқотларда қатнашмоқда. У шу пайтгача 70 дан зиёд илмий ва илмий – педагогик қўлланма ва мақолаларини маҳаллий ва хорижий илмий журналлари, конференция материалларида чоп этган.





## Мая ЭМ



**Кандидат филологических наук, доцент кафедры “Хорижий тиллар” Мая ЭМ родился 10 июля 1954 года. Работает в Джизакском политехническом институте с 1977 года (42 года).**

В начале работы работала старшим лаборантом, затем ассистентом, старшим преподавателем, доцентом. Активно занималась не только педагогической деятельностью, но и воспитательной и просветительской работой. За все годы работы в институте принимает активное участие в общественной жизни кафедры и института, также принимает активное участие в женском совете института.

Ежегодно участвует в различных конференциях как в городе Джизаке, так и в городах Республики Узбекистан. Публикует статьи в журналах ВАК. Кроме этого публикует статьи в зарубежных изданиях, как в Австрии, Донеце.

В 1997 году успешно защитила кандидатскую диссертацию на тему: “Фразеология немецкого языка в кратких немецко-иноязычных фразеологических словарях” (на материале немецкого языка). С 1999 года работает доцентом кафедры.

За это время, в 2010 году стала победителем конкурса на получение педагогического гранта на создание краткого трёхязычного лексического словаря, который был выпущен.

В 1999 году проходила повышение квалификации в столице Малайзии Куала – Лумпур, где проходили обучение на английском языке.

За время работы выпущены более ста статей и тезисов, методические пособия и словарь.



## Ғаффор АВАЛБОВ



“Умумий кимё” кафедраси катта ўқитувчиси Авалбоев Ғаффор Абирович 1954 йил 28 июлда Ғаллаорол туманидаги Қўйтош қўрғони, Ўғат қишлоғида ишчи оиласида туғилди. У Қўйтош қўрғонидаги 4-ўрта мактабни 1971 йили муваффақиятли тугаллаб, Тошкент политехника институтининг Саноат ва граждон қурилиши факультетига ўқишга қабул қилинди.

Кимё фанига қизиқиш уни 1972 йили худди шу институтнинг “Кимёвий технология” факультетининг “Боғловчи моддалар кимёвий технологияси” йўналиши бўйича ўқишга етаклади. У кириш имтихонларни муваффақиятли топшириб, ўқишга қабул қилинди.

Мазкур олий ўқув юртини 1977 – йилда муваффақиятли тугаллаган Ғ.Авалбоев йўлланма билан Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати вазирлигига қарашли Жиззах қурилиш материаллари корхонасига ишга юборилди. Дастлаб у оҳак пишириш цехида смена бошлиғи, кўп ўтмай цех бошлиғи лавозимларида ишлади. Кейинчалик унга корхонанинг ишлаб чиқариш – техника бўлими бошлиғи лавозимлари ишониб топширилди.

Ўша даврда корхона Ўзбекистонда оҳак ишлаб чиқарувчи ягона корхона бўлиб, сифатли хомашёдан технологиянинг мукамал эмаслиги ва технологик жиҳозларнинг маънавий эскирганлиги туфайли паст навли оҳак ишлаб чиқариш эди.

У 1979 йили оҳак сифатини яхшилаш бўйича янги инновацион ихтиро таклиф этди. Бу ихтиро “Оҳак пиширувчи айланма печга табиий газ ва ҳавони узатиб турувчи горелкани реконструкциялаш”

мавзусида бўлиб, унинг регламенти, техник – иқтисодий кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, қурилиш материаллари саноати вазирлиги ҳамда “Бутуниттифоқ ихтиролар ва ратсионализаторлар” жамиятига тақдим этилди. Олиб борилган тажрибалар натижасида корхона йилига 200 минг сўм миқдорда иқтисодий самарадорликка эришди.

Ушбу ихтиро Москвадаги “Халқ хўжалиги ютуқлари кўзгармаси”нинг “Қурилиш материаллари” павильонида намоёништирилди ва унга фахрли 1 – ўрин берилди.

1978 – 1980 – йилларда Ғ.Авалбоев Жиззах политехника институтининг “Қурилиш материаллари ва конструкциялари” кафедрасида кечки бўлим талабаларига “Физикавий кимё” ва “Қурилиш материаллари” фанларидан соатбай дарс берди. 1980 йил март ойидан бошлаб ушбу факультетнинг ассистентлик лавозимида таълим этилди. Шу вақтдан буён у Жиззах политехника институтининг “Кимёвий технология” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳозирги вақтда Ғаффор Авалбоев томонидан 1 та дарслик (“Металл ва композицион материаллар”) ва 9 та ўқув қўлланма тайёрланиб, улардан магистратура мутахассислиги ва бакалаврият йўналишидаги талабалар ўқув жараёнида фойдаланиб келишмоқда.

Устоз нафақа ёшида бўлишига қарамасдан, институтнинг ижтимоий фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда. 2015 йил декабрь ойида Тошкент Кимё технология институтини аттестациядан ўтказиш жараёнида эксперт сифатида қатнашди. 2000 – 2015 – йиллар давомида институт қошидаги академик лицейда кимё фани бўйича ўқувчиларга дарс бериб келди. Бу ўқувчилар орасидан Республика, вилоят олимпиадалари ғолиблари етишиб чиқди. 2003 йили кимё фани бўйича Республика академик лицей ва касб – ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган олимпиадада ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этди. Иқтидорли талабалар билан ҳам муттасил шуғулланиб, уларнинг илмий ва услубий ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Унинг бевосита раҳбарлиги остида талабалардан Салима Саъдуллаева ва Азиза Файзиевалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғига биноан “Беруний” номидаги Давлат стипендияси соҳибларига айланди.

Гаффор Авалбоев наъмунали оила бошлиғи ҳисобланади. Унинг 4 та фарзанди бўлиб, улар халқ хўжалигининг турли тармоқларида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда.

Гаффор Авалбоев 8 нафар набираларнинг бобосидир.

У жамоа ва талабалар орасида яхши обрўга эга. Ёш ўқитувчилар ва талабаларга ўз маслаҳатлари ва насиҳатлари билан яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда.



## Хасан ХИДОЯТУЛЛАЕВ



“Автомобиль йўллари” кафедраси катта ўқитувчиси Хидоятуллаев Хасан Хайруллаевич 1954 йил 29 июлда Жиззах туманида туғилган. Жиззах политехника институтида 2012 йилдан ишлаб келади.

Х.Хидоятуллаев 1978 йилда Тошкент Автомобиль йўллари институтини битиргандан кейин Жиззах вилоят йўл қурилиши бошқармасида 1978 йилдан 2014 йилгача муҳандис, бош муҳандис, асфальтобетон заводи директори вазифаларида фаолият кўрсатиб келди. Ўз фаолияти давомида Жиззах вилояти автомобиль йўлларини ривожлантиришда ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Унинг бевосита раҳбарлигида М – 39 “Олма ота – Бишкек – Тошкент – Термиз” автомагистралининг 995 – 1005км.

оралиғида реконструкция қилиш лойиҳаси ва қурилиши ишлари, 4P39 “Жиззах – Уч тепа – Фориш” автомобиль йўлининг 12-26км. оралиғида қуриш ишлари, М – 39 “Олма ота – Бишкек – Тошкент – Термиз” автомагистралининг 950 – 961км. оралиғида тўла таъмирлаш ишлари, А376 “Кўкон – Жиззах” автомобиль йўлининг 975 – 982км. оралиғида тўла таъмирлаш ишлари намунали олиб борилди. У автомобиль йўллари лойиҳалаш, лойиҳа – смета ҳужжатларини тузишга раҳбарлик қилди. Уўзининг фаолияти давомида вилоятлардаги асфальтобетон ишлаб чиқарувчи заводларда асфальтобетон қоришмалари сифатини ошириш бўйича бир неча инновацион тавсиялар ишлаб чиқди. Вилоят чўл зоналаридаги туман йўл хўжаликларини инерт материаллар билан таъминлашда карьерлар ташкил қилиш ишларини амалга оширди.

Х.Хидоятуллаев 2012 йилда кўп йиллик тажрибага эга мутахассис сифатида институтнинг “Автомобиль йўллари” кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига таклиф этилди.

Жиззах политехника институтида ишлаш даврида Х.Хидоятуллаев хорижий журналлар ва конференцияларда 3та илмий мақола чоп этдирди. Республика журналлари ва конференцияларда 2та илмий мақоласи чиқди. Унинг раҳбарлиғида 2 нафар иқтидорли талаба “Автомобиль йўллари лойиҳалашнинг замонавий усуллари” мавзусида илмий ишлар олиб боришмоқда. Бундан ташқари, у ТИФ ва АЙ ва А йўналиши бўйича бакалавр йўналиши ва магистрларга “Автомобиль йўллари лойиҳалаш ва қуриш технологиялари жараёнлари” фани бўйича дарс бермоқда.

Хидоятуллаев Хасан Хайруллаевичнинг 4 нафар фарзанди, 8 нафар набиралари бор.



## Махматқобил ОБИЛҚОСИМОВ



Обилқосимов Махматқобил 1954 йилнинг 1 сентябрида Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманига қарашли Дехқонқўмак қишлоғида туғилган. 1961 – 1971 йилларда Оқдарё туманидага 36 – сонли умумтаълим мактабини муваффақиятли тамомлаган. 1984 йилда Тошкент Давлат университети Тарих факультетини тамомлаган ва “Тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси” мутахассислигини олган.

Обилқосимов Махматқобил 1984 – 1987 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтининг Жиззах филиали ўқитувчиси.

1987 – 1989 йилларда Жиззах вилояти “Билим жамияти”да референт, сўнгра масъул котиб лавозимларида фаолият юритган.

1989 – 1992 йилларда Жиззах шаҳар “Автобус – такси саройи”да ҳайдовчи бўлиб фаолият кўрсатган.

Обилқосимов Махматқобил 1992 йилдан то бугунги кунгача Жиззах политехника институти “Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар” кафедрасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Обилқосимов Махматқобил вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда ҳам мунтазам равишда ўзининг маъруза ва мақолалари билан ҳамда ўзининг иштироки билан фаол қатнашиб келади. 50 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган. 2 та ўқув – услубий кўлланма, 20 дан зиёд услубий тавсиялар чоп этган.

У замонавий информацион технологиялар ва илмий ютуқлардан фойдаланиб маърузаларни ва амалий машғулотларни юқори илмий услубий даражада олиб боради. Жиззах вилоятидаги институт, лицей

ва мактабларда, шунингдек, маҳаллаларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг долзарб масалалари юзасидан кўплаб тадбирлар ташкил этиб, уларда ўз маърузалари билан чиқишлар қилиб келмоқда. Мазкур тадбирларнинг аксарияти республика ва вилоятимизнинг ОАВ орқали кенг оммага етказиб берилмоқда.

У фидойи, камтарин, ташкилотчи, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан кафедра, институт жамоаси ҳамда вилоятимиз аҳолиси орасида ҳурмат қозонган.

Махматқобил Обилқосимовнинг оиласи пири бадавлат оила.

Махматқобил Обилқосимов 4 нафар фарзанднинг отаси, 1 ўғли ва 3 қизи бор, уларнинг барчалари олий маълумотли ва ҳозирги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келишмоқда. Турмуш ўртоғи Раъно она билан 8 нафар шириндан- шакар суюкли набираларни тарбиялашмоқда.



## Исройил БОЗОРОВ



“Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси” кафедраси мудир Ибройил Бозоров 1954 йил 30 декабрда Самарқанд вилоятининг Пойарик туманида туғилган. 1973 – 1975 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975 йилда Тошкент политехника институтига ўқишга кириб, мазкур институтни 1980 йилда “Боғловчи моддалар кимёвий технологияси” ихтисослиги бўйича муваффақиятли тамом қилди.

1980 йилда фаолиятини Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалининг “Қурилиш фанлари” кафедрасида ассистент

лавозимидан бошлади. 1992 – 1995 йилларда Жиззах политехника институтининг “Қурилиш материаллари” кафедрасида катта ўқитувчи, 1995 – 2002 йилларда Жиззах политехника институти “Кимё ва кимёвий технологиялар” кафедрасида катта ўқитувчи, 2002 – 2003 йилларда “Меҳнат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш” кафедрасида катта ўқитувчи, 2003 – 2017 йиллар давомида эса Жиззах политехника институтининг фойдаланиш техника ва хўжалик бўлими бошлиғи, шу билан бир қаторда “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси” кафедрасида ўриндошлик асосида катта ўқитувчи лавозимларида, 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Жиззах политехника институтининг “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У фидойи, камтарин, жонқуяр инсон, ташкилотчи, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан Жиззах политехника институти жамоаси ҳамда вилоятимиз аҳолиси орасида ҳурмат қозонган. Исройил Бозоров Жиззах политехника институтида “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялар технологияси” кафедраси қошида қурилиш материалларини синаш ўқув – лабораториясини ташкил этишда, моддий техника базани бойитишда хизматлари алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда ҚМБ ва КИЧ таълим йўналиши битирувчи бакалаврлари билан биргаликда илмий асосланган БМИга раҳбарлик қилмоқда.

Исройил Бозоров 4 нафар фарзанднинг отаси, 9 нафар набиранинг бобоси ҳамдир.



## Эшбой РАББИМОВ



Эшбой Азимович Раббимов 1955 йилнинг 17 январда Самарқанд вилоятининг Фориш туманидаги Қораабдол қишлоғида туғилган. У ўрта мактабни 1972 йили тамомлади.

Мактабни тугатгач, 1974 йилда Тошкент политехника институтининг инженер – физика факультети, “Физика электроникаси” мутахассислиги йўналиши бўйича ўқишга кирди.

Институтни тугатгач, иш фаолиятини 1979 – 1980 йилларда Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида “Физика кафедраси” ассистенти лавозимида иш фаолиятини бошлади. 1989 – 1993 йилларда эса Тошкент политехника институтига (Ҳозирги Тошкент Давлат техника университети) “Экспериментал ва назарий физика” кафедрасига “Физика электроникаси” соҳаси бўйича аспирантурага кириб, илмий – тадқиқот ишларини олиб борди.

Эътироф этиш жоизки, ёш аспирант илмий тадқиқотларининг асосий йўналиши – физикавий электрониканинг ярим ўтказгичлар сирт юзаларининг хосса ва хусусиятларини кичик қувватли ионлар таъсирида ўзгартириш ва уни бошқариш ҳамда бошқа хусусиятларини аниқлашни ташкил этган.

1995 йилнинг 5 майида дастлабки илмий довон босиб ўтилди. Эшбой Азимович ЎзФА “Электроника” илмий текшириш институти хузуридаги ихтисослашган Кенгашида “Кичик энергияли ионлар билан имплантация қилинган  $\text{CaF}_2$  сирт қатламларнинг электрон спектроскопияси” мавзусида 01.04.04. “физика электроникаси”

ихтисослиги бўйича бажарилган диссертацияни химоя қилиш натижаси асосида физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.” Бу йўналишдаги илмий изланишларнинг ўзига хос моҳияти ва аҳамияти шундан иборат эдики, эмиссион электроника соҳасининг турли услублари умумлаштирилиб, қаттиқ жисмлар юпқа сиртларининг ионли имплантация таъсирида энергетик сатҳларнинг ўзгариш диаграммалари яратилди.

Энг муҳими, бу изланишлар ва тадқиқотлар натижасида физикавий электроника соҳасида ярим ўтказгичларда валент ва ўтказувчанлик соҳаларининг юқори дозадаги ионлар таъсирида электрон ҳолатлари кескин ўзгариши мумкинлиги ўз ифодасини топиб, паст қувватли, юқори дозали ионлар таъсирида эса металл, ярим ўтказгич ва диэлектрик плёнкалар сиртида юқори эмиссион хусусиятларга эга бўлган эффектив катодлар яшаш имкониятлари юзага келди. Бу амалиётда, хусусан, электрон техника корхоналарида ўз ижобий самарасини бера бошлади. Ҳозирги вақтда у Тошкент Давлат техника университетларининг олимлари билан ижодий ҳамкорликда “Аралашма киритилган ярим ўтказгичли материалларни спектроскопик усулларда тадқиқ этиш” мавзуси устида илмий иш олиб бормоқда.

Педагогик фаолияти давомида 80 тадан ортиқ иш эълон қилган. Шулардан 50 таси илмий ва 30 таси ўқув – услубий ишлардир.

1979 йилдан бошлаб Эшбой Раббимов Жиззах политехника институтининг “Электроэнергетика” ва “Радиоэлектроника” кафедраларида ассистент, катта ўқитувчи, кафедра мудири ва доцент лавозимларида ишлаб келяпти.



## Асрор МУСТАФАҚУЛОВ



“Физика” кафедраси доценти, физика – математика фанлари номзоди Мустафақулов Асрор Ахмедович 1955 йил 20 январда Жиззах вилоятининг, Бахмал туманида туғилган. 1972 йилда Жиззах туманидаги Й.Охунбобоев номи ўрта мактабни тамомлади.

1972 – 1977 йилларда А.Навобий номи Самарқанд Давлат университетининг физика факультетида ўқиди. 1977 – 1982 йилларда А.Қодирий номи Жиззах Давлат педагогика институтининг физика кафедрасида ўқитувчи бўлди. Кейин Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Ядро физикаси институтида илмий ходим сифатида илмий фаолият билан шуғулланди, аспирантурада ўқиди.

Асрор Мустафақулов 1990 йилда “Кварц кристали структурасини радиацион нурлар таъсирида ўзгартириш ва унинг радиацион – оптик хусусиятларига таъсири” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. А.Мустафақулов 1989 – 1997 йиллар давомида Жиззах Давлат педагогика институтида доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаб келди. У 1997 – 2012 йиллар давомида эса Жиззах политехника институтининг “Электрэнергетика ва физика” кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатиб келди. У 2012-2015 йилларда “Электрэнергетика” кафедраси мудири вазифасида ишлади. Бу даврда кафедранинг моддий – техник базаси тубдан янгиланди. АСКУЭ лабораторияси ташкил этилди. Институтга қуёш ва шамол электр станциялари олиб келиб ўрнатилди. Германиянинг Гамбург технология университети билан тузилган ҳамкорлик шартномаси асосида қуввати 6,75 кВт бўлган қуёш электр станцияси олиб келинди ва ишга туширилди. Жанубий корейлик

мутахассислар билан имзоланган меморандум асосида қуёш – шамол гибрид электр станцияси олиб келиниб, институт фасадига ўрнатилди ва ишга туширилди. Шу даврда институтнинг технопаркига асос солинди. Технопаркни ёритиш тизими фотоэлемент билан жиҳозланиб автоматлаштирилди. 2017 йил ноябрь ойидан бошлаб А. Мустафақулов янгидан ташкил этилган “Радиоэлектроника” кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

2002 йилда А.Мустафақулов доцентлик илмий унвонига сазовор бўлди. Унинг илмий фаолияти радиацион материал – шунослик муаммоларига бағишланган бўлиб, унда турли хил текшириш усуллари ёрдамида кварц кристаллини нейтронлар билан нурлантирилгандан сўнг содир бўладиган фазавий ўтишлар таҳлил этилган. Фанда биринчи бор “Радиацион ирсият эффеќти”, яъни кристалларнинг бошқа фазаси ва нуқтавий нуқсонларнинг ўсиш жараёнида затравкадан ўсаётган кристалларга ўтиши кашф этилди. А.Мустафақулов Москва – Александров шаҳарларида жавоҳиршунос олимлар – икки мартадан давлат мукофоти совриндорлари, фан докторлари Хаджи В.Е., Сомайлович М.И.лар билан ҳамкорликда кварц кристаллининг бета фазасини гидротермал усулда ўстирди. Кварц кристаллидаги нурланиш марказларининг иссиқликка турғунлиги ва нейтронлар билан нурлантириш даражасига боғлиқлиги аниқланди.

А.Мустафақулов эришган илмий натижалари дунё, собиқ иттифоқ ва Ўзбекистоннинг етакчи олимлари иштирокидаги анжуманларда кўп мартаба тингланган, муҳокама қилинган. Жумладан, унинг ишлари 1989 йилда Сочида бўлиб ўтган Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар олимларининг халқаро анжуманида, собиқ Иттифоқ олимларининг 1983, 1986 йилларда Ригада, 1984 йилда Тошкентда, Обнинскда, 1986 йилда Таллинда, 1988 йилда Львовда, 2001, 2009 йилларда Самарқандда 2003, 2007 йилларда Алма – Ата шаҳрида, 2002 йилда Туркиянинг Измир шаҳрида бўлиб ўтган илмий анжуманларда, 2012 йилда Тошкентда бўлган V – VI инновацион ғоялар, лойиҳалар Республика ярмаркаларида, 2015 йил Тошкентда, ТДТУда бўлган XIX халқаро

конференцияларда қизгин мунозараларга сабаб бўлган. Илмий ишларининг натижалари 180 дан ортиқ илмий мақола ва тезисларда ЎзР ФА нинг академиклари Ҳабибуллаев П.К., Фуломов У.Ф., Ваҳидов Ш.А., фан докторлари Гасанов Э.М., Ибрагимов Ж.Д., Нуриддинов И., Юлдашев У. каби олимларнинг ҳаммуаллифлигида ўз аксини топган. Мустафақулов А. 1 авторлик гувоҳномаси-патент эгаси.


Унинг ҳаммуаллифлигида 5 та ўқув қўлланма, 21 та услубий қўлланмалар, 7 та маърузалар матни, 5 та электрон – ўқув услубий мажмуалар чоп этилган. “Электротехника материаллари”, “Умумий физика фанидан амалий машғулотлар учун ўқув қўлланма” номли ўқув қўлланмалари Республикамининг барча олий ўқув юртлари ва касб – ҳунар коллежларида электроэнергетик талабалар учун илмий – ўқув манба сифатида фойдаланиб келинмоқда. Илм – фан ютуқларини оммалаштириш ҳамда ёшларни маънавий жиҳатдан етук, баркамол этиб тарбиялаш мақсадида Мустафақулов А.нинг 20 дан ортиқ илмий – оммабоп мақолалари даврий нашрларда чоп этилган.

У ўзининг 42 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун минглаб малакали шогирдларни тарбиялаб етказиб берди. Уларнинг орасида фан докторлари, 10 га яқин фан номзодлари, аспирантлар, магистрантлар, тадқиқотчилар ва иқтидорли талабалар бор.

А.Мустафақулов кафедра қошидаги “Физика ва радиоэлектроника” тўғарагининг раҳбари сифатида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

А.Мустафақулов талабаларга нисбатан меҳрибон, талабчан устоз, ҳамкасбларга ишончли маслаҳатгўй. У илм – фан янгиликларига қизиқувчанлиги, меҳнатсеварлиги ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажариши ҳамда тўғри сўзлиги билан институт жамоаси орасида обрў – эътиборга эга.

А. Мустафақулов оилали, 4 фарзанднинг отаси, 9 нафар набиранинг меҳрибон бобоси. Барча фарзандлари олий маълумотли педагоглардир.




## Абдулла ХАЛИЛОВ

“Логистика ва Сервис” кафедраси катта ўқитувчиси Халилов Абдулла Холматович 1955 йил 19 апрелда Ш.Рашидов туманидаги “Зиёкор” маҳалласида туғилган. 1972 йилда ҳозирги Ш.Рашидов туманидаги Ҳ.Носиров номли 16-ўрта мактабни тамомлаб, шу йили Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтига “Автомобиль транспортини ишлатиш ва эксплуатация қилиш” йўналиши бўйича ўқишга кириб, 1977 йилда ўқишни тамомлаган.

У 1977 йилда Жиззах шаҳридаги қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли хўжалик ҳисобидаги 4 – чи автотранспорт корхонасидан меҳнат фаолиятини бошлаган. 1982 – 83 йилларда Жиззах шаҳридаги такси саройида колонна бошлиғи, 1983 – 2003 йилларда Жиззах вилоят автошоҳбекат ва автобошбекатлар бирлашмасида бошлиқ, 2003 – 2005 йилларда “Жиззахтранс” юк ва йўловчилар ташиш бирлашмасида муовин, 2005 – 2009 йилларда Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Йўловчи ташиш транспорт депортаменти бошлиғи вазифаларида фаолият юритган. 2009 йилдан бошлаб Жиззах политехника институтининг “Транспорт воситаларини ишлатиш” кафедрасининг катта ўқитувчиси ва ҳозирда “Логистика ва Сервис” кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида 10 дан ортиқ илмий мақолаларга муаллифлик қилиб кўплаб услубий кўрсатмалар яратган. “Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш”, “Автомобил транспортда лицензиялаш

ва сертификатлаш”, “Транспорт тизимининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари”, “Автомобиллар сервис асослари” каби фанлар бўйича ўқув кўрсатмалар муаллифидир. Жиззах шаҳрида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи транспорт воситаларини ҳаракатини тартибга солиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини, нақд пул тушумини ошириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида “Жиззах шаҳрида транспорт соҳаси учун марказий диспетчерлик хизмати ташкил этиш” бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа муаллифидир.



## Бўрибой РАХМОНОВ



“Автомобил йўллари” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Рахмонов Бўрибой 1955 йил 6 июнда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган. 1977 йилда Тошкент давлат университетининг Геология факультетига ўқишга кириб, 1982 йил шу факультетни тамомлаган.

1982 йилда Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалинида “Қурилиш конструкциялари” кафедрасида меҳнат фаолиятини бошлаган. 1989 йил Москва шаҳрида ПНИИИС илмий текшириш институтининг аспирантурасига ўқишга кирган. 1991 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб техника фанлари номзоди илмий даражасини олган.

У 1992 – 1994 йилларда Жиззах политехника институтимизнинг “Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар” кафедрасида кафедра

мудир ва доцент лавозимларида фаолият олиб борган. 1994 – 1997 йилларда Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг “Темир бетон конструкциялари” кафедрасида кундузги бўлим докторантурасида илмий фаолиятини олиб борган. Диссертация мавзуси: Закономерности изменения физика – механических свойств засоленных пылевато – глинистые грунтов при их замачивании и выхлачивании.

1998 – 2006 йилларда Жиззах давлат педагогика институти “География – экология” кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудир лавозимларида фаолият олиб борган. 2003 йили “География – экология” кафедраси бўйича доцент илмий унвонини олган.

2006 – 2011 йилларда Жиззах политехника институтининг “Меҳнат ва атроф – муҳит муҳофазаси” кафедрасида доцент лавозимида ҳамда институт ўқув – услубий бўлим бошлиғи лавозимида иш фаолиятини олиб борган.

Кейинчалик Жиззах политехника институти қошидаги 2 – сонли академик лицейда директор лавозимида ишлаган. Ҳозирги кунда “Автомобил йўллари” кафедраси доценти лавозимида фаолият олиб бормоқда.

У 70 дан ортиқ илмий мақолалар ва 10 дан ортиқ услубий қўлланмалар муаллифидир. Институт ректорати ва вилоят ҳокимлиги томонидан мақтов ёрлиғи, ташаккурномалар олган. Оилали, 2 нафар фарзанди бор.





## Мустафокул РАХМАТУЛЛАЕВ

“Логистика ва сервис” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Рахматуллаев Мустафокул Ҳамрақулович 1955 йил 20 сентябрда Жиззах туманида туғилган. Тошкент политехника институти “Муҳандис – механик”, мутахассислиги бўйича, кейинчалик “Транспорт воситалари эксплуатацияси” йўналишини тугаллаган.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини электрофикациялаш ва механизациялаш институти илмий ходими. Тошкент политехника институти Жиззах филиали “Умумтехника фанлари” кафедраси ассистенти. Жиззах шаҳар партия кўмитаси бўлим бошлиғи. Тошкент автомобиль йўллари институти Жиззах филиали “Умумтехника” факультети декани, илмий ишлар бўйича проректори, 1993 – 1996 йилларда институтнинг “Автомеханика” факультети декани. Сўнгра “Транспорт воситаларини ишлатиш” кафедраси мудири. 2004 – 2005 йилларда эса “Транспорт воситаларини ишлатиш” кафедраси доценти, “Умуммуҳандислик фанлари” кафедраси мудири, “Автотранспорт” факультетидекани, “Умуммуҳандислик фанлари, метрология ва стандартлаш” кафедраси катта ўқитувчиси, “Транспорт воситаларини ишлатиш” кафедраси доценти, “Ерусти транспорт тизимлари” кафедраси доценти. 2017 йилдан бошлаб эса институтининг “Логистика ва сервис” кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда. Фаолияти давомида “Йилнинг энг яхши доценти”, “Йилнинг энг яхши факультет декани” номинациялари ғолиби бўлган.

М.Рахматуллаев 70 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир ва кўплаб услубий қўлланмалар яратган. “Автомобилларда ишлатиладиган материаллар”, “Ишончлилик назарияси”, “Транспорт воситаларининг эксплуатацион хусусиятлари.”, “Ихтисослаштирилган транспорт воситаларида юкларни ташиш” каби ўқув қўлланмалар муаллифидир.



## Саъдулла ЎБАЙДУЛЛАЕВ



“Умумтехника фанлари” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Саъдулла Ўбайдуллаев 1955 йил 17 ноябрда Фориш туманининг Нарвон қишлоғида таваллуд топган. У 1972 йили ўрта мактабни тамомлади. 1972 – 77 йилларда Фарғона политехника институтида ўқиб, имтиёзли диплом олишга муяссар бўлди.

С.Ўбайдуллаев инженер – механик мутахассислигига эга бўлиб, 1977 йилда Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги Охунбобоев номли АХМда техника хавфсизлиги инженери бўлиб ўз меҳнат фаолиятини бошлади.

С.Ўбайдуллаев 1979 – 84 йилларда Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида дарс берди. 1984 – 87 йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институтининг мақсадли кундузги аспирантурасида ўқиди.

У “Қуруқ луб йиғадиган машина титувчи барабаннинг асосий параметрларини асослаш” мавзусида илмий изланишлар олиб бориб,

1993 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасини олди. Педагог – олим сифатида 90 дан ортиқ илмий услубий мақола, 2 та муаллифлик гувоҳномаси, 2 та ихтиро, 5 та услубий тавсиянома, 2 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма муаллифидир.

С.Ўбайдуллаев 1988 йилдан А.Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтининг “Техника ва касб таълими” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаб, 1995 – 2006 йилларда мазкур кафедранинг бошқарган. 2006 йилдан шу кафедра доценти сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

С.Ўбайдуллаев ҳозирги кунда техника фанлари доктори проф. Х.А.Тўракулов раҳбарлигида “Машинасозлик фанларининг ўқитишнинг компьютерли тизимини ишлаб чиқиш” мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

У адабиётга, ижодга жуда қизиқади. Унинг “Маърифат” журналида “Рўмолча” ҳикояси, “Атиргул” новелласи, “Қизгина” ва бошқа шеърлари, “Жиззах ҳақиқати” газетаси ва “Қалдирғочим” тўпламида митти ҳикоялари ҳамда шеърлари чоп этилган. Т.Рахмоновнинг “Нарвоннома” тарихий асарида С.Ўбайдуллаевнинг “Ният”, “Умр ўтмоқда”, “Ёдномаси” каби шеърлари нашр қилинган. А.Қодирий номли ЖДПИнинг “Зиё чашмаси” газетасида Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А.Каримов хотирасига бағишланган “Алвидо” номли ёдномаси чоп этилган.

С.Ўбайдуллаев оилали 5 нафар ўғил ва 2 нафар қизни тарбиялаб вояга етказган, 12 нафар набиранинг суякли бобоси.



## Икром РЎЗМАТОВ



“Умумий кимё” кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди Рўзматов Икром 1956 йил 27 февралда Ғаллаорол туманидаги Авлиёота қишлоғида туғилган. 1973 йилда Жиззах туманидаги Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат номли ўрта мактабни битирган.

1978 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг табиат – география факультети кимё – биология мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлаган.

Мехнат фаолиятини 1978 йилда Жиззахдаги Наримонов номли 5 – ўрта мактабда кимё фани ўқитувчиси сифатида бошлаб, мактабда кимё фани бўйича ўқувчиларни республика олимпиадаси ғолиби даражасигача олиб чиқиб. 1981 – 83 йилларда Жиззах қурилиш техникумида кимё фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1983 йил сентябрь ойидан бошлаб, институтимизда катта лаборант, ассистент лавозимларида фаолият юритди. 1991 йилда кимё фанлари доктори, профессор Қурбонов Фарходнинг раҳбарлигида “Фосфогипсни эриган қисми ва ундан кўмирни гидротранспортировка қилишда фойдаланиш” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1992 йилда Олий Аттестация Комиссиясининг қарори билан доцентлик дипломи берилди.

1992 – 1994 йилларда “Умумий кимё” кафедраси мудири лавозимида ишлади. 1995 – 1997 йилларда Тошкент кимё технологияси институтининг ноорганик моддалар технологияси кафедрасида доктарантурада бўлиб, “Маҳаллий хом ашёлар ва саноат чиқиндилари асосида таркибида тубдан янги металллар коррозияси

ингибиторлари сақловчи совутгич суюқликлар яратиш” мавзуси бўйича илмий – тадқиқот ишларини олиб борди. 1998 йилдан бошлаб институтнинг “Кимёвий технология” кафедрасида доцент лавозимида ишлади. 2001 – 2005 йиллар мобайнида институтнинг “Маркетинг” бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб институтда “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш”, “Озиқ овқат технологияси”, “Касб талими” бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда “Материалларнинг кимёвий қаршилиги ва занглашдан ҳимоялаш” каби магистратура мутахассисликларини очилишига салмоқли ҳиссасини кўшди.

2005 – 2010 йилларда институтнинг “Академик лицей ва касб – хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор” лавозимида ишлади. Институт қошидаги академик лицей ўқувчиларига “Жиззах политехника институти” номли стипендияни йўлга қўйдириб, иқтидорли ўқувчилар рағбатлантириб борилди. 2010-2018 йиллар мобайнида институт “Кимёвий технология” кафедрасининг мудирини лавозимида ишлади. Кафедрада илмий тадқиқот ишлари яхши йўлга қўйилиб, кафедранинг ЎзФА нинг “Ноорганик моддалар кимёси институти”, Россия Федерацияси Иванова Давлат кимё-технология университети, Иванова ФА нинг “Эритмалар кимёси” институтлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Икром Рўзматов институтда “Материалларнинг кимёвий қаршилиги ва занглашдан ҳимоялаш” магистратура мутахассислигини очиб, бугунги кунда кафедра қошида “Металлар коррозияси ингибиторлари” илмий – тадқиқот лабораториясини ташкил этилишига ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшди.

Республикамиздаги ёғ – мой комбинатлари хом – ашёси асосида – 39° С ҳароратгача музламайдиган совутгич суюқлик, Глицеринли Антифриз – ГА – 39 Рўзматов томонидан яратилиб, патентланган ва Республикамизда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Устозларининг йўлидан борган Икром Рўзматов бугунги кунда бир нечта патентлар, 100 дан ортиқ илмий, илмий – услубий мақолалар ва кўплаб услубий қўлланмаларнинг муаллифи ҳамдир.

Шогирдлари билан ҳамкорликда Жиззах “Плстмасса” АЖ, Жиззах аккумулятор заводи АЖ қошида кафедранинг филиалини ташкил этиб, фан билан ишлаб чиқариш соҳасидаги интеграцияни йўлга қўйиб, институтда малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича тинимсиз меҳнат қилиб келмоқда.



## Маматқул ТУРСУНОВ

**“Муҳандислик коммуникациялари”** кафедраси катта ўқитувчиси Турсунов Маматқул Каримович 1956 йил 13 мартда Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида туғилган. 1974 йилда Ургут туманидаги “Облоқул Узоқов” номли 41 – сонли ўрта мактабни тамомлаган.

1974 йилда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтини “Муҳандис – иқтисод” факультетини “Иссиқлик газ таъминоти ва шамоллатиш” йўналишини тамомлаган, қурувчи муҳандис мутахассислигини олган.

1984 – 1986 йилларда Жиззах “Ўзпромвентиляция” трести кўчма механизациялашган колоннаси катта муҳандиси лавозимида ишлаган. 1986 – 1991 йилларда Тошкент политехника институти Жиззах филиали ассистенти, 1991 – 1992 йилларда Тошкент архитектура қурилиши институти Жиззах филиали ассистенти, сўнгра, институтнинг “Қурилишда иқтисодиёт ва бошқарув” кафедраси ассистенти, “Иссиқлик техникаси ва гидравлика” кафедраси катта ўқитувчиси, “Сув, газ таъминоти ва экология” кафедраси катта ўқитувчиси, “Меҳнат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш” кафедраси катта ўқитувчиси, “Автотранспорт” факультети декани муовини, 2012 йилдан ҳозиргача институтимизнинг “Муҳандислик коммуникациялари” кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларида ишлаб келмоқда.

Маматкул Турсуновнинг “Иссиқлик таъминоти” номли ўқув кўлланмаси чоп этилган. У вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда ҳам мунтазам равишда ўзининг маъруза ва мақолалари билан фаол қатнашиб келади. 60 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий – амалий конференциялари тўпламларида эълон қилинган. 40 га яқин илмий – оммабоп мақолалари Республика ва маҳаллий босма оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган. 1 та кўлланма, 7 та ўқув – услубий кўрсатма, 10 дан зиёд услубий тавсиялар чоп этган.

Маматкул Турсунов 2002 йилда Техноген объектлар таъсирида “Мирзачўл минтақасида табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш системасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш” мавзуси асосида 5млн. сўмлик давлат гранти ютиб олиниб, ушбу лойиҳада иштирок этган.

У замонавий информацион технологиялар ва илмий ютуқлардан фойдаланиб, маърузаларни ва амалий машғулотларни юқори илмий услубий даражада олиб боради. Жиззах вилоятидаги институт, коллеж, лицей талабалари олдида ва маҳаллаларда иссиқлик газ таъминоти юзасидан кўплаб тадбирлар ташкил этиб, уларда ўз маърузалари билан чиқишлар қилиб келмоқда.

У фидоий, камтарин, жонкуяр олим, ташкилотчи, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан кафедра, институт жамоаси орасида ҳурмат қозонган.

Маматкул Турсуновнинг самарали меҳнатлари ҳисобга олиниб вилоят ҳокимлиги ва Олий таълим вазирлиги, Республика қасаба уюшмаларининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор муносиб тақдирланган.

Маматкул Турсунов 6 нафар фарзанднинг отаси, 5 ўғли 1 қизи бор, улар ҳозирда ота – онасининг изидан бориб вилоятнинг нуфузли ташкилотларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У киши ҳозирда 15 нафар набиранинг бобоси ҳамдир.



## Абдурахим ПАРДАБОВ



“Электроэнергетика” кафедраси катта ўқитувчиси Пардабоев Абдурахим 1956 йил 27 майда Жиззах вилояти, Бахмал туманида туғилган.

Умумий ўрта мактабни тугатгач 1977 йилда Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кириб унинг “Радио алоқа ва радио эшиттириш муҳандиси” йўналишини 1982 йилда муваффақиятли тамомлаган. 1973 – 1974йй – Жиззах вилоят Бахмал туман қишлоқ маданият уйи бадий раҳбари. 1977 – 1977йй Жиззах вилоят Бахмал тумани “XXIII партсъезд” давлат хўжалиги ишчиси. 1977 – 1982йй Тошкент электротехника ва алоқа институти талабаси. 1982 – 1983йй Жиззах вилоят Жиззах туман алоқа узели муҳандиси. 1983 – 1983йй Самарқанд радиотелевизион тармоқлар маркази муҳандиси. 1984 – 1987 йиллар Самарқанд магистрал алоқа ва телевединия техник бирлашмаси муҳандиси. 1987 – 1989йй – Самарқанд радиотелевизион узатиш маркази муҳандиси. 1989 – 1990 йй – Самарқанд магистрал алоқа ва телевединия техник бирлашмаси муҳандиси. 1990 – 2005 йй Жиззах вилоят Бахмал туман 36 – ўрта умумтаълим мактаб ўқитувчиси. 2005 – 2012 йй Жиззах политехника институти “Электроэнергетика ва физика” кафедраси ассистенти. 2012 й.-ҳ.в. – Жиззах политехника институтининг “Электроэнергетика” кафедраси катта ўқитувчиси.

Пардабоев Абдурахим вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда ҳам мунтазам равишда ўзининг мақолалари билан фаол қатнашиб келади. 20 га яқин илмий мақола ва тезислари халқаро ҳамда Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган. 20 дан ортиқ услубий кўрсатмалар муаллифи ҳамдир.

Пардабоев Абдурахим шоирликка даъвогар бўлмаса ҳам ижодкор сифатида қалам тебратиб туради. У кишининг шеърлари доимий равишда маҳаллий босма оммавий ахборот воситалари орқали чоп этилиб, шеърят шайдоларига манзур бўлмоқда.

У камтарин, жонкуяр инсон, мураббийлик маҳорати ва қобилияти билан институт жамоаси орасида ҳурмат қозонган.

Абдурахим ака 4 нафар фарзанднинг отаси, 3 ўгли 1 қизи бор, улар ҳозирда вилоятимиз корхона ва ташкилотларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.



## **Абдуманнан АБДУГАНИЕВ**

“Умумтехника фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси Абдуманнан Абдуганиев 1956 йилнинг 21 июлида Самарқанд вилоятининг Ғаллаорол туманига қарашли 2 – Ғаллаорол совхозининг Наҳрач қишлоғида туғилган. 1963 – 1973 йилларда Ғаллаорол туманидаги 41 – сонли ўн йиллик мактабни муваффақиятли тамомлаган.

1983 йилда Тошкент политехника институтининг “Саноат ва фуқаро қурилиши” факультетини тамомлаган ва муҳандис – инженер мутахассислигини олган. 1983 йилда институтни тамомлагач, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўлланмаси билан Тошкент политехника институти Жиззах филиалига ишга келган.

У 1983 йилда “Чизма геометрия” кафедрасида ассистент. 1985 – 1997 йилларда “Архитектура ва фуқаро бинолари” кафедрасида ассистент сўнгра катта ўқитувчи бўлиб ишлаган.

Абдуганиев Абдуманнан 1998 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар “Саноат технологиялари” факультетининг “Умумтехника фанлари” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

А.Абдуганиев вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда мунтазам равишда ўзининг маъруза ва мақолалари билан фаол қатнашиб келади. 20 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида эълон қилган. 30 дан ортиқ услубий кўрсатмалар чоп этган.

У камтарин, жонкуяр инсон, мураббийлик маҳорати ва қобилияти билан институт жамоаси орасида ҳурмат қозонган.

А. Абдуганиевнинг турмуш ўртоғи Зулхумор опа А.Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтининг “Ўзбек тили ва адабиёти” факультетини таъмомлаган, кўп йиллар Жиззах шаҳридаги 17, 6 ва 1 – сонли умумтаълим ўрта мактабларда ўқитувчи бўлиб ишлаган ҳозирда эса нафақада.

А.Абдуганиев 4 нафар фарзанднинг отаси, 2 ўғли 2 қизи бор, улар ҳозирда вилоятимиз корхона ва ташкилотларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У киши ҳозирда 2 нафар набиранинг бобоси ҳамдир.





## Сергей САТТАРОВ



Заведующий кафедрой «Радио – электроника», кандидат физико – математических наук Саттаров Сергей Абудиевич родился 30 августа 1956 года в Ховалинском районе Кулябской области Таджикской ССР.

Учился в средней школе Зааминского и Ворошиловского(ныне Сайхунобод) районов Джизакской области. После окончания средней школы в 1978 году поступил на физический факультет Тошкентского Университета, который он кончил в 1978 году со специализацией «Ядерная физика и космические лучи». Во время учебы работал аппаратчиком по производству кислорода и жидкого азота на кислородной станции ТашГУ. Студентом участвовал в Памирской экспедиции по строительству гамма и адронной установки облучения фотопленок (Горный Бадахшан, 1976г). Дипломная работа сделанная в ФТИ им. Стародубцева на тему «Расчет множественных процессов» защищена на отлично.

После окончания Университета в 1978 году трудовую деятельность начал во вновь созданном Джизакском филиале Тошкентского политехнического института, где совместно с другими сотрудниками основал кафедру «Физика», с хозрасчетной и проблемной научной лаборатории по ядерно – физическим методам. За время работы до 1997 года работал на должностях младшего научного сотрудника, ассистента, старшего преподавателя, доцента. По результатам научной работы проведенной на кафедре и Радиевом институте им. В. Г. Хлопина (г.Ленинград) в 1991 году защищена кандидатская диссертация «Изучение примесных состояний ионов

железа в кристаллах типа флюорита» с присвоением звания кандидата физико – математических наук. Данная работа продвинула знания в области физики радиационностойких материалов.

После 1991 года с связи с невозможностью продолжать фундаментальные экспериментальные работы по прикладной ядерной физике научные и практические интересы Саттарова С.А. смещаются в сторону применения компьютерных технологий.

С 1997 по 2004 год Саттаров С.А. возглавил вновь созданный отдел компьютеризации и телекоммуникаций Главного управления Центрального банка РУз по Джизакской области. При его непосредственном руководстве заменена модемная межбанковская сеть и введена в строй корпоративная сеть X.25 (1997 – 1998гг.) и сеть FrameRelay (2003г.) в районах Джизакской области и в г.Джизаке. Организована единая интегрированная сеть здания Главного управления ЦБ по Джизакской области.

С 2004 года он возглавлял вновь созданный Джизакский филиал первой цифровой телефонной компании и Интернет провайдера СП «BUZTON». При непосредственном руководстве организован монтаж и внедрение цифровой станции IsraTelSI 2000, внедрен широкополосный Интернет на двух городских телефонных станциях, внедрена беспроводная сеть передачи данных на базе системы Sanory (Motorola).

После объединения СП «BUZTON» с ООО «Unitel» Саттаров С.А. вновь переходит на преподавательскую деятельность и в 2010 году возглавляет кафедру «Информатики и информационно – компьютерных технологий» института повышения квалификации педагогических кадров Джизакской области.

В 2012 году окончил курсы переподготовки по направлению «Информатика и информационные технологии» института высшей педагогики при Национальном Университете Республики Узбекистан, защитил диплом на тему «Внедрение технологии CMS в создание сайтов общеобразовательных учреждений»

С декабря 2012 года по август 2017 года работал проректором по учебной работе Джизакского политехнического института.

За время работы проректором кардинально изменил структуру направлений бакалавриата и магистратуры. При его руководстве реорганизованы факультеты, открыты новые учебные лаборатории, например по альтернативным источникам энергии. С сентября 2017 года работает заведующим кафедрой «Радиоэлектроника». За время работы открыл новые учебные лаборатории, совместный факультет с НИУ «МЭИ», выигран грант Всемирного банка на сумму 100, 0 тыс. долларов США на создание совместной учебной лаборатории по электронике. Один из первых в Узбекистане обратил внимание на новый подход к работе по профессиональной ориентации молодежи. В апреле 2019 году первым открыл центр профессиональной ориентации молодежи в институте.

Саттаров С.А. имеет свыше сорока научных статей в международной и Республиканской печати, несколько газетных статей в местной печати, большое количество учеников и соратников своего дела.

Несмотря на свою загруженность по основной работе он консультирует продвижение компьютерных технологий и внедрение новых технологий (например, нанотехнологию) в Джизакском регионе.





## Азамат БЕРДИЁРОВ



“Олий математика” кафедраси муdiri, физика-математика фанлари номзоди, доцент Азамат Шодиевич Бердиёров 1957 йил 27 январида Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “Комсомол” колхозида ўқитувчи оиласида туғилган.

У Пастдарғом туманидаги Усмон Юсупов номли 43 – сонли, сўнгра Пушкин номли 31 – сонли умумий ўрта таълим мактабларида ўқиган.

1973 йил сентябрь ойидан 1974 йил июль ойигача “Комсомол” колхозида ишчи бўлиб ишлаган.

1974 йилда Самарқанд давлат университетининг “Механика – математика” факультетига ўқишга кириб, 1979 йилда университетни муваффақиятли тугатиб, математика ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлган. Университетни тугатгач йўлланма билан Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалига ишга юборилган. 1979 йилдан 1987 йилгача Тошкент политехника институти Жиззах филиалининг “Техник механика” кафедрасида ассистент вазифасида “Назарий механика” фанидан дарс берган.

1987 йилда Тошкент политехника институтининг “Олий математика – 2” кафедрасига кундузги аспирантурага қабул қилинган. Сўнгра Москва шаҳридаги Автомобиль йўллари институтида физика – математика фанлари доктори Рябов Ю.А. раҳбарлигида аспирантурани давом этдирган.

1992 йил 20 январда Украина Республикаси Киев Давлат университетининг К 068.18.11 ихтисослашган кенгашида “Периодические решения в критических случаях выше первого

порядка для квазилинейных интегро – дифференциальных уравнений типа Вольтера с бесконечным последствием” мавзусида 01.01.02 – “Дифференциал тенгламалар” ихтисослиги бўйича бажарилган номзодлик ишини ҳимоя қилиб физика – математика фанлари номзоди унвонини қўлга киритди.

Азамат Бердиёров мунтазам равишда илмий – тадқиқот ишларини давом этдириб, халқаро ва республика миқёсидаги нуфузли конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этмоқда.

Азамат Бердиёров 1991 йилдан 2003 йилгача “Олий математика” кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлади.

У 2003-2005 йилларда “Механика” кафедрасида мудир лаозимида, сўнгра 2005 – 2008 йилларда “Олий математика” кафедрасида мудир лавозимида фаолият олиб борди.

Азамат Бердиёров 30 дан ортиқ илмий мақолалар ва 15 дан зиёд услубий ишлар муаллифидир.

Ҳозирги вақтда Жиззах политехника институтининг “Олий математика” кафедрасида мудир лавозимида ишлаб келмоқда.





## Турсункул БЎЛТАКОВ



“Умумтехника фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси Турсункул Бўлтаков, 1957 йилнинг 12 февралда, Ғаллаорол туманида туғилган. 1964 йилда А.С. Пушкин номи умумий ўрта таълим мактабининг 1 – синфига ўқишга борди.

1970 йилда профессор С.Ҳ.Сирожиддиновнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида Республика миқёсидаги ёш математиклар ва физиклар мактаб – интернати ташкил этилди. Ушбу мактабга ўқувчиларни танлаш мақсадида Тошкент Давлат Университети нинг бир гуруҳ профессор – ўқитувчилари Республикамизнинг ҳар – бир туманида иқтидорли мактаб ўқувчиларини имтиҳон қилиб, муваффақиятли топширганларни Тошкент шаҳридаги янги ташкил қилинган мактаб – интернатда ўқишни давом этдиришга таклиф қилишди.

Шу муносабат билан Турсункул Бўлтаков 1971 – йилнинг 11 – декабр кунидан бошлаб 8 – синфни Тошкент шаҳрида давом этдиришга тўғри келди.

У мактаб – интернатни муваффақиятли якунлаб, 1974 йил ТошДУнинг “Математика” факультетига ўқишга кирди. 1979 – йил ўқишни битириб, Олий таълим йўлланмаси билан Тошкент политехника институти Жиззах филиалининг “Олий математика” кафедрасига ишга кирди. Ушбу кафедрада 1991 йилгача ишлаган. Турсункул Бўлтаков 2005 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар “Саноат технологиялари” факультетининг “Умумтехника фанлари” кафедрасида “Назарий механика” фани бўйича ассистент сўнгра катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

“Сукут сақлаб иш қил, натижаси шовқин бўлсин” – дейди доно халқимиз. Т.Бўлтақов шовқин соладиган буюк ишларни амалга оширмади. Худо инсон елкасига у кўтара олмайдиган юкни ташламайди. Шундай экан, у ҳам кўпчилик катори вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда мунтазам равишда ўзининг маъруза ва мақолалари билан фаол қатнашиб келади. 30 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида эълон қилинган. 40 дан ортиқ услубий кўрсатма ва қўлланмалар мавжуд. Энг асосийси, Т.Бўлтақов 2016 йил Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган академик лицей, касб – ҳунар коллежлари ва ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган, умумий 880 бетли 3та: “Математика – 1”, “Математика – 2” ва “Геометрия” деб номланган ўқув қўлланмаларнинг асосий муаллифи ва ташкилотчисидир. Бундан ташқари, вилоят ҳамда шаҳар матбуот нашрларида турли хил қизиқарли мақолалари билан қатнашиб келмоқда.

Ҳозирги кунда “Назарий механика” фанининг “Статика” бўлими бўйича тайёрланган “Мисол ва масалалар ечимлари билан” деб номланадиган ўқув қўлланмани яқунлаш арафасида.

У камтарин, жонкуяр инсон, қаттиққўл устоз, мураббийлик маҳорати ва қобилияти билан талабалар ўртасида, қолаверса институт жамоаси орасида ҳурмат қозонган.

Бўлтақов Турсунқул 4 нафар фарзанднинг отаси.





## Кўчқор ТАКАБОЕВ

Институт Касаба уюшмаси кўмитаси раиси, “Мухандислик коммуникациялари” кафедраси катта ўқитувчиси, Такабоев Кўчқор Ўролович 1957 йилнинг 20 мартида Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган. 1976 йилда Ғаллаорол туманидаги 48 – сонли умумий ўрта таълим

мактабини тамомлаган.

1976 – 1979 йилларда Самарқанд индустриал техникуми талабаси бўлган. 1979 – 1984 йиллар Киев инженер – қурилиш институтини тамомлаб, 1984 – 1991 йилларда Тошкент политехника институти Жиззах филиали ассистенти, катта ўқитувчи, “Сув таъминоти ва канализация” кафедраси мудири лавозимларида ишлаган.

1995 – 1999 йилларда “Сув таъминоти ва иссиқлик техникаси” кафедраси катта ўқитувчиси, 1999 – 2011 йилларда “Мухандислик коммуникациялари ва атроф муҳит муҳофазаси” кафедраси катта ўқитувчиси, 2011 – 2013 йилларда “Био ва иншоотлар қурилиши” кафедраси катта ўқитувчиси, 2013 йилдан ҳозирга қадар “Мухандислик коммуникациялари” кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

2011 йилдан ҳозиргача институтимизнинг Касаба уюшмаси кўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Кўчқор Такабоевнинг 2006 йилда “Фуқаро муҳофазаси” номли ўқув кўлланмаси, 2009 йилда “Фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазаси”, 2018 йилда эса “Сув таъминоти” номли ўқув кўлланмаларни чоп эттирди.

У институт, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда фаол қатнашиб келади. 75 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида эълон қилинган. 40га яқин илмий – оммабоп мақолалари Республика ва маҳаллий босма оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган. 3 та қўлланма, 10 та ўқув-услубий қўлланма, 15 дан зиёд услубий тавсиялар чоп этган.

Қўчқор Такабоев 2002 йилда техноген объектлар таъсирида “Мирзачўл минтақасида табиий сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш системасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш” мавзуси асосида 5 млн. сўмлик давлат лойиҳасида иштирок грантни ютиб олишга муваффақ бўлган.

У замонавий информатсион технологиялар ва илмий ютуқлардан фойдаланиб, маърузаларни ва амалий машғулотларни юқори илмий услубий даражада олиб боради. Жиззах вилоятидаги институт, коллеж, лицей талабалари олдида ва маҳаллаларда сув таъминоти юзасидан кўплаб тадбирлар ташкил этиб, уларда ўз маърузалари билан чиқишлар қилиб келмоқда. Мазкур тадбирларнинг аксарияти республика ОАВ да эълон қилинмоқда

У ташкилотчи, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан вилоятимиз аҳолиси орасида хурмат қозонган.

Қўчқор Такабоевнинг самарали меҳнатлари ҳисобга олиниб, вилоят ҳокимлиги ва Олий таълим вазирлиги, Республика қасаба уюшмаларининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор муносиб тақдирланган.

Қўчқор Такабоевнинг турмуш ўртоғи Раъно опа нафақада. Уларнинг 4 нафар фарзанди бор, 3 ўғли 1 қиз, улар ҳозирда ота – онасининг изидан бориб вилоят ташкилотларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У киши ҳозирда 9 нафар набиранинг бобоси хамдир.



## Бегали ХАМДАМОВ



Хамдамов Бегали Исроилович 1957 – йилда туғилган, Жиззах давлат педагогика институтини умумий техника ва физика ўқитувчиси мутахассислиги буйича 1982 – йилда тугатган. Жиззах политехника институтининг “Электрэнергетика ва физика” кафедрасида 2008 йилдан катта ўқитувчи, 2012 йил май ойидан доцент вазифасини бажарувчи лавозимида ишлайди. 1987 йили Харьков шаҳридаги “Паст температуралар” илмий текшириш институтига аспирантурага кирди ва 1999 йили аспирантурани тугатди. 1998 йилда Тошкентдаги ядро физикаси илмий текшириш институтида номзодлик диссертациясини химоя қилди. Физика-математика фанлари иомзоди. Номзодлик ишининг мавзуси “Паст температураларда юқори температурали ўта ўтказувчан У Ва Си О намунасини ўрганиш”.

Ҳозирда “Паст температураларда юқори температурали ўта ўтказувчан У Ва Си О намунасини ўрганиш ва унинг пининг маркази ва деградацияси” мавзуси буйича докторлик ишини олиб бормоқда. Бу ишда маслаҳатчи сифатида физика – математика фанлари доктори академик Мамадалиев А., химия фанлари доктори проф Мухаммедов Г.И., физика – математика фанлари доктори Беляева А.И. қатнашмоқда. Докторлик ишини химояга топшириш арафасида.

Б.Хамдамов ҳалқаро илмий конференциялар ва семинарлар қатнашчиси. Олинган илмий ва илмий – методик текширишлар натижасида муаллиф 60 дан ортиқ илмий мақола ва услубий кўрсатмага эга, шундан 25 таси ўқув – услубий қўлланма. “Атом ва ядро физикаси” дарслиги муаллифидир. “Физика” ва “Энергетика”

фанлари бўйича инновацион таълим технологияси ва электрон ўқув услубий мажмуалари ва 3 та маъруза мантни тайёрлади.

У ўзининг илмий – педагогик фаолиятида халқ хўжалиги учун қатор мутахассислар тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшди. Уларнинг бир қанчаси магистрантлар ва иқтидорли талабалардир. Унинг раҳбарлигида иқтидорли талабаларнинг илмий ишлари илмий тўпламида нашр қилинган, физика фани бўйича Республика олимпиадаларида қатнашган ва фахрли 3 – 4 ўринларни эгаллашган.

Б.Хамдамов ўзининг иши давомида ўзига ва талабаларга нисбатан талабчан. Доимо ўзининг илмий – педагогик фаолиятини замонавий фан ютуқлари билан бойитиб боради. Вилоят, институт, факультет ва кафедрадаги жамоат ишларида фаол қатнашади. Кафедра аъзолари билан жамоат ишларини олиб боришда фаол иштирок этиб келади.

Б.Хамдамов доимо ўзининг илмий педагог салоҳиятини ошириб боради. Шу билан бирга физика ва энергетика бўйича лабораториянинг сонини кенгайтиришга, дарс жараёнига янги педагогик ва инфорацион технологияларни тадбиқ этиб боради. У ўзи билан ишлаётган ўқитувчиларга ва талабаларга ҳурмат билан қарайди.





## Ботир УЗОҚОВ



“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси Ботир Узоқов 1957 йил 17 апрелда Жиззах вилояти Фориш туманининг Болғали қишлоғида туғилган. 1964 – 1972 йилларда Фориш туманидаги 67, 53 – сонли умумтаълим мактабларида таҳсил олган.

1975 – 1980 йилларда ТошДУнинг фалсафа – иқтисод факультетининг фалсафа бўлимида таҳсил олган.

Ботир Узоқов қарийб қирқ йилдан буён Жиззах политехника институтида талабаларга “Фалсафа” фанидан таълим-тарбия бериб келмоқда. Жумладан, 1980 – 1990 йилларда ТошПИ Жиззах филиалида ассистент, 1990 – 1991 йилларда катта ўқитувчи, 1991 – 1993 йилларда ЖизПИ “Жамиятшунослик” кафедраси мудири вазифасини бажарувчи, 1993 – 1996 йилларда ЖизПИ Автомеханика факультети деканининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, 1996 – 2001 йилларда ЖизПИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, 2001 – 2002 йилларда ЖизПИ “Ижтимоий фанлар” кафедрасида катта ўқитувчи, 2003-2016 йилларда ЖизПИ “Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида фаолият юритиб келган.

2005 – 2011 йиллар давомида ишдан ажралмаган ҳолда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах филиалида етакчи илмий ходим, сўнгра филиал раҳбари вазифасини бажарувчи лавозимларида фаолият юритган. 2018 йил 3 сентябрдан ЖизПИ “Ўзбекистон тарихи ва ИФ” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Иш фаолияти

давомида бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мутақил институти ҳамда Жиззах вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда ташаккурномаларига сазовор бўлган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

2017 йил 10 ноябрдан вилоят ҳокимининг “Маънавий – маърифий ишлар ва таълим бўйича маслаҳатчиси” бўлиб фаолият юритиб келмоқда.

Ботир Узоқов ҳар ишда фаол, журъатли, талабчан, масъулиятли, жамоада ғамхўр ва меҳрибон маслаҳатчи, оилапарвар инсон, тўрт фарзанднинг отаси ва беш нафар набиранинг суюкли бобоси ҳамдир.



## Саидахмад АБДУНАЗАРОВ



“Менежмент” кафедраси мудир, иқтисод фанлари номзоди, доцент Саидахмад Абдуназаров 1957 йилнинг 3 майида Ғаллаорол туманида туғилган. 1979 йилда Ғаллаорол туманидаги 22 – сон ўрта мактабни тамомлаган. Тошкент Халқ Хўжалиги институти “молия ва кредит” мутахассислигини битириб иқтисодчи квалификациясини олган.

Меҳнат фаолиятини ҳарбий хизматдан сўнг Жиззах давлат педагогика институтида ўқитувчи лавозимидан бошлаган. 1980 – 1983 йиллар ушбу институт комсомол кўмитаси котиби, 1983 – 1986



## Норпўлат ТОШМАТОВ



“Муҳандислик коммуникациялари” кафедраси мудирини Норпўлат Умаркулович Тошматов 1957 йил 19 июнида Жиззах туманида туғилган. 1974 йилда Жиззах туманидаги 17 – сонли умумий ўрта таълим мактабини тамомлаган.

1974 йилда Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтининг “Муҳандис – иқтисод” факультетини “Иссиқлик газ таъминоти ва шамоллатиш” йўналишини тамомлаган, курувчи муҳандис мутахассислигини олган.

1979 – 1980 йилларда “Жиззахирмонтаж” трестига қарашли 12 – механизациялашган кўчма колоннада уста бўлиб иш фаолиятини бошлаган. Сўнгра “Колхозстрой” трести 139 – кўчма колоннаси техник бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. 1982 – 1990 йилларда Тошкент политехника институти Жиззах филиали ассистенти, катта ўқитувчиси, 1990 – 1993 йилларда Жиззахгаз бошқармаси бошлиғи муовини лавозимларида ишлаган. 1993 – 1996 йилларда Жиззах тумангаз идораси бошлиғи, 1996 – 1999 йилларда Жиззах 1 – сон қурилиш материаллари корхонаси бош директорининг биринчи ўринбосари, 1999 – 2005 йилларда Жиззах шаҳаргаз бўлими бош муҳандиси ва Жиззах тумангаз филиали директори лавозимларида ишлаб келган.

2005 йилдан Жиззах политехника институти “Меҳнат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш” кафедраси катта ўқитувчиси, “Саноат технологияси ва қурилиш” факультети декани муовини, “Муҳандислик коммуникациялари” кафедраси катта ўқитувчиси, 2017

йилдан ҳозиргача “Муҳандислик коммуникациялари” кафедраси мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

Норпўлат Тошматов 2010 йилда “Газ – нефт омборлари”, 2017 йилда “Газ таъминоти, нефт газ омборлари ва қувурлари”, 2019 йилда “Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция назарияси” номли ўқув қўлланмаларини чоп этдирган.

У институт, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда фаол қатнашиб келмоқда. 25 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган. 10 га яқин илмий –оммабоп мақолалари Республика ва маҳаллий босма оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган. 3 та қўлланма, 20 та ўқув-услубий кўрсатма, 10 дан зиёд услубий тавсиялар чоп этган.

У “Муқобил энергия” илмий тўғарагига раҳбарлик қилади. Замонавий маърузаларни ва амалий машғулотларни информацион технологиялар ва илмий ютуқлардан фойдаланиб юқори илмий услубий даражада олиб боради. Жиззах вилоятидаги маҳаллаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш асослари, газ ва иссиқликни тежаш ва бошқа кўплаб мавзуларда ўз маърузалари билан чиқишлар қилиб келмоқда.

У фидоий, жонкуяр олим, ташкилотчи, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан вилоятимиз аҳолиси орасида хурмат қозонган.

Норпўлат Тошматов 4 нафар фарзанднинг отаси, 3 ўғли 1 қиз бор, улар ҳозирда ота – онасининг изидан бориб вилоятдаги нуфузли корхона ва ташкилотларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. 8 нафар набиранинг бобоси.



## Нурмуҳаммат АСАТОВ



“Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси мудири, Нурмуҳаммат Абдуназарович Асатов 1958 йил 31 январда туғилган. Техника фанлари номзоди, доцент Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан кўкрак нишони билан тақдирланган. Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Меҳнат стажи 38 йил. Мазкур вазифада 2012 йилдан ишламоқда.

Н.А.Асатов Самарқанд архитектура-қурилиш институтини тугатиб, 1980 – 1981 йилларда Жиззах Ўзкоопстроймонтаж механизациялашган кўчма колоннаси катта муҳандиси лавозимида фаолият олиб борди. 1981 – 1985 йилларда Тошкент политехника институти Жиззах филиали “Қурилиш фанлари” кафедраси ассистенти лавозимида ишлади. 1985 – 1988 йилларда Тошкент политехника институтида аспирантурада таҳсил олди.

1989 – 1992 йилларда Тошкент политехника институти Жиззах филиали “Саноат ва фуқаро қурилиши” кафедраси ассистенти, катта ўқитувчиси лавозимида ишлаган. 1992 – 2001 йилларда Жиззах политехника институти “Қурилиш ашёлари” кафедраси доценти, мудири, 2001 – 2004 йилларда “Саноат технологияси ва қурилиш” факультети декани, 2004 – 2008 йилларда ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи, 2008 – 2012 йиллари “Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси мудири лавозимида фаолият олиб борган. 2012 йилда ўқув ишлари проректори лавозимида ишлади.

Нурмухаммат Асатов 2012 йилдан бошлаб институтнинг “Био ва иншоотлар қурилиши” кафедрасини бошқариб келмоқда.

У 1988 йилда “Изготовление сборных железобетонных лотков из бетона повышенной водонепроницаемости для гидромелиоративного строительства” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994 йилда эса доцент унвонини олди. Институтда ишлаш жараёнида қурилиш соҳасининг муҳим ва долзарб масалаларини мустақил тадқиқ қилишга лаёқатли олим сифатида танилди.

Охирги 5 йил ичида 60 га яқин илмий ишлари чоп этилган. Шу жумладан, 16 та ўқув – услубий ишлар ва 42 та илмий мақолаларнинг муаллифидир.

У институт, Республика ва халқаро миқёсдаги ўтказиладиган анжуманларда ҳам мақолалар билан фаол қатнашиб келади. Ҳар йили унинг раҳбарлигида кафедрада иқтидорли талабаларнинг Замонавий қурилиш муаммоларига бағишланган илмий конференциялари ўтказиб борилади. Бунинг оқибатида етарлича ютуқларни қўлга киритмоқда.

Сўнги уч йилда у бошқараётган кафедра талабаларидан 3 нафари Абу Райхон Бегуний стипендияси соҳиби бўлди: 2016 йилда Қудратов Улуғбек, 2017 йилда Турсунов Бекзод ва 2018 йилда Агламов Омонуллохон. Шунингдек, Очилова Азиза 2016 йилда “Камолот” стипендияси соҳибаси бўлди.

Унинг раҳбарлигида 2015 йил 19 – 21 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган VIII – Инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмалар ярмаркасида “Йиғма темирбетон буюмларига иссиқлик ишлов беришнинг самарали усуллари ишлаш” мавзусидаги илмий ишланма билан қатнашган ва ярмарка натижаларига кўра Жиззах шаҳрида жойлашган “Зенаткор темирбетон буюмлари” МЧЖ корхонаси билан 40 миллион сўмлик шартнома имзоланди.

Кафедрада 2 та корхона билан тузилган хўжалик шартномаси асосида умумий суммаси 20 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Унинг ташаббуси билан институтда қурилиш материалларини синаш бўйича сертификатлашган лаборатория ташкил этилган. Бугунги кунда бу лаборатория вилоятимизнинг етакчи қурилиш ташкилотлари билан шартнома асосида қурилиш материаллари сифатини аниқлаб, хулосалар бермоқда.

Бугунги кунда кафедрада 2 та мустақил илмий тадқиқотчи фаолият кўрсатиб келмоқда. Кафедранинг мустақил илмий тадқиқотчиси О.Бердиев 2012 йил 25 май куни Тошкент архитектура – қурилиш институти қошидаги К.067.03.01 сонли Бирлашган Ихтисослашган Кенгашида “Прочность и деформативность тонкостенных армированных конических куполов с учетом неупругих свойств материала” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

У олий таълим вазирлиги қошидаги ишчи гуруҳда “Республикада архитектор ва қурувчи мутахассислар сифатини ошириш” лойиҳасида эксперт сифатида иштирок этган. Бугунги кунда эса қурилиш йўналиши бўйича таянч муассасаси ҳисобланган Тошкент архитектура – қурилиш институти қошидаги услубий бирлашманинг аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У ҳар ишда ташаббускор, фидойи ва камтарин инсон, мураббийлик маҳорати ҳамда илмий – ижодкорлик қобилияти билан Республикамиз зиёлилари орасида ҳурматга сазовор.





## Ропижон ИСЛОМОВ



Техника фанлари номзоди, доцент  
Ропижон Рахмонқулович Исломов 1958 йил 5-майда ҳозирги Ш.Рашидов (собик Жиззах) туманида таваллуд топган.

1965 – 73йй. Ш.Рашидов туманидаги ҳозирги 23 сонли умумий ўрта таълим мактаб (собик М.Ю.Лермонтов номидаги 8 – йиллик)да, 1974 – 75 йй. 11 – сонли умумий ўрта таълим (собик Зарафшон) мактабида ўқиган.

1980 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти Янгиер филиалини “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” мутахассислиги бўйича “Имтиёзли диплом” билан битириб, мазкур филиалда ассистент вазифасида меҳнат фаолиятини бошлаган.

1981 – 1982 йилларда Екатеринбург (Свердловск) шаҳрида ҳарбий хизматда бўлган.

1983 – 1985 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрификациялаш илмий – текшириш институти – ЎЗМЭИ (САИМЭ)да аспирантурада таълим олган. 1986 – 1990 йилларда мазкур институтда кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. 1990 йил академик Н.Рашидов илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва техника фанлари номзоди илмий даражасига эришган. ЎЗМЭИда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида 1987 йилда Фан ва техника соҳаси бўйича Бутуниттифоқ ёшлар уюшмаси (собик ВЛКСМ) мукофоти лауреати бўлган.

1990 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Жиззах политехника институтида илмий – педагогик фаолият олиб бормоқда. Шу йиллар


давомида ассистент (1990 – 9 йй.), доцент в.б. (1992 – 2007 йй.), доцент (2007 йилдан ҳ.в.), кафедра мудири (1993 – 96 йй., 2004 – 2005 йй., 2014 – 2066 йй.), “Автомеханика” факультети декани (1996 – 2004йй.), институтнинг илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи (2012 – 2014 йй.) лавозимларида ишлаган.

ЖизПининг илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими томонидан бажарилиши 2014 – 2015 йилларга мўлжалланган “Технология получения смазочных материалов с использованием вторичных отходов масло – жировой промышленности” мавзусидаги (170 млн. сўмга молиялаштирилган), “Тупроқ деградациясини баҳолаш усулларини такомиллаштириш ва уни экологик – мелиоратив ҳолатини яхшилаш” мавзусидаги (50 млн. сўмга молиялаштирилган) ёш олимларнинг инновацион лойиҳалари бажарилди.

2012 – 2016 йилларда доц. Исломов Р.Р. “Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VI – IX ярмаркалари”да “Беда уруғини аралашмадан тозалаш машинасини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш”, “Тупроқ дегродациясини баҳолаш усулларини такомиллаштириш ва унинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш”, “Шифобахш коврак (*Ferula foetida*) турини уруғидан экиб ўстириш”, «Изготовление и внедрение задненавесного универсального культиватора – растениепитателя» ишланмалари билан иштирок этган.

Доц. Исломов Р.Р. илмий – педагогик фаолияти давомида республика илмий журналларида, халқаро ва республика миқёсидаги илмий – амалий конференцияларида иштирок этиб 60 дан зиёд илмий мақола ва тезислар, услубий қўлланмалар чоп эттирган ҳамда 3 та муаллифлик гувоҳномасига, битта Ўзбекистон Республикаси патенти (№ FAP 00955 2014 й.)га ҳаммуаллифлик қилган.

Исломов Ропижон Рахмонқулович ҳозирги кунда “Саноат технологиялари” факультетининг “Умуммуҳандислик фанлари” кафедрасида доцент лавозимида илмий-педагогик фаолиятини давом эттирмоқда



## Муҳаббат МАТЧАНОВА



“Кимё” кафедраси катта ўқитувчиси Муҳаббат Матчанова 1958 йилнинг 10 июнида Жиззах шаҳридаги “Жиззахлик” МФЙда туғилган. 1965 – 1975 йилларда Наримонов номли 5 – ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаган.

Ўрта мактабни тамомлагандан сўнг 1975 – йилда Тошкент Давлат Университетининг “Кимё” факультетига ўқишга қабул қилинган, 1980 йилда “Имтиёзли диплом” билан тугатган. 1980 – йилда ўз педагогик фаолиятини Жиззах Қурилиш техникумида кимё фанидан дарс беришдан бошлаган. 1981 – 1983 – йилларда ККАР Тўрткўл шаҳридаги Ю.Гагарин номли ва 1983 – 1984 йилларда Жиззах шаҳридаги Наримонов номли ўрта мактабларда кимё фани ўқитувчиси вазифасида ишлаган.

1984 – 1991 йилларда Тошкент политехника институти Жиззах филиалининг “Кимё” кафедрасида катта лаборант, ассистент ва 1998 йилдан бошлаб катта ўқитувчи лавозимларида ишлаб келмоқда.

М.Матчанова 1993 йилдан буён институт илмий – услубий кенгаши котиби, институт – хотин қизлар кенгашининг фаол аъзоси, “Ўқитдорли қизлар” клубининг раиси. 2005 йил Жиззах политехника институтида ўтказилган танловнинг “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” унвони соҳибаси. У шеърятга қизиқади, унинг шеърлари институтда ташкил этилган “Кўнгилдаги дунё” тўпламида чоп этилган. Доц. Б.Урдушева билан “Умумий кимё” фанидан лаборатория ишларини бажаришга оид II – даражали электрон дарслик яратган.

2008 – 2010 йилларда “Маҳаллий хом – ашёлар асосида нефт ва газ саноати учун янги ингибиторлар ишлаб чиқариш технологиясини

яратиш, тажриба саноат намунасини ишлаб чиқариш ва нефт – газ кудукларида синаб кўриш” мавзусида ғолиб бўлган илғор инновацион гранти лойиҳаси, ҳамда “Ўзкимёсаноат” Давлат акционерлик компанияси буюртмасига асосан бажарилаётган ИД – ЗК сонли “Маҳаллий хом ашёлар асосида ацетиленни гидратлаш учун янги барқарор юқори самарали катализаторлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва тажриба – саноат қурилмасида жорий этиш” мазусидаги инновацион лойиҳаси иштирокчиси, ушбу лойиҳа натижалари “Навоиазот” очик акциядорлик жамиятида синовдан ўтказилган.

У устозлик қилган бир қанча талабалар республикамизнинг нуфузли танловларида муносиб ўринларни эгаллаб сертификат ва дипломларни олишга мушарраф бўлган.

М.Матчонованинг раҳбарлиги остида 2010 йил 12 ноябрда “Таълим ва кўргазмалилик қуроқлар методик қўлланма”си “Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги томонидан № 3246 рақам билан рўйхатга олинган.

2013 йилда М.Позилов ва С.Назаровалар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги «2009 – 2013 йилларда ўрта махсус, касб – ҳунар таълими муассасалари учун дарслиқлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш дастури тўғрисида”ги 80 – сонли қарорига асосан ўрта махсус, касб – ҳунар таълими муассасалари учун “Аналитик кимё ва лаборатория иши техникаси” номли ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди. Шу кунга қадар 100 дан ортиқ илмий мақолалари, тезислари Республика журналларида, Ҳалоқаро, Республика ва маҳаллий конференциялари материалларида чоп этилган.

2012 йилда М. Матчанова Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълими Вазирлигининг “Фахрий ёрлиги” ва бир неча маротаба Вилоят ҳокимлигининг “Фахрий ёрлиги” билан тақдирланган.

2019 йилда кўп йиллик самарали меҳнати учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги ПФ – 4906 сонли фармони билан таъсис этилган “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

М. Матчанованинг 2 нафар фарзанди ва 7 нафар набираси бор. Фарзандлари олий маълумотли бўлиб, улар мустақил Ватанимиз тараққиёти учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.



## **Мамажон ПОЗИЛОВ**



Саноат технологиялари факультети декани, Кимё фанлари номзоди, доцент **Мамажон Нарзиқулович Позилов** 1958 йил 1 октябрда туғилган. 1981 йилда Тошкент Давлат университетини химия мутахассислиги бўйича тамомлаган.

М.Позилов 112 та илмий – методик ишлар, шу жумладан 2 та монография, 4 та авторлик гувоҳномаси, 10 та ўқув – методик ишлар муаллифидир.

М.Н. Позилов Тошкент Давлат университетини тугатиб, 1981 – 1989 йилларда Ўзбекистон пахта целлюлозасининг кимёси ва технологияси илмий тадқиқот институтида катта лаборант, муҳандис ва кичик илмий ходим лавозимларида ишлаган. 1989 йилдан Тошкент политехника институти Жиззах филиали «Умуммуҳандислик фанлари» кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, «Кимё технология» факультети декан муовини ва декани, 1996 – 1998 йилларда «Кимё ва кимёвий технология» кафедраси доценти лавозимларида ишлаган.

У 1998 йилларда институтнинг илмий ишлар проректори, 2005 йилдан бошлаб эса ўқув ишлари проректори, 2011 йилдан институт ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи, 2012 йилдан эса “Кимёвий технология” кафедраси мудири лавозимларида фаолият олиб борди. 2016 йилдан бошлаб Саноат технологиялари факультетини бошқариб келмоқда.

1988 йилда «Сополимеры метакрилоилхлорида, особенности синтеза и медико – биологические полимеры на их основе» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1996 йилда доцент унвонини олган. М.Позилов ГНТП – 7: А – 7 – 108 - « Структурно – гидрогеологическое обоснование формирования ресурсов подземных вод Нурата – Туркестанского горного массива и прилегаю хих территорий для разработки научных основ их рационального использования и сохранения» мавзусидаги илмий грант доирасидаги илмий – тадқиқот ишларини бажарган. “Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар” VII, VIII ва IX – Республика ярмаркаларида “Бетон ва темирбетон буюмлари учун ингибиторловчи кўшимча” ва “Ацетиленни буғ фазада гидратлаш учун янги катализаторлар” мавзусидаги илмий ишланмалар билан иштирок этган. М.Позиловнинг ташаббуси билан кафедра қошида “Материаллар коррозияси” илмий – ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этилган.

Институтда янги педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш, юқори малакали профессор – ўқитувчилар таркибини тайёрлаш ҳамда ўқитиш сифатини ошириш мақсадида унинг раҳбарлигида “Инновацион таълим технологияси” маркази ташкил этилган. Марказда чет эл олий ўқув юртлари ва илмий марказларида малака оширган 6 нафар ўқитувчи семинар – тренинг машғулотларини олиб бормоқда. Марказда республика ва Россия Федерациясини нуфузли олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг электрон маърузалари йиғилган ва ундан малака ошириш жараёнида фойдаланилмоқда. М.Позиловнинг

ташаббуси билан институтда “Мультимедиа” илмий – ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этилган. Бугунги кунда лаборатория ёрдамида электрон дарслик яратилган ва ўқув жараёнига жорий этилган.

М.Позитов муаммоларни ҳамкорликда ечишга ҳаракат қилади, қатиятли. Ўз ишига совуққонлик билан қарайдиган ходимларга нисбатан мурасасиз. Юқори меҳнат интизомига эга, қўл остидаги ходимлардан ҳам шуни талаб қилади.



## Хулқар МУСТАФОҚУЛОВА

“Хорижий тиллар” кафедраси катта ўқитувчиси Хулқар Аҳмедовна Мустафоқулова 1958 йил 16 декабрда Жиззах туманидаги “Тошкентлик” маҳалласида туғилган. У 1976 йилда ўрта мактабни тамомлаб, А.Навоний номи Самарқанд давлат университетининг Роман – герман филологияси факультетининг “Инглиз тили” бўлимига ўқишга қабул қилинди.

Университетни 1981 йилда тамомлаб Жиззах туманидаги Й.Охунбобоев номи 6 – ўрта мактабда ўз педагогик фаолиятини бошлади.

1998 йилдан 2002 йилга қадар Жиззах шаҳридаги Педагогика коллежида “Хорижий тиллар” кафедраси мудири сифатида фаолият юритди.

Ҳозирги кунда у Жиззах политехника институти, “Хорижий тиллар” кафедрасида инглиз тили фанидан дарс бериб келмоқда.

Ҳ.А.Мустафоқулова ўзининг изланувчан ва истеъдодли мураббий сифатида жаҳоннинг етакчи мамлакатлари таълим тизими андозаларига мос дарслар ташкил эта олишдек қобилиятини намойиш эта олди.

Ҳ.А.Мустафоқулова кўплаб Халқаро анжуманлар иштирокчиси ва ғолиби саналади. Жумладан, 1998 йилда “Британия Кенгаши” томонидан ўтказилган “Миллий дарслик ёзувчилари мусобақаси” ғолиби бўлиш билан бирга, 1999 йил февраль ойида ўтказилган “Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дастур тузиш” Республика танловида ҳам муваффақиятли иштирок этди.

У АҚШнинг Таълим ва тил ўргатиш бўйича Америка Ҳамкорлик ташкилотининг “Ўқитишдаги аълочилик” - “Awards for Excellence in Teaching” танловининг 4 марта ғолиби ҳисобланади.

Ҳ.А.Мустафоқулова «Устоз» жамғармаси Республика танловида ғолиб чиқиб, грант совриндори бўлди.

У 2000 йилнинг июнь – июль ойларида Канада Халқаро Ҳамкорлик Бюроси томонидан Канада давлатининг Нова Скотия Комьюните Коллежига тажриба алмашиш дастурига таклиф этилди.

Ҳ.А.Мустафоқулова 2005 йилнинг январь ойида Америка Қўшма Штатлари Ахборот Агентлиги томонидан молиялаштирилган Олимлар ва талабалар айирбошлаш Халқаро Ҳамкорлик ташкилоти АЙРЕКСнинг Жамоа алоқалари дастурида қатнашишга муваффақ бўлди ва АҚШнинг Миннесота Университетида ўтказилган Халқаро ўқув семинарида иштирок этиб қайтди.

Ҳ.А.Мустафоқулова «Хорижий технология»га асосланган кўплаб илмий – услубий кўлланма ва ишланмалар муаллифи ҳамдир.

2015 йилнинг май-июнь ойларида Ҳ.А.Мустафоқулова Россия давлатининг Санкт – Петербург шаҳрида ўтказилган “Образование через всю жизнь” номли 13 – Халқаро конференцияда ўзининг “Актуальные вопросы формирования лингвистической компетенции в системе непрерывного образования”, “Important issues of developing

linguistic competence in the system of lifelong education” мавзуларидаги мақолалари билан бевосита иштирок этишга муваффақ бўлди.

Ҳ.А.Мустафоқулова кўплаб Халқаро дипломлар ва сертификатлар билан тақдирланган.

Сўнги 3 йил ичида Ҳ.А.Мустафоқулова хорижий илмий журналларда 10 та, республика миқёсида ўтказилган илмий – амалий конференцияларда 15 дан ортиқ илмий мақолаларни чоп этишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда Ҳ.А.Мустафоқулова Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 15 июндаги 87 – 06 – 1697 – сонли хатига асосан Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари Университети хузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий – амалий маркази Британия кенгаши (“British Council”) билан ҳамкорликда амалга оширилаётган узоқ муддатли “English for specific Purposes: Integrated Reforms in Uzbekistan” - “Нофилологик олий таълим муассасаларида инглиз тилини баҳолаш тизимини ислоҳ қилиш” номли лойиҳанинг координатори сифатида иш олиб бормоқда.

Ҳ.А.Мустафоқулова ўзининг қатор илмий мақолалари билан вақтли матбуотда ҳам мунтазам қатнашиб туради.

2011 – 2012 ўқув йили якунига кўра, Жиззах Политехника институтида ўтказилган “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” унвонига сазовор бўлди.

У 2013 ва 2014 йилларда Жиззах шаҳрида ўтказилган IV ва V Худудий Инновацион ғоялар, технологиялар ярмаркасида ўзининг “English for Kids”, “Tests for Kids” номли илмий ишланмалари билан қатнашган.

2018 йил ноябрь ойида Ҳ.А.Мустафоқулова Ўзбекистон Республикаси Хотин – қизлар кўмитаси томонидан ўтказилаётган “Ўзбекистон хотин – қизларининг 100 та инновацион ғояси” номли миллий танловнинг вилоят босқичида ўзининг “Инглиз тилини саёҳат

ва ўйин усулида ўргатиш” номли инновацион ғояси билан иштирок этиб ғолиб бўлди.

2019 йил 18 – 19 февраль кунлари катта ўқитувчи Ҳ.А.Мустафоқулова “Ўзбекистон хотин – қизларининг 100 та инновацион ғояси” номли миллий танловнинг республика босқичида иштирок этди.

У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги 32 – сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги Низомнинг 22 бандига мувофиқ институт миқёсида ўтказилган “Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган педагог” номинацияси ғолиби бўлди ва Республика босқичида муваффақиятли иштирок этди.

2019 йилнинг март ойида Ҳ.А.Мустафоқулова АҚШ давлат департаментининг Таълим ва тил ўргатиш бўлими, АҚШ элчихонасининг ташаббуси билан Жиззах Давлат Педагогика институтда ўтказилган “International English Teaching Conference” номли Хақаро конференцияда ўзининг 3 та мақоласи иштирок этиб, махсус сертификат билан тақдирланди.

Ҳ.А.Мустафоқулова 1999 йилда “Кўп йиллик самарали меҳнати ва таълим тарбия жараёнини такомиллаштиришда эришган ютуқлари учун” Ўзбекистон Республикаси “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

2001 йилда ўтказилган Республика ўқитувчилар съезди делегати этиб сайланган.

2004 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан Ҳ.А.Мустафоқулова “Шухрат” медали билан тақдирланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги ҳамда Жиззах вилоят ҳокимлигининг “Фахрий ёрлик”лари билан муносиб тақдирланган.



## Марина ЦОЙ

“Менежмент” кафедраси доценти, иқтисод фаилари номзоди Марина Петровна Цой 1958 йилнинг 31 декабрида Россия давлатининг Жанубий Сахалин шаҳрида туғилган. 1976 йилда Жиззах вилояти Мирзачўл туманининг Гагарин шаҳридаги 1 – сонли умумий ўрта таълим мактабини муваффақиятли тамомлаган.

1976 – 1981 йилларда В.В.Куйбишев номи Москва Қурилиш муҳандислиги институтининг “Қурувчи – муҳандис” мутахассислигини битирган.

Институтни тамомлаб, 1985 йилгача Россиянинг Сахалин вилоят Анивский туманидаги “Селхозтехника” капитал қурилиш бошқармасида ишлаган.

Жиззах политехника институтида 1986 йилдан бошлаб “Архитектура” кафедрасида ассистент лавозимида иш фаолиятини бошлаган.

1994 йилда Москва шаҳридаги С.Орджоникидзе номи давлат бошқарув академияси аспирантурасини тамомлаган.

2002 йилда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича “Саноат корхоналарида стратегик бизнеснинг иқтисодий таҳлили” мавзудаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1990 йилдан ассистент, катта ўқитувчи, 2005 йилдан “Ишлаб чиқаришда бошқарув”, сўнгра “Менежмент” кафедрасида доцент лавозимларида ишлаб келмоқда.

Марина Петровна 2004 – 2006 йилларда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах минтақавий ахборот таҳлил маркази ходими лавозимида ишлаган.

Цой Марина Петровна иқтисодий фанлардан маъруза ва амалий машғулотларни ОТМ талаблари даражасида, ўқитишнинг замонавий усул ва воситаларини қўллаган ҳолда олиб бориб, юқори ўзлаштиришларга эришиб келмоқда. Унинг муаллифлигида 6 та ўқув қўлланма, бир нечта услубий қўлланма ва кўрсатмалар, маърузалар матни, халқаро ва республика миқёсидаги анжуманларда тезислари ва илмий мақолалари чоп этилган.

Цой Марина Петровна “Бошқарув” факультети, институт, жамоат ишларида фаол қатнашади. 1993 – 2011 йиллар давомида институтнинг “Иқтидорли талабалар” бўлимини бошқариб, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ва уларнинг иқтидорларини намоёиш қилишга етарлича шароитлар яратиб берди.

У факультет, вилоят ва институтда ўтказиладиган маънавий – маърифий тадбирларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Марина Петровна Цой ўз устида тинмай изланиб, “Истеъдод” жамғармаси томонидан эълон қилинган танловда фахрли биринчи ўринни эгаллаб, Малайзия давлатининг етакчи олий ўқув юртларида малака ошириб келди.

Марина Петровнанинг ёшлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлари ва илм – фан ривожига қўшган ҳиссаси туфайли бир неча марта фахрий ёрликлар ва дипломлар билан тақдирланган. Жумладан, 2011 йилда “Мустақилликнинг 20 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланди.

У кўп қиррали олима, моҳир педагог, жонкуяр устоз, ташкилотчи ва юксак маданиятли инсон сифатида эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган.



## Валижон ХОЖИМАТОВ



“Жисмоний тарбия” кафедраси катта ўқитувчиси Валижон Мелиқўзиевич Ходжиматов 1959 – йил 17 январда туғилган.

Пахтакор тумани Акмал Икромов совхозидаги 3 – сонли мактабида ўқиган. 1980 йилда Жиззах Давлат Педагогика институтини битириб “Жисмоний тарбия” ўқитувчиси иқтисослигига эга бўлган.

1980 йилдан Жиззах Давлат Педагогика институтининг Жисмоний тарбия факультетида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1982 йилдан Пахтакор туманидаги 9 – ўрта мактабида фаолият кўрсатган.

2002 йилнинг 2 сентябридан бошлаб Жиззах политехника институтининг “Жисмоний тарбия” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишламоқда.

В.Хожиматовнинг умумий иш стажи – 39 йил. У бир қанча услубий кўрсатмалар, таълим технологияси, ўқув – услубий мажмуаларнинг муаллифи.

Ходжиматов В.М. томонидан фан бўйича ишчи ўқув дастурлар, тестлар, рейтинг баҳолаш мезонлари, мустақил иш машғулотларига доир услубий кўрсатмалар ва топшириқлар тайёрланди.

Ҳар йили жисмоний тарбия ва спортга тегишли Республика илмий – назарий анжуманларда ўзининг мақоласи билан қатнашиб келмоқда.

Талабаларга жисмоний тарбия фанидан дарсларни бутун ўқув йили давомида куйидаги шаклда олиб боради: Ўқув машғулоти, жисмоний тарбия, спорт, кун тартибида жисмоний машқлар билан талабаларни мустақил равишда шуғулланиши, оммавий соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар хил турлари билан спорт тўғаракларида шуғулланиш.

Волейбол спорт тури бўйича спорт усталигига номзод. Ўзининг ташаббускорлиги билан институтда волейбол спорт тури бўйича тўғарак ташкил этилган.

Волейбол бўйича вилоят терма жамоага катта мураббий.

Волейбол бўйича жамоаси шаҳар, вилоят чемпиони. Шаҳсан ўзи “Умид ниҳоллари” “Универсиада” спорт мусобақаларига спортчиларни тайёрлаган. Талаба Р.С.У. томонидан ўтказилган Республика кубогида волейбол спорт тури бўйича жамоа бир неча марта қатнашган ва фахрли ўринлар эгаллаган.

Бундан ташқари институтда бўлиб ўтадиган барча оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига қатнашиб келмоқда. Ҳозирги кунда “Универсиада – 2019” спорт мусобақаларининг финал босқичига тайёргарлик қилинмоқда.

В. М. Ходжиматов фидойи, камтарин, институт жамоасида хурматга сазовор инсон.





## Саъдулла АХМЕДОВ

“Экология ва атроф – мухит” кафедраси катта ўқитувчиси Саъдулла Абдуллаевич Ахмедов 1959 йил 10 май куни Тошкент вилояти Янгиер шаҳрида таваллуд топган. 1976 йил Жиззах шаҳридаги Атаулла Охунбобоев номли 6 – сон мактабни битирган.

У 1977 йили Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтига ўқишга кириб, 1982 йилда муҳандис – гидротехник мутахассислиги бўйича институтни тугаллаган. Меҳнат фаолиятини 1976 йилда Ўзбекистон фанлар академияси физика-техника институти техниги вазифасидан бошлаган. 1977 – 1982 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти талабаси, 1982 – 1983 йилларда Давлат сув қурилиш қўмитасининг Жиззах ДРСМ трести 1 – механизациялашган кўчма колоннаси участка мастери, 1983 – 1986 йилларда Давлат сув қурилиш қўмитасининг Жиззах ДРСМ трести Учтепа СПМК механиги, 1987 – 1996 йилларда Жиззах вилоят Сув хўжалиги бошқармаси Жиззах туман таъмирлаш ишлаб чиқариш эксплуатация бирлашмаси 1 – қурилиш участкаси мастери, катта прораб, 1996 – 1997 йилларда Жиззах вилоят Сув хўжалиги бошқармаси Жиззах туман таъмирлаш ишлаб чиқариш эксплуатация бирлашмаси, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, 1998 – 2002 йилларда Жиззах политехника институти “Енгил саноат технологияси ва механика” кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, 2003 – 2012 йилларда институтининг “Муҳандислик коммуникациялари ва

атроф – муҳит муҳофазаси” кафедраси катта ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Саъдулла Ахмедов ҳозирда Экология ва атроф – муҳит кафедрасида фаолият кўрсатмоқда. 8 та услубий кўрсатма ва 30 дан ортиқ мақолалар муаллифи. “Гидрология ва гидрометрия”, “Меҳнат муҳофазаси” ва “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”, “Экология” фанларидан дарс беради.

Ўтган йиллар мобайнида Саъдулла Абдуллаевич Ахмедов томонидан вилоятнинг кўплаб ташкилот ва саноат корхоналари билан тузилган хўжалик шартномалари асосида “Меҳнат муҳофазаси” фани бўйича муҳандис техник ходимларини ўқитиш бўйича ишлар олиб бориб, институтнинг бюджетдан ташқари топилган маблағлари ҳисобига туширилган. Бундан ташқари, “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани ўқув лаборатория хонасига лаборатория ишларини олиб боришда лозим бўлган замонавий асбоб ускуналар, кафедрага тегишли ҳудудларга фанни ёритувчи кўرғазмалар, қурилмалар сотиб олишда ҳомийлик ишларини бажарган. Фанларга доир илмий мақолалар ва услубий қўлланмаларнинг муаллифи. У институт, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда фаол қатнашиб келмоқда. Замонавий маърузаларни ва амалий машғулотларни инфорацион технологиялар ва илмий ютуқлардан фойдаланиб юқори илмий услубий даражада олиб боради.

Ахмедов Саъдулланинг уч нафар фарзанди, 7 нафар набираси бор. Турмуш ўртоғи Бахти Рашидова кўп йиллардан бери институтимизнинг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи лавозимида самарали ишлаб келмоқда.



## Холмели ҚОРАҚУЛОВ



“Автомобиль йўллари” кафедраси катта ўқитувчиси Холмели Мирзаевич Қорақулов 1959 йил 24 майда Жиззах туманида туғилган. Иш фаолиятини 1977 йилда Тошкент политехника институтининг Жиззах филиали “Қурилиш фанлари” кафедрасида ўқув устаси вазифасидан бошлаган.

1986 йилдан “Қурилиш фанлари” кафедрасида ассистент лавозимида ишни давом этдирган.

1990 йилдан Жиззах вилоят “Курортлар ва соғломлаштириш комплексларини қуриш ва эксплуатация қилиш” бошқармаси (СиЭКОУ)да мухандис, бош мухандис вазифаларида ишлади.

1997 йилдан бошлаб Жиззах тумани “Учтепа деҳқон бозори” ОАЖ га раислик қилган. 2000 йилдан Жиззах шаҳар “Қассоблик” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаган.

2007 йилдан ҳозиргача Жиззах политехника институти “Автомобиль йўллари” кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда.

Х.Қорақуловнинг бевосита саъй ҳаракати билан 2008 йилда институт қошида “Қурилиш маҳсулотларини синаш” аккредитацияланган илмий текшириш лабораторияси иш бошлади. Х.Қорақулов ушбу лабораториянинг тажрибали, ишбилармон раҳбари сифатида Жиззах ва қўшни вилоятлардаги қурилиш ва йўл қурилиши ташкилотлари билан хўжалик шартномалари асосида лабораториявий текшириш ва диагностика ишлари олиб бориб институтнинг

бюджетдан ташқари жамғармасига салоҳиятли маблағлар тушириб келмоқда. Жумладан:

2008йилда 12,0 миллион, 2009йилда 27,5 миллион, 2010 йилда 31,0 миллион, 2011 йилда 32,5 миллион, 2012 йилда 48,7 миллион, 2013 йилда 78,5 миллион, 2014 йилда 87,0 миллион, 2015 йилда 92,5 миллион, 2016 йилда 123,0 миллион, 2017 йилда 152,5 миллион, 2018 йилда 223,0 миллион сўм миқдорида маблағ институт ҳисоб рақамига туширилди.

Шу йиллар давомида Х.Қорақулов хорижий журнал ва конференцияларда 32 та илмий мақола, Республика журналлари ва конференцияларда 20 тадан ортиқ илмий мақолалар чоп этдирди.

У “Қурилиш материаллари”, “Йўл қурилиши материаллари”, “Инженерлик геологияси ва грунтлар механикаси” фанларидан лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш учун услубий кўрсатмалар муаллифи.

2014 йилда Республика инновацион ишланмалар ва ихтиролар кўргазмасида “Автомобиль йўлларида асфальтобетон қопламаларнинг сифатини ошириш” мавзусидаги инновацион таклифи билан иштирок этди.

Х.Қорақуловнинг раҳбарлигида 2016 йилда 4 нафар иқтидорли талабаларнинг илмий мақолалари, 2017 йилда 6 нафар, 2018 йилда 8 нафар иқтидорли талабаларнинг илмий мақолалари хорижий журнал ва конференциялар тўпламида чоп этилди.

Х.Қорақулов раҳбарлик қилаётган мазкур лабораторияда иқтидорли талабалар ва магистрлар ўзларининг илмий изланишларини олиб боришмоқда. Ҳозирда лабораторияда 2 нафар магистр 0,5 ставкада ишлаш билан бирга илмий ишларини ҳам давом этдириб келишяпти.



## Қосим ЮСУПОВ



“Жисмоний тарбия” кафедраси ассистенти Юсупов Қосим 1959 йил 01 августда Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманида таваллуд топган. 1976 – йилда Жиззах давлат педагогика институти (қундузги) бўлимига ўқишга қабул қилинди.

1979 йилда Дзю – до кураши бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига сазовор бўлди. 1980 йилда институтни имтиёзли диплом билан битириб, Тошкент политехника институти Жиззах филиали “Умумий фанлар” кафедрасида иш фаолиятини бошлади. 1990 – йилда Тошкент политехника институти Жиззах филиали “Умумий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида иш фаолиятини олиб борди. 1992 – йилда Жиззах политехника институти “Жисмоний тарбия” кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида иш фаолиятини олиб борди. 1994 – йилда Жиззах политехника институти “Жисмоний тарбия” кафедраси мудири лавозимига тайинланди. 1999 – йилдан 2017 йил феврал ойигача Жиззах политехника институтининг “Жисмоний тарбия” кафедраси мудири лавозимига қайта тайинланди. 2017 – йилдан хозирги кунгача Жиззах политехника институтининг “Жисмоний тарбия” кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида иш фаолиятини олиб бормоқда. У фаолияти давомида кураш спорт тури бўйича кўплаб шогирдларни чиқарди.

У ўзининг илмий – педагогик фаолияти даврида кўплаб илмий – ишларини эълон қилди. Унинг илмий ишлари Жисмоний тарбия фанига бағишланган. Юсупов Қосим ҳар доим институт, республика ва халқаро миқёсида ўтказиладиган илмий конференцияларда илмий ишлари билан қатнашиб келади.



## Хайрулла МЕЛИЕВ

“Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. Мелиев Хайрулла 1959 йил 11 августда Жиззах туманидаги Ўратепалик маҳалласида туғилган. 1976 йилда Жиззах шаҳридаги Алишер Навоий номли ўрта мактабни битирган.

1976 йилда Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтининг саноат ва фуқаро қурилиши факультетини қурувчи муҳандис мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тошкент политехника институти Жиззах филиали “Қурилиш технологияси ва иқтисодиётда бошқарув” кафедраси ассистентлигидан бошлаган. 1992 йилда Санкт – Петербург иқтисод ва молия университетида “Мелиоратив қурилишда ижара муносабатлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1993 йил Жиззах политехника институти муҳандислик иқтисодиёти факультети декани, 1996 – 2004 йилларда Жиззах политехника институти тадбиркорлик ва иқтисодиёт ишлари проректори, 2004 йилдан ҳозирги пайтга қадар институтнинг маркетинг бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

1988 йилда Тошкент политехника институти Жиззах филиалининг янги ўқув биноси ва 800 нафар талабага мўлжалланган ётоқхона қурилишида филиал директори У.Ю.Юлдашев билан бирга Х.Мелиев ёшлар етакчиси сифатида бирга астойдил меҳнат қилиб ташаббус кўрсатди.

2004 йилда “Таълим соҳасида Алмата, Киев, Санкт – Петербург ва Москва шаҳарларида ҳамкорлик дастури бўйича тренинглари тайёрлаш” халқаро танловида иштирок этди, иқтисодий таълим бўйича миллий кенгаш томонидан сертификат билан тақдирланди.

2008 йилда институт ректори И.С.Содиқов билан бирга институтнинг тарихи, профессор – ўқитувчилар жамоасининг илмий – педагогик фаолияти, маънавий – маърифий ва тарбиявий соҳадаги режалари ҳамда янги ташкил этилган “Политехник” клубининг фаолияти ҳамда институтни турли йилларда битирган, республикамиз ва вилоятимиз иқтисодиётининг турли соҳаларининг масъул вазифаларда ишлаб келаётган мутахассис кадрлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаб “Бизнинг фахримиз” номли тўпламни нашр этди.

2004 йилдан институтнинг “Маркетинг” бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб институтда бир қанча бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда “Био ва иншоотлар қурилиши”, “Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш” магистратура мутахассисликларини очилишига салмоқли ҳиссасини қўшди.

У таълим ва илмий фаолияти давомида 30 га яқин илмий – услубий мақолалар муаллифидир. Х.Мелиев ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида юқори ташкилотлар томонидан бир неча мартаба моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Х.Мелиевнинг бир ўғил ва икки нафар қиз фарзандлари бор. Барчаси олий маълумотли кадрлар бўлиб етишиб, турли касбларда фаолият кўрсатиб келмоқда.



## Канкел ЖАББОРОВ

**“Информацион технологиялар”**  
кафедраси доценти, иқтисод фанлари  
номзоди Канкел Гулмурадович Жабборов  
1959 йил 10 сентябрь куни Ғаллаорол тумани  
“Сангзор” қишлоқ фуқаролар йиғинининг,  
“Чойиш” қишлоғида туғилган.

У 1965 йил “Бахмал” тумани “Сангзор”  
совхозининг “Чойиш” қишлоғидаги Тўхтагул Сатилганов номли 52 –  
ўрта умумтаълим мактабига бориб, сўнгра Дўстлик туманидаги  
А.Навоий номли 5 – сонли мактабда ўқишни битирган.

Канкел Жабборов 1976 йили Фарғона давлат педагогика  
институтининг «Математика ва физика» йуналиши бўйича тайёрлов  
бўлимига ўқишга кирган.

У 1981 йил А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика  
институтининг математика факультетини тугаллаб, «Математика»  
ўқитувчиси мутахассислигини олган.

1981 йилда Дўстлик туманидаги М.Улугбек номли 12 сонли  
умумийўрта таълим мактабида «математикадан» дарс берган.

1984 йили А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика  
институтининг қошидаги «Оптимизация» илмий лобараториясида кичик  
илмий ходим, сўнгра катта илмий ходим бўлиб ишлаган.

1988-1991 йиллари Ўзбекистон ФА хузиридаги «Кибернетик»  
илмий текшириш институтида аспирантурада ўқиган. Бу йилларда  
иқтисод фанлари доктори, профессор Юрий Соловев Павлов  
рахбарлиги остида «Моделирование развитие производство и  
распределение сельского хозяйства на региона АПК (на пример

Джизакский области) номли илмий ишени олиб бориб 1991 йил 20 сентябрь куни мувоффақиятли ҳимоя қилган.

1991 йил августдан бошлаб А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти, “Математика” факультетининг “Физика” кафедрасида лаборатория мудири лавозимида ишлаган.

1992 йил май ойидан бошлаб Жиззах политехника институтининг “Умумий техника” факультети “Олий математика” кафедрасида лаборатория мудири лавозимидан ишни бошлаган. 1992 йил сентябрь ойидан бошлаб “Информатика” кафедрасида лаборатория мудириликдан ишни бошлаб аввал кафедрасида ассистенти, катта ўқитувчиси, доценти ва кафедра мудири бўлиб ишлаб келган.

1999 йилдан институтнинг “Иқтисодий бошқарув” факультети “Транспорт менежменти” кафедраси мудири, 2005 йилдан “Менежмент” ва “Фермер хўжалигини бошқариш” кафедраларида доцент лавозимида ишлади.

У учта ўқув қўлланма ва битта масалалар тўплами, яъни, “Саноат корхоналари” фани бўйича ўқув қўлланма, “Объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари” фанидан “ Delfi” дастурлаш тилидан ўқув қўлланма ва “Информатика” фанидан масалалар тўплами, 40 дан ортиқ услубий кўрсатмалар тайёрлаб босмадан чиқарган. Москва, Пекин, Киев, Новосибирск, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари ва республика миқёсида ўтказилган илмий – амалий конференцияларда 30дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган.

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси «Мухандислар федерациясининг Жиззах худуди бўйича директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Жабборовнинг 4 нафар қиз ва 2 нафар ўғли бор. 8 нафар набиранинг бобоси.



## Бахти РАШИДОВА

Жиззах политехника институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, катта ўқитувчи Бахти Яхяевна Рашидова 1960 йил 20 февралда Жиззах шаҳрида таваллуд топган. 1977 йилда Жиззах шаҳридаги А.Охунбобоев номи 6 – сон умумий ўрта таълим мактабни имтиёзли тугаллаб, шу йили Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирган.

1982 йилда Алишер Навоий номи Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини имтиёзли тугатиб, ўз меҳнат фаолиятини Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида бошлаган. 1982 йил сентябрь ойдан “Ижтимоий фанлар” кафедрасига ассистент лавозимида йўлланма асосида ишга қабул қилинган. 1996 йилдан ҳозирги кунга қадар институт маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Бу йиллар давомида Бахти Рашидова шаҳар, туманлар ва вилоят миқёсида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукумати томонидан жорий қилинаётган Фармон ва Қарорларнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда, ўзининг бор кучи, билими ва ғайратини уларнинг ижросини таъминлашга сафарбар этмоқда.

Бахти Рашидова томонидан институт талаба – ёшлари учун она Ватанга садоқат, муқаддас халқ, уларга меҳр – муҳаббат каби юксак инсоний туйғуларни сингдириш мақсадида 50 га яқин илмий ва маънавий маърифий мақолалар, 30 дан ортиқ буклет ва тарқатма материаллар тайёрланган. У институтнинг кўп тиражли “Ёшлар овози” газетасининг ташкилотчиси. Институтда ташкил этилган

“Ибрат” талаба театр студияси ва “Кувноқлар ва зукколар” жамоаси раҳбари, факультетлараро ўтказилаётган тадбирларнинг фаол ташкилотчилардан биридир.

У ўз меҳнат фаолиятини педагогик фаолият билан биргаликда кўшиб олиб бориб “Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар” кафедрасида ҳам фаолият юритмоқда. У кафедрада “Ўзбекистон тарихи”, “Диншунослик” фанларидан маъруза, амалий машғулотларини талаб даражасида олиб бориб, юқори ўзлаштиришларга эришиб келмоқда.

Бахти Рашидова мунтазам равишда энг долзарб мавзуларда Республика ва вилоят матбуотида чиқишлар қилиб туради. Халқаро, Республика миқёсидаги илмий – амалий анжуманларда ўнлаб илмий ва адабий мақолалар билан иштирок этган.

Б.Рашидова маънавий – ахлоқий баркамол шахс, ғоявий дунёқараши мустаҳкам, қатъиятли, ўз касбига ҳамиша юқори профессионал нуқтаи назардан ёндошадиган, ҳаёти ҳамда фаолиятининг асл мазмуни халқи ва Ватанига бўлган бурч, гуманистик идеалларга содиқлик, ижтимоий ва маданий тараққиётга хизмат қилиш, ёшлар тарбиясига ўта масъулиятлик билан ёндошиш тамойиллари асосида фаолият юритиб келаётган, ёшлар таълим ва тарбиясига бағишлаган фидоий инсон. Шунинг натижаси ўлароқ, институт талаба ёшлари орасидан вилоят ва Республика кўрик – танловлари ва олимпиада ғолиблари етишиб чиққан.

2009 йил Жиззах тумани 25 – Қаҳрамон сайлов округидан туман Кенгашига номзод этиб рўйхатга олинган.

Б.Я.Рашидова ижодкор инсон. Унинг шеърлари ва ижод намуналари “Маърифат”, “Жиззах ҳақиқати” ва “Жиззах овози”, “Ёшлар овози” (ҳозир “Бунёдкор ёшлар”) газеталарида чоп этилган. Институт томонидан нашр қилинган “Кўнгилдаги дунё”, “Ватан қароғимдасан”, “Истиқлол илҳомлари”, “Ватан – саждагоҳимсан” номли тўпламларда ижод намуналари чоп этилган. Вилоят ва республика телевидениеси ҳамда радиоси орқали унинг бир нечта

шеърлари кўшиқ сифатида ижро этилмоқда. Республика телевидениесининг ижодий гуруҳлари томонидан суратга олинган “Чорраҳа” ва “Умидли дунё” видеофильмларида унинг қаламига мансуб шеърларидан саунтрек сифатида фойдаланилган. Республика олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган “Ягонасан – муқаддас Ватан” кўрик – танловида “Ватан – буюк, Ватан муқаддас”, “Талабалик – олтин йилларим”, “Ватан қароғимдасан” номли шеърларига қуй басталаниб, ижро этилган. “Ниҳол” мукофоти учун ўтказилган республика танловида Адҳам Тўйчиев томонидан “Ватан ҳақида кўшиқ” шеърига қуй басталаниб, рағбатлантирувчи ўринни эгаллаган.

Бахти Рашидова фидокорона меҳнатлари учун 2001 йилда “Мустақилликнинг 10 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган.

У 2017 ва 2018 йилларда “Вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қўшган ҳиссаси учун Жиззах вилояти ҳокимининг Фахрий ёрлиғи билан, 2018 йил эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Б.Рашидова ўз касбининг билимдони ва жонкуяр педагоги сифатида танилди. У институтнинг жамоат ишларида фаол иштирок этади. Институт жамоаси ва талабалар орасида алоҳида ҳурматга эга. Меҳнатлари самараси натижаси ўлароқ, ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги ва билимдонлиги билан вилоят, шаҳар ва ўзи ишлаётган жамоа орасида катта обрў – эътиборга эга.

У ўз талабалари ва ҳамкасблари олдида масъулиятни доим ҳис қилади ва ўзининг вазифасини ҳар доим сидқидилдан бажаради. У ҳар ишда ташаббускор, маънавий етук, доимо ғамхўр ва меҳрибон инсон.

Бахти Рашидованинг 3 нафар фарзанди, 7 нафар набираси бор. Турмуш ўртоғи Саъдулла Аҳмедов институтимизнинг “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси” кафедрасида меҳнат қилади.

Фарзандлари ота – оналари йўлидан бориб, барчалари таълим соҳасида фаолият кўрсатмоқда.



## Бакдурди МАТНИЯЗОВ



Молиявий-иқтисодий ишлар буйича проректор, т.ф.н. доцент Матниязов Бакдурди Ибрагимович 1960 йил 12 апрел куни Хоразм вилоятининг Хива туманида туғилган. 1967 йилда Хива шаҳридаги М.Миршарапов номидаги Ўрта таълим мактабининг 1-синфига бориб, 1977 йилда шу мактабни муваффақиятли тамомлаган.

1981 йилда Тошкент политехника институтига қабул қилиниб, 1986 йил шу институтни тамомлаган.

1986-1992 йилларда Тошкент политехника институти Жиззах филиали “Саноат ва фуқаро қурилиши” кафедраси ассистенти, катта ўқитувчи сифатида фаолият олиб борган.

1989-1993 йилларда Россиянинг Москва шаҳридаги “Бетон ва темирбетон илмий текшириш” институти “НИИЖБ” да фан номзодлик диссертацияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган.

1992-2000 йилларда Жиззах политехника институти кечки - сиртқи бўлим декани муовини лавозимида ишлаган.

2000-2001 йилларда Жиззах политехника институти ўқув ишлари проректори (ўриндошлик асосида “Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси доценти),

2001- 2002 йилларда Жиззах политехника институти академик лицейлар ва касб хунар коллежлари билан ишлаш проректори.

2002-2003 йилларда Жиззах политехника институти ректор вазифасини бажарувчиси,

2003-2004 йилларда Жиззах политехника институти академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш проректори лавозимларида ишлаган.

2004 йил июнь ойидан бошлаб, Жиззах политехника институтининг молиявий-иқтисодий ишлари бўйича проректор лавозимида ишлаб келмоқда.

Техника фанлари номзоди, доцент. Жами 60 дан ортиқ; илмий-услубий ишлар муаллифи, шу жумладан, 2 та ўқув қўлланма, 14 та услубий қўлланма, 48 та илмий мақолалар муаллифи.

Унинг раҳбарлигида 1 нафар илмий ходим номзодлик диссертациясини мувоффақиятли ҳимоя қилган.

Бугунги кунда “Биоларнинг дисперсарматураланган фазовий элементларининг кучланиш-деформацияланган ҳолатини тадқиқ этиш” мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

У ўзининг иш фаолияти давомида 700 ўринли янги ўқув-лаборатория биносини барпо этилиши, бош ўқув биноси ва талабалар турар жойини капитал таъмирланиши, янги ўқув ва илмий лабораториялар, маъруза заллари ташкил қилиниши ва замонавий жиҳозланишида фаол иштирок этган.

Институт ҳудудини тўлиқ; ободонлаштирилиши, унда боғлар, дам олиш масканлари яратилишида, янги спорт майдончалари, талабалар ошхонаси, сартарошхона, гўзаллик салони, типографияларни хомийлар ҳамда маҳаллий инвесторлар ёрдамида ташкил қилинишида иштирок этган.

Институт бино ва иншоотларида иссиқлик таъминоти, электр энергияси ва сув таъминотини яхшилашда фидокорона меҳнат қилган.

Жиззах вилоятининг ижтимоий -сиёсий ҳаётида шаҳар ва туманлардаги турли давлат дастурларини амалга оширишда ҳам фаол меҳнат қилган. Жумладан, 2007-2015 ва 2016 йилларда ўтказилган Ўзбекистан Республикаси Президенти сайловларида ҳамда 2009 ва 2014 йилларда ўтказилган Ўзбекистан Республикаси парламенти

сайловларида Оқруг сайлов комиссия ишида аъзо, котиб ва раис ўринбосари сифатида фаол иштирок этган.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги фармонида асосан Ўзбекистан Республикасининг 15 йиллиги муносабати билан кўкрак нишони билан тақдирланган.



## **Бурҳон АҲМЕДОВ**



“Умумтехника фанлари” кафедрасида катта ўқитувчи Бурҳон Иқромович Аҳмедов 1960 йилнинг 20 сентябрида Жиззах шаҳридаги Ўратепалик маҳалласида туғилган. 1968 – 1978 йилларда Жиззах шаҳридаги Фурқат номи 14 – ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаган.

1984 йилда Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг “Саноат ва фуқаро қурилиши” факультетини тамомлаган ва қурувчи муҳандис мутахассислигини олган.

Бурҳон Аҳмедов дастлаб Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги Вазириликка қарашли бўлган Учтепа ихтисослаштирилган қурилиш монтаж корхонасида техника хавфсизлиги муҳандиси бўлиб иш бошлаган.

У 1986 йилда Жиззах политехникумида аввал ишлаб чиқариш устаси сўнгра ўқитувчи лавозимларида ишлаган. 1995 йилдан Жиззах педагогика институтининг сиртқи бўлимида методист, 2000 йилдан Жиззах вилоят ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта

тайёрлаш институтида хўжалик ишлари бўйича проректор лавозимида ишлаган.

Бурҳон Аҳмедов 2002 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар “Саноат технологиялари” факультетининг “Умумтехника фанлари” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бурҳон Аҳмедов бошқалар сингари вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда ҳам мунтазам равишда ўзининг маъруза ва мақолалари билан фаол қатнашиб келади. 25 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган. 30 дан ортиқ услубий кўрсатмалар чиқарган.

У камтарин, жонкуяр инсон, мураббийлик маҳорати ва қобилияти билан институт жамоаси орасида ҳурмат қозонган.

Бурҳон Аҳмедовнинг турмуш ўртоғи Соатова Сайёра Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетининг “Химия” факультетни тамомлаган, кўп йиллар Жиззах шаҳридаги Фурқат номли 14 – ўрта умумтўлим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган ва ҳозирги кунда Ўратепалик маҳалласида хотин-қизлар билан ишлаш бўлимида мутахассис бўлиб ишлайди.

Бурҳон Аҳмедов 3 нафар фарзанднинг отаси, 1 ўғли ва 2 қизи бор, улар ҳозирда вилоятимиз корхона ва ташкилотларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У 9 нафар набиранинг бобоси ҳамдир.





## Ҳимматой ҚУРБОНОВА



“Метрология, стандартлаштириш” кафедраси катта ўқитувчиси Ҳимматой Қурбонова 1961 йилнинг 10 мартда Фориш туманидаги Янгиқишлоқ қўрғонида туғилган. У 1979 йилда Фориш туманидаги 1 – сонли мактабни тамомлаб, ўша йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Ветеринария факультетига ўқишга кирган.

У 1983 йилда ўқишни тамомлаб Фориш туман Ветеринария лабораториясида бўлим бошлиғи вазифасида иш бошлаган.

У 1992 йилда Жиззах политехника институтининг “Сув таъминоти” кафедрасига кабинет мудири лавозимига ишга қабул қилинди. Сўнгра институт ходимлар бўлимида назоратчи лавозимида ишлаган.

Ҳимматой Қурбонова 1998 йилдан бошлаб “Агроинженерия”, “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш”, “Фермер хўжалигини бошқариш” кафедраларида ассистент лавозимида ишлаган. 2014 йил март – апрель ойлари ТДТУда “Метрология, стандартлаштириш” йуналиши бўйича қайта тайёрланиб, малака ошириб қайтди. Ҳозирда “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежементи” кафедрасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳимматой Қурбонова институт, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда фаол қатнашиб келади. Унинг 70 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида эълон қилинган. 20 дан зиёд услубий тавсиялар чоп этган.

Ҳимматой Қурбонова 2016 – 2018 йилларда институт миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларида Волейбол бўйича ғолибликни

кўлга киритиб институт касаба уюшмаси томонидан Фахрий ёрликка эга бўлди. “БАРКАМОЛ АВЛОД – 2017” спорт ўйинлари ташкилий гуруҳида фаол иштироки учун, Жиззах вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин – қизлар кўмитаси раиси Г.М.Тўраева томонидан ташаккурнома билан тақдирланган.

Ҳимматой Курбонова 2014 йилдан “Метрология, стандартлаштириш” кафедрасига қарашли МС ва МСМ йўналиши хотин – кизлар билан ишлаш бўйича масъул.



## Альфия АЛИМОВА



Институтнинг 2 чи бўлим мудираси 1961 йил 12 мартда Жиззах шаҳрида Х.Олимжон маҳалласида туғилган. 1978 йилда Жиззах шаҳридаги С.М.Киров номи ўрта мактабни битирган.

1978 – 1983 йилларда Самарқанд кооператив институтида, иқтисодиёт факультетида таҳсил олган.

1983 – 1990 йилларда Жиззах кооператив билим юртида ўқитувчи ва кадрлар бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган.

1990 – 1998 йилларда Жиззах политехника институтида кадрлар бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган.

1992 – 2001 йилларда институт қошидаги Бизнес мактабида ўқитувчи лавозимида ишлаган.

2001 йилдан ҳозирги кунгача Жиззах политехника институти 2чи бўлими мудираси.



## Бахтиёр МЕЛИЕВ

“Мухандислик коммуникациялари”  
кафедраси доценти, техника фанлари номзоди  
Бахтиёр Ўктамович Мелиев 1963 йилнинг 7  
июнида Жиззах вилояти Жиззах туманида  
туғилган.

Жиззах туманидаги Х. Олимжон номи  
16 – сонли ўрта мактабни 1980 йилда муваффақиятли  
тамомлаган.

Бахтиёр Мелиев 1980 – 1985 йилларда Тошкент политехника  
институтининг Жиззах филиалида таҳсил олиб, уни курувчи-муҳандис  
мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатди. Иш  
фаолиятини 1985 йилда шу институтнинг “Қурилиш фанлари”  
кафедрасида ассистент лавозимидан бошлади ва 1987 йилдан эса  
“Саноат ва фуқаро қурилиши” кафедрасида ассистент лавозимида  
давом этдирди.

У 1992 – 1995 йилларда Россия Федерациясида Тюмень Давлат  
нефть ва газ университети аспирантурасида таҳсил олган. 1995 – 1997  
йилларда Россия Фанлар Академиясининг Тюмендаги Ер криосфераси  
институтининг илмий ходим бўлиб ишлаб, номзодлик диссертацияси  
устидан ишни давом этдирган. 1996 йилда номзодлик диссертациясини  
ҳимоя қилган ва техника фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Бахтиёр Мелиевнинг 1996 йилда Франциянинг Бордо  
университетининг ўтказилган халқаро илмий конференцияда ўз  
маърузаси билан иштирок этган.

Унинг Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси ва чет эл  
матбуотида 15 та илмий мақолалари эълон қилинган.

Бахтиёр Мелиев 1997 – 2004 йилларда Республика пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бошқармаси Жиззах вилоят филиали бошлиғи лавозимида, 2004 йилдан Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази директори лавозимида ишлаб, шу кунга қадар Марказ томонидан мингдан ортиқ янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва капитал таъмирланадиган объектларга, уларни лойиҳалаштириш ва жиҳозлар билан таъминлаш ишлари бўйича танлов савдоларини ташкиллаштириб ва ўтказиб келмоқда.

У 2012 йилдан “Муҳандислик коммуникациялари” кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Бахтиёр Мелиев ўзининг ташаббускорлиги, қўл остидаги ходимларга нисбатан талабчанлиги, ишга сидқидилдан ёндошиши ва меҳнат интизомига риоя қилишда қаттиққўллиги билан ажаралиб туради.

Бахтиёр Мелиев янгиликка интилувчан бўлиб, ўзининг билим ва тажрибасини ошириш устида тинимсиз ишлайди. У қурилиш комплексида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, танлов савдоларининг самарадорлигини ошириб, бюджет маблағларини тежашга эришиш, ташкилотнинг иқтисодий кўрсаткичларини юқорига кўтариш йўлида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, “Давархитектқурилиш” қўмитасининг қарор ва буйруқларини, бошқармага юклатилган барча вазифаларни ўрганиб чиқиб, ходимларга оқилона таҳлил қилиб бериш ва уларнинг ўз вақтида бажарилиши билан марказ ишига қўшаётган ҳиссаси каттадир.

У 3 нафар фарзанднинг отаси ва 3 нафар набиранинг бобоси.



## Гулбахор СОАТОВА



“Енгил саноат технологияси” кафедраси катта ўқитувчиси. Соатова Гулбахор, 1965 йил 11 июнда Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Х.Носиров Жамоа хўжалигида туғилган. Институт доценти. Меҳнат стажи 37 йил. Мазкур вазифада 2001 йилдан буён ишламоқда.

1982 йилда Тошкент Тўқимачилик ва Енгил саноат институтининг “Механика технология” факультетини “Инженер технолог” мутахассислиги бўйича ўқишни тугатиб ёш мутахассис сифатида 1987 йил Жиззах ип йигирув фабрикасида Сифатни назорат қилиш бўлимида мастер бўлиб ишлади, 1988-2001 йиллар Жиззах Енгил саноат билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлади.

2001 йилдан 2018 йилгача Жиззах Политехника институти “Қасб таълими ва педагогика” кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи лавозимларида ишлаб келди.

2004-2006 йилгача Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университетини “Амалий психолог” мутахассислиги бўйича тамомлади.

Илмий педагогик фаолияти ва илмий тадқиқот ишларини ҳисобга олиб илмий кенгашининг 24.12.2008 йил № 4 сонли қарори билан институт доценти унвони берилди.

2008 йилда Миср араб республикасида Олий таълим вазирлиги томонидан Енгил саноат мутахассислиги бўйича малака оширишда бўлиб қайтди.

2008 йил сентябр ойидан 2012 йилгача Жиззах Политехника институти “Енгил саноат технологияси” кафедрасида кафедра мудирининг лавозимларида ишлаб келди. Унинг раҳбарлигида кафедранинг моддий техник базаси ривожлантирилиб тикув буюмлари бўйича лаборатория жихозлари олиб келиниб ўқув жараёнига тадбиқ этилди.

Унинг муаллифлигида 3 та ўқув қўлланма “Фаол ўқитиш усуллари”, “Тикувчилик корхоналари жихозлари”, “Касб таълими методикаси”, 8 та услубий қўлланма, 12 та маърузалар матни, 14 та услубий кўрсатма, илмий журналларда 12 та илмий мақола, халқаро анжуманларда 7 та тезис ва 8 та илмий мақола, Кохира Давлат Тўқимачилик ва Енгил саноат илмий тадқиқот институтида 2 та илмий мақола, Республика микёсида ўтказилган илмий анжуманларида 50 дан зиёд тезислари чоп этилди.

2011 йил Жиззах шаҳар ҳокимияти меҳнат ва ижтимоий бандлик бўлими ҳамда Жиззах Политехника институти билан тузилган шартномага асосан кам таъминланган оилаларнинг қизларига касб-хунарга йўналтириш учун “Миллий кийимлар тикувчиси” касбини ўргатди.

Соатова Гулбахор “Тажриба дарсларини самарадорлигини ошириш ва “Ижодкор ёшлар уюшмаси”да талабаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш усули” лойихаси Педагогик грантлар дастури ёлиби бўлди.

2012 йил. “Тикувчилик корхоналари жихозлари” дарслиги “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” Республика танловининг ёлиби I-даражали диплом билан тақдирланди.

2015 йил унинг раҳбарлигида 205-КТ(ИваАТ) гуруҳ талабаси Ибрагимов Жамшид. Чет тилида тайёрланган “Энг яхши битирув малакавий иши” Республика танловининг ёлиби бўлди.

У бевосита раҳбарлик қилган ёшлар Республика ва вилоятнинг “Ташаббус”, “Илм ёғдулари” кўрик-танловларида мунтазам қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Ёшларни касбга ўргатиш мақсадида кафедра қошида “Касб маҳорати”, курсларини очди.

У вилоят “Ёшлар иттифоқи” томонидан ҳар йили ўтказиладиган кўрик-танловларда, касб-хунар коллежлари ўртасида ўтказилиб келинаётган “Тикув буюмлар технологияси” олимпиадаларининг етакчи ташкилотчиси.

Соатова Гулбаҳор факультет, институт жамоат ишларида фаол қатнашади. У институт хотин-қизлар кенгашининг аъзоси ва институт хотин-қизлар кенгашида, вилоятда, институтда, ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг фаол иштирокчиси.

Соатова Гулбаҳор талабаларга нисбатан меҳрибон, талабчан устоз, ҳамкасбларига ишончли маслаҳатгўйдир. У ўзининг янгиликларга қизиқувчанлиги, меҳнатсеварлиги ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажариши, тўғри сўз ҳамда ташаббускорлиги билан институт жамоаси орасида обрў-эътиборга эга, ҳалол меҳнати, илмий ижодкорлик қобилияти билан хурмат қозонган инсон. Г.Соатова оилали, 3 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси. Унинг ўзи ва оиласи маҳаллада ибратли ва намунали оилалардан бири ҳисобланади.



2 – ҚИСМ  
КЕКСАЛИК ГАШТИНИ СУРАЁТГАН ЁКИ БОШҚА  
ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРДА ФАОЛИЯТ  
КЎРСАТАЁТГАН ФАХРИЙЛАР



**Махмуд ТУРАПОВ**

Жиззах политехника институтининг собиқ ректорларидан бири, техника фанлари номзоди, доцент Махмуд Турапов 1949 йил 23 майда Тошкент шаҳрида туғилган. 1966 йилда Тошкент политехника институтига ўқишга кириб мазкур институтни 1971 йилда “Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” ихтисослиги бўйича тамом қилди.

Махмуд Турапов 1971 йилдан Андижон қурилиш техникумида махсус фанлар бўйича ўқитувчи, 1974 йилдан Тошкент политехника институтида стажер – тадқиқотчи, 1975 йилдан Тошкент политехника институти “Қурилиш материаллари” кафедрасида ассистент бўлиб ишлади ва сўнгра мазкур кафедра аспирантурасида таҳсил олди.

Собиқ СССР Госстрой тасарруфидаги “Бетон ва темирбетон илмий тадқиқот институти” (Москва шаҳри)да 1976 – 1979 йй. илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, 1980 йилда “Бетон таркибига олтингугурт шимдириш орқали хоссаларни яхшилаш” мавзусида

номзодлик диссертациясини ёқлаб техника фанлари номзоди даражасини, 1987 йилда эса доцентлик унвонини олган.

1981 йилдан бошлаб Тошкент политехника институти Жиззах филиалида кафедра мудири, факультет декани бўлиб ишлади.

Махмуд Турапов ўзининг самарали меҳнати ва ташкилотчилиги туфайли 1991 йилдан Тошкент архитектура қурилиш институти Жиззах филиали директори лавозимида ишлади. 1993 йилдан бошлаб Жиззах политехника институти “Қурилиш материаллари, буюмлари ишлаб чиқариш” кафедраси мудири лавозимида самарали фаолиятини давом этдирди.

У 1995 йилдан Тошкент архитектура қурилиш институти доценти, 1997 йилдан Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги “Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари давлат аттестацияси, аккредитацияси ва назорати бош бошқармаси” бош инспектори, 1998 йилдан Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази “Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси” бош эксперти, 2005 йилдан олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълимини ривожлантириш маркази таълим дастурлари ва ўқув адабиётлари мониторинги бўлими бошлиғи лавозимларида меҳнат қилди.

Махмуд Турапов 2008 йилдан Тошкент архитектура қурилиш институти касаба уюшма кўмитаси раиси, 2011 йилдан “Йиғма темир бетон ишлаб чиқариш” кафедраси доценти, 2011 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент архитектура қурилиш институтининг “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси” кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

У фидойи, камтарин, жонкуяр олим, ташкилотчи, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан Жиззах политехника институти жамоаси ҳамда вилоятимиз аҳолиси орасида ҳурмат

қозонган. Махмуд Турапов Жиззах политехника институтида Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ўқув – лабораторияси институтини ташкил этишда, моддий техника базани бойитишда хизматлари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда 2 нафар докторантлар М.Турапов раҳбарлигида илмий ишларни давом этдирмоқдалар. Ҳар йили М.Турапов раҳбарлигида ҳимоя қилган магистрантлар ЖизПИ га ўқитувчи сифатида йўналтириляпти.

Махмуд Тураповнинг оиласи пири бадавлат оила, турмуш ўртоғи Махбубахон опа Муҳиддиновна 1981 – 1995 йилларда Жиззах политехника институтида, 1995 – 2004 йилларда Тошкент архитектура курилиш институти катта ўқитувчи лавозимида ишлаб, ҳозирги кунда нафақада.

Махмуд Турапов 3 нафар фарзанднинг отаси, улар ҳозирда ота – онасининг изидан бориб халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. У киши ҳозирда 8 нафар набиранинг бобоси ҳамдир.





## Иброҳим СОДИҚОВ

Жиззах политехника институтининг собиқ ректорларидан бири, техника фанлари доктори, профессор Иброҳим Солиҳович Содиқов 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1974 йилда Тошкент автомобиль йўллари институтини битирган. Институтни тамомлагандан сўнг “Автомобиль йўлларини қидириш ва лойиҳалаш” кафедрасида стажёр – тадқиқотчи, ассистент, аспирант, ўқитувчи, кафедра доценти лавозимларида фаолият кўрсатган.

Иброҳим Содиқов 1995-2001 йилларда “Йўл қурилиши” факультети декани, 2001 – 2003 йилларда Академик лицейлар, касб – ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари проректори лавозимларида хизмат қилган. Кафедрада олиб борган илмий – тадқиқот, назарий – услубий ишлари натижасида 100 дан ортиқ илмий мақола, услубий қўлланма, шу жумладан икки қисмдан иборат монография ва дарсликлари чоп этилган, ўндан ортиқ меъёрий ҳужжатлар муаллифи.

Иброҳим Солиҳович Содиқов 2001 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унинг илмий раҳбарлигида 5 та аспирант ўз илмий – тадқиқот ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олган. Ҳозиргача стажёр – тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилиб келмоқда.

Иброҳим Солиҳович Содиқов 2003 йилнинг июль ойидан 2012 йилгача Жиззах политехника институти ректори лавозимида ишлаган. У институтда қисқа вақт ишлаши мобайнида ўзининг ҳар ишда

ташаббускор, журъатли, тўғри сўз, маънавий етук, ўз ўртоқларига ва ҳамкасбларига нисбатан ғамхўр ва талабчан эканлигини кўрсатди.

У таниқли олим сифатида Осиё тараққиёт ва ривожланиш банкининг Ипак йўлини ривожлантириш дастурларида (1999 – 2003 йй.) эксперт сифатида ишлаган, Европа халқаро муҳандис педагоги дипломини олган.

Иброҳим Содиқов 2003 йили Америка Қўшма Штатларида бўлиб, автомобиль транспортида сертификациялаш бўйича малакасини оширган. Олим автомобиль йўлларининг транспорт – эксплуатация сифатларини прогнозлаш ва бошқариш йўналиши асосчисидир.

Ҳозирда Иброҳим Солиҳович Содиқов Тошкент автомобиль йўллари институти профессори лавозимида ишлаб келмоқда.



## Эргаш САЛИЕВ



Жиззах политехника институтининг собиқ ректорларидан бири, физика – математика фанлари номзоди, доцент Эргаш Алибекович Салиев 1956 йилнинг 17 июлида Фориш туманида туғилган.

Мактабни тамомлагач, 1973 йилда Самарқанд давлат университетининг математика факультетининг кундузги бўлимига ўқишга кирган, уни 1978 йилда муваффақиятли тамомлаган.

Эргаш Алибекович Салиев 1978 – 1981 йилларда Белоруссия давлат университетининг кундузги аспирантурасида ўқиган. 1982 йилдан бошлаб Тошкент политехника институтининг “Олий

математика” кафедрасида ассистент, доцент лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан Тошкент давлат техника университети “Олий математика” кафедраси доценти, илмий ишлар проректори ўринбосари бўлиб ишлаган. 1995 йилдан эса Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича миллий эксперт, Тошкент технологиялар бизнес – инкубатори бош директори бўлиб ишлаган.

Эргаш Алибекович Салиев 1997 йилдан Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. Самарали меҳнатлари ва жонбозлигини ҳисобга олиб, 2000 йилда Жиззах вилоятининг Пахтакор туманига ҳоким этиб тайинланган.

Эргаш Алибекович Салиев 2012 йилдан то 2016 йилгача Жиззах политехника институти ректори бўлиб ишлади ва шу қисқа давр ичида институтнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. 2016 йилдан Арнасой тумани ҳокими, 2017 йилдан ҳозирги вақтгача Жиззах вилояти ҳокими лавозимида муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Эргаш Алибекович Салиевнинг самарали меҳнатлари ҳар доим муносиб тақдирланиб келинган. 2005 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

2015 йилдан ҳозирги вақтгача Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашлари депутати, шу билан бир қаторда Олий Мажлис Сенати аъзоси.



## Алибой ЭРНАЗАРОВ



Педагогика фанлари номзоди, доцент Алибой Бекназарович Эрназаров 1941 йил 23 февралда Самарканд вилояти Булунғур туманининг Бешбола қишлоғида таваллуд топган. 1971 йилда Полтава педагогика институтини тамомлаган, Шундан сўнг Булунғур тумани халқ таълими бўлимига қаршли 4-сонли умумий ўрта таълим мактабида рус тили ўқитувчиси, мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

Алибой Эрназаров 1977 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Беруний номидаги Тошкент политехника институти Жиззах филиалининг “Умумтаълим” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган.

Алибой Эрназаров 1980-1986 йиларда филиалнинг тайёрлов бўлими декани вазифасида самарали ишлади. Шу билан у киши 1978-1981 йиллар давомида институтнинг партия ташкилоти котиби сифатида ҳам фаолият кўрсатиб, талабалар орасида кенг кўламли тарбиявий ишларни олиб борди.

Эрназаров Алибой 1987 йилда Москва миллий мактаблар илмий тадқиқот институтида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. У 1991 йилда доцент унвонини олди.

Алибой Эрназаров 1990 йилдан то 2017 йилгача Жиззах давлат педагогика институтида фаолият кўрсатди. Шу давр давомида яъни 1991йилдан 1999 йилгача “Рус тилини ўқитиш услуги” кафедрасида

мудир, сўнгра 1999 йилдан 2017 йилгача кафедра доценти лавозимида ишлади.

Алибой Эрназаров 50 дан ортиқ илмий-услубий ишларни чоп этган бўлиб, улардан битта монография, битта ўқув қўлланма, еттита ўқув услубий қўлланма, қирқдан ортиқ илмий мақола ва тезисларни эълон қилган.

Алибой Эрназаров Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Беруний номидаги Тошкент политехника институти, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти маъмуриятларининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор мукофотланган. У киши “Мехнат фахрийси” унвонига ҳам эга бўлган ажойиб инсон.



## Пўлат МАНСУРОВ



Техника фанлари номзоди, доцент Пўлат Мансуров 1941 йил 19 майда Жиззах вилояти Бахмал тумани Қўшчинор ижара хўжалигида хизматчи оиласида туғилган.

1948 йилда Қўшчинор ижара хўжалигида 11-сон мактабга ўқишга кириб, 1955 йилда Жиззах шаҳридаги А.Навобий номли ўрта мактабга ўтиб ўқиган. 1958 йили 3 – сон А.Навобий номли ўрта мактабни битириб сўнгра Тошкент политехника институтининг механика факультетида ўқиди.

У 1963 йилда мухандис – механик мутахассислигига эга бўлиб, Фрунзе шаҳридаги қишлоқ хўжалиги машиналари заводига мухандис

– конструктор лавозимиға ишга юборилди. 1963 ва 1965 йиллари Молдавия Республикасининг Рыбница шаҳридаги полкда армия сафида солдатлик бурчини бажарди.

У 1965 йили “Фашистлар устидан ғалабанинг 20 йиллиги” медали билан тақдирланган.

1966 йилдан 1969 йилгача Жиззах вилоятининг Самарқанд хўжалигида аввал катта мухандис, кейинчалик бош мухандис муовини лавозимида ишлади.

1969 йили Янгийўл шаҳридаги Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш илмий – тадқиқот институтига аспирантурага ўқишга кирди. Битиргач 1977 йилгача институтда ходим бўлиб ишлади. 1974 йили Ашхобод шаҳрида номзодлик диссертациясини ёқлаб, шу йили техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1977 йилдан Жиззах вилоят “Сельхозтехника” бирлашмаси раис ўринбосари лавозимиға тайинланди.

1979 йилдан эса Тошкент политехника институти Жиззах филиалида катта ўқитувчи лавозимида иш бошлади. 1980 йилдан “Умумтехника фанлари” кафедраси мудири, 1987 йилдан “Мухандислик графикаси” кафедраси мудири, 2001 йилдан “Мухандислик графикаси” кафедраси доценти лавозимларида ишлади, 2005 – 2011 йиллар эса “Умуммухандислик” кафедраси доценти лавозимида ишлади.

Пўлат Мансуров 24 та илмий мақола, 30 га яқин услубий ишлар ва 1 та ихтиро муаллифидир.

У Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирининг “Устоз” унвони билан тақдирланган.



## Карим ТАГМАТОВ



Филология фанлари номзоди, доцент Карим Тагматов 1941 йил 22 июнь куни Самарқанд вилояти Булунгур туманининг “Бешариқ Чангал” қишлоғида тавалуд топган ва 1958 йили ўша жойдаги 45-сонли мактабни битирган.

Карим Тагматов 1959 йили Самарқанд Давлат Университетининг Рус филологияси факультетидаги европа гуруҳига ўқишга кирди.

У 1962 – 1965 йиллари Совет Армияси сафида Куйбишев шаҳрида хизмат қилди ва Волга бўйи ҳарбий округида бадиий хаваскорлар кўригида яккахон рақс (Польша “Чарлистон” рақси) бўйича биринчи ўринни эгаллагани учун у кишига истисно сифатида бир ойлик таътил берилди.

1965 – 1970 йилларда яна СамДУда таҳсил олди ва ўзи битирган мактабда бош ёшлар етакчиси, Рус – тили ўқитувчиси бўлиб ишлади ва Республика телевидениясида “Бўл тайёр!” кўрсатуви унинг таклифи билан мактаб ўқувчилари учун кўрсатувиға сиртқи, штатсиз муаллифлик қилди.

Университетни битиришда профессор Ларкев В.Г.нинг таклифи билан ўша даврда сиртқи бўлим талабаларининг гуманитар фанларидан битириш “Диплом иши” ёзиши қонуний чеклангани учун истисно сифатида Олий таълим Вазирлигининг махсус рухсатномаси билан “1950 – 60 йиллар ҳарбий повестларида гуманизм” мавзусида диплом ишини ёқлади ва илмий кенгаш таклифи билан Сирдарё педагогика институтига рус филологи сифатида тавсия қилинди.

1970 – 1983 йиллари “Рус ва чет эллар адабиёти” кафедрасида ўқитувчи, институт касаба уюшмаси раиси, шу билан бирга 1982 – йилгача институт партия ташкилоти котиби бўлиб ишлади.

Намунали меҳнати учун ўша даврдаги СССР марказий комитетининг бир неча “Ташаккурнома”лари билан тақдирланган ва 1976 йили Францияга давлат ҳисобидан саёҳатга жўнатилди.

1976 – йили “Ўзбек повестлари (60 – 70 йиллар) стилистик изланишлари ва ахлоқий муаммолар ечими” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

1976 – 1979 йилларда расмий хизмат сафари билан “Ўзбек ва Ўрта Осиё халқлари адабиёти”дан дарс бериш учун ҳар йили икки ой Россиянинг Орёл, Тоганрог, Кировоград шаҳарларида талабаларга маърузалар ўқиди.

Карим Тагматов 1983 йили Тошкент политехника институтинг Жиззах филиалига конкурс асосида “Умумтаълим” кафедраси мудирлигига сайланди ва филиал, институт партия ташкилотининг котиби бўлиб 1996 йилгача жамоатчилик асосида ишлади, 1996 – 97 йиллари “Саноат – қурилиши” факультети декани, 1997 – 2001 йилларда, меҳнат нафақасига чиққунча институт тарбиявий ишлар бўйича проректори лавозимида ишлади.

У киши 50 дан зиёд кўлланма ва илмий мақолалар муаллифи.

Карим Тагматов 2002 йилдан меҳнат нафақасига чиқди. Шунга қарамасдан, 2002 – 2004 йиллари институт қошида очилган бизнес мактаби директори бўлиб ишлади.

У вилоятда мустақиллик йилларида иш бошлаган тадбиркорларга амалий ёрдам берувчи, янги низом, бизнес режаларини тузиш, кредит ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам берувчи “Бизнес инкубатор” ташкил қилди, юзлаб тадбиркорларга амалий ёрдамлар кўрсатиб уларнинг олқишига сазовор бўлди.

“Бизнес инкубатор” директори лавозимида ишлаб турган даврда Бирлашган миллатлар ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили жаноб Хабибнинг тавсиясига биноан Италия, Польша давлатларига

Ўзбекистон меваларини экспорт қилиш ва бу мамлакатларнинг меваларни сақлаш қуритиш технологияларини Ўзбекистонга олиб кириш имкониятларини ўрганиш бўйича хизмат сафарларида бўлди.

2008 йили вилоятда “Халқаро бизнес” мактабини очди ва қисқа муддатли Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер оператори, Мактабгача тарбия муассасаларида инглиз тили ўқитувчилари каби давр талабларига мос мутахассисларни етказиб берди.

2014 йилдан бошлаб вилоят ҳокимлигининг топшириғига асосан халқ таълими тизимини текширувчи махсус комиссияни бошқарди. Шу даврда халқ таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар ва ташаббуслар билан чиқди.

Ҳозир кексалик нафақасида “Вилоят Амир Темур жамғармаси” раиси, маҳалла фаолларидан бири.

Карим Тагматовнинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. Жумладан, “СССР халқ таълими аълочиси”, “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси”, “Узоқ – самарали меҳнатлари учун” медали, “Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган.





## Мамасодик МАНСУРОВ

“Олий математика” кафедраси доценти, физика – математика фанлари номзоди Мамасодик Мансуров 1944 йилнинг 5 апрелида Жиззах туманидаги Жданов номли колхознинг “Хўжалик” маҳалласида туғилган.

У 1962 йили 11 йиллик ўрта мактабни аттестати билан бирга I – класс тракторчи дипломини олишга мувофиқ бўлди.

У 1962 йили Самарқанд давлат университетидоги механика – математика факультетининг I – курсига қабул қилинди. 1967 йилда ўқишни мувофақиятли тугатиб, олий таълим вазирлиги йўлланмаси билан Самарқанд давлат архитектура – қурилиш институтининг “Олий математика” кафедрасига ассистент лавозимига ишга қабул қилинди. Ушбу кафедрада тажрибали педагоглар, доцентлар Р.Қ.Қобилов, Б.Каримов, С.Мамашевлар мураббийлиги остида “Олий математика” дан амалиёт дарслари олиб борди.

Мамасодик Мансуров 1969 йил декабрь ойида Озарбайжон давлат университетининг “Дифференциал ва интеграл тенгламалар” кафедрасига аспирантурага қабул қилинди.

У 1973 йилдан бошлаб Самарқанд Давлат архитектура – қурилиши институтининг “Олий математика” кафедрасида катта ўқитувчи ва кафедра доценти лавозимларида фаолият юритди.

Мамасодик Мансуров 1979 йилнинг охирида собиқ Тошкент политехника институтининг Жиззахда очилган умуммеханика факультетида ташкил қилинган “Олий математика” кафедраси мудири лавозимига конкурс орқали сайланди. 1984 йилдан бошлаб ТошПИ

нинг Жиззах филиалида кафедра доценти, шундан кейин филиал базасида 1992 йил ташкил қилинган Жиззах политехника институтида кафедра доценти лавозимида ишлади.

Мамасодиқ Мансуров иш фаолияти мобайнида 15 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилди. Унинг умумлашган аналитик функцияларнинг махсус интегралларини баҳолашга бағишланган илмий мақолалари нуфузли илмий журналларда чоп қилинди.

Мамасодиқ Мансуров “Олий математика” кафедрасининг жонкуяр педагоглари билан бири бўлиб у иқтисодиёт йўналиши учун яратилган қатор услубий қўлланма ва кўрсатмалар: “Математикадан қисқача маълумотнома”, “Эҳтимоллар назарияси элементлари”, “Эҳтимоллар назариясидан масалалар ечими”, “Дифференциал ва интеграл ҳисоб курсидан амалий машғулотлар”, қизиқарли математика сериясида академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ёзилган “Математик софизм ва фокуслар”, “Ҳисоблашнинг энг содда ва қисқа усуллари”, “Кўпхадлар” каби услубий қўлланмалар ёзди. Унинг услубий кўрсатмалари ҳозирги кунда институт талабалари томонидан фойдаланилмоқда.

Шунингдек, унинг муаллифлигида яратилган олий ўқув юрти талабалари учун “Олий математика” фанидан маълум системага солинган маърузалар матни, талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш бўйича тайёрланган “Топшириқлар тўплами” ва уни бажариш бўйича ишлаб чиқарилган услубий қўлланмадан институт талабалари кенг фойдаланишмоқда.

У вилоят газеталарида, институтнинг “Бунёдкор ёшлар” газетасида долзарб мақолалари билан иштирок этиб келди. Жиззах вилояти телевидениясида “Масофадан ўқитиш” рукни асосида “Олий математика” фанидан назарий ва амалий машғулотлар олиб борди. У сўнгги вақтда 10 та услубий қўлланма, услубий кўрсатма ва 8 та охириги маълумотлар билан бойитилган маърузалар матни тайёрлади. Халқаро ва Республика миқёсида ўтадиган илмий конференцияларда 20 тадан ортиқ мақола ва тезислар эълон қилинди. Унинг ташаббуси билан

яратилган талабалар билимини баҳолашнинг “Тест – карта” усули ўқув жараёнига самарали тадбиқ қилинмоқда.

Унинг раҳбарлигида талабалар билан ҳамкорликда йиғилган “Видео – кадоскоп” ўқув жараёнида қўлланилмоқда.

Бу қурилманинг намоёиши институт жамоаси орасида катта қизиқиш уйғотди.

Мамасодиқ Мансуров 2004 йилда институт қошида ташкил этилган “Ёзма ишларни ўтказиш ва таҳлил қилиш” марказининг бошлиғи сифатида институтда самарали ишларни амалга оширди.

Мамасодиқ Мансуров институтнинг ёш ўқитувчилари ва иқтидорли талабаларига илмий – тадқиқот ва услубий фаолиятларида беғараз ёрдам бериб келмоқда. У фидоий, камтарин инсон, жонкуяр педагог, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан вилоятимиз зиёлилари орасида ҳурмат ва эътибор қозонган.



## Эгамқул ҚАРШИЕВ

Кимё фанлари номзоди, доцент Эгамқул Болтаевич Қаршиев 1945 йил 17 мартда Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида таваллуд топган. 1963-йилда Боёвут туманидаги 17 – ўрта мактабни тугатди. 1963 – 71 йилларда Тошкент давлат университетининг кимё ихтисослиги бўйича тамомлади. 1964 – 67 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1965 йили собиқ СССР Олий Кенгаши томонидан ғалабанинг 20 йиллик юбилей медали соҳиби бўлди.

1971 йилдан Боёвут туманидаги 17 – ўрта мактабда кимё фани ўқитувчиси, 1973 йилдан Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги

кимё институтида илмий изланувчиси. 1974 – 77 йилларда кимё институтининг аспиранти бўлиб ишлади. 1978 йилда Гилмояларга кимёвий ишлов беришдаги ишлари учун авторлик гувоҳномаси олган. 1978 йилда Чехославакиянинг Бруно шаҳрида бўлган илмий конференцияда иштирок этди, 1979 йилларда Москва, Минск шаҳарларида бўлган халқаро илмий – техник конференцияларда ўзининг илмий мақолалари билан қатнашди.

Э. Қаршиев 1979 – йилда “Сувда эрувчи полиэлектролит ва сирт актив моддаларнинг монтмориллонит гилмояси барқарорлик хоссаларини яхшилашдаги ўрни” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

У 1980 йилдан Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида катта ўқитувчи, “Қурилиш” кафедрасининг мудирини бўлди. У институтда Кимё кафедрасининг очилишига асос солди ва 1983 йилдан ушбу кафедрага мудир бўлиб тайинланди. 1985 йилда доцентлик унвонини олди.

Эгамкул Қаршиев 1987 йили кечки ва сиртки бўлим декани. 1988 йилдан 1993 йилгача кимё кафедраси мудирини. 1993 йилдан Экология кафедраси мудирини бўлиб ишлади. 1997 йилдан кафедра доцентидир.

У 2001 йилдан Жиззах Давлат педагогика институтининг “Табиатшунослик” факультетини кимё ва уни ўқитиш услубиёти кафедрасининг доценти бўлиб ишлади.

Э.Б.Қаршиев 4 та услубий қўлланма, 150 та илмий мақолалар муаллифидир. Э.Б.Қаршиев жамоатчилик орасида малакали мутахасис сифатида кимё фанини ўқитишда юқори педагогик маҳоратга эга бўлган олимдир. Ўзининг педагогик фаолиятида, самарали меҳнатлари туфайли Олий ва ўрта махсус таълими, шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг ҳамда вилоят ҳокимлигининг “Фахрий ёрлиқлари” билан тақдирланган.



## Қувондиқ ҲРОЛОВ

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Қувондиқ Ҳралов 1946 йилнинг 20 апрелида Нурота (ҳозирги Қўшробод) туманидаги “Жўш” қишлоғида колхозчи оиласида туғилган. Ҳрта мактабни битиргандан кейин, мактаб-интернатида тарбиячи бўлиб ишлаган. 1965 – 1968 йилларда армияда Шимолий Кавказ ҳарбий округида хизмат қилган. 1968 йилдан 1973 йилгача Самарқанд Давлат педагогика институтида таҳсил олган.

У 1973 йилдан Пахтакор туманидаги 1 – сонли ҳрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлага. 1975 – 1977 йилларда Тошкент Олий партия мактабида таълим олди, 1980 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ илмий текшириш институтининг аспирантурасида таҳсил олди ва Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш муаммосида изланишлар олиб борди.

Қувондиқ Ҳролов 1983 йилда Москвада ва бир қатор иттифоқдош республикаларида жамоатчилик фикрини ўрганиш даражаси ва ташкилий жиҳатлари билан танишиб келди. 1984 йилда фалсафа ва ҳуқуқ институти қошида, жамоатчилик асосида СССР фанлар Академияси Социологик ассоциацияси филиалининг очилишини ташкил этишда фаол қатнашди, Ассоциация топшириғи билан “Халқнинг турмуш тарзини ўрганиш”, “Халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш” каби бир қатор масалаларни ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш учун, анкеталар ишлаб чиқди, Марказий Кенгашнинг рухсати билан жойларда сўровномалар ўтказишда иштирок этди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сўровномалар ўтказилган гуруҳга раҳбарлик қилди. Сўровнома

натижалари ўша даврнинг нуфузли ташкилоти бўлган вилоят партия кўмиталари пленумларида кўриб чиқилиб, ўрганилган масалалар юзасидан қатор муаммолар тўпланиб қолганлиги, жамоатчилик фикрини ўрганиш институти демократик жараённинг ажралмас қисми эканлиги намоён бўлган эди.

Халқнинг ҳам сиёсий онггида собиқ тузум сиёсатининг айрим салбий жиҳатлари кўриниб қолган эди. 1989 йил июнь ойида фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий кенгашида “Ўзбекистон Республикасида кишлоқ аҳолисининг социал фаоллигини оширишда жамоатчилик фикрининг роли” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Қувондиқ Ўролов 1980 йили “Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлари учун” медали, Мустақилликнинг 10 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган. Қувондиқ Ўролов 2007 йилдан Жиззах политехника институтида катта ўқитувчи, кафедра мудири вазифаларида ишлаб, вилоятимиз аҳолиси ўртасида сиёсий жараёнларни тушунтиришда фаол иштирок этди.

У 40 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар, 50 дан ортиқ илмий – услубий қўлланмалар муаллифидир. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан унга 2016 йилда “Фалсафа фани бўйича электрон ўқув қўлланма дастури” учун DGU 04132 рақами остида патент берилган. Унинг “Маънавиятнинг айрим қирралари”, 2010 йилда “Комиллик - келажак пойдевори”, “Баркамол авлод-давр талаби” рисоалари чоп этилган. Шунингдек, 2011 йилда “Эл кўриқчиси” номли ҳикоялар тўплами ва қиссаси чоп этилган. Ўролов Қувондиқ шеърининг ҳам шайдосидир.



## Карим АКИЛОВ

“Жисмоний тарбия” кафедрасининг катта ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Карим Акилов 1947 йилнинг 9 февралда Жомбой туманида таваллуд топган. 1962 – 1965 йилларда – Самарқанд вилоят Жомбой туманининг Ғазира жамоа хўжалигида оддий

ишчи бўлиб ишлаган.

У 1967 йилда – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кириб, олийгохни 1971 йилда тугатди. 1976 йилда Самарқанд давлат медицина институтининг ўқитувчиси лавозимида иш фаолиятини бошлади. 1977 йилда Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси лавозимида иш фаолиятини давом эттирди. 1986 йилда Жиззах туман спорт кўмитасч раиси, 1988 йилдан Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими услубчиси, 1992 йилдан эса Тошкент политехника институтининг Жиззах филиали “Жисмоний тарбия” кафедраси ўқитувчиси лавозимларида иш фаолиятини давом эттирди. 2015 йилдан “Жисмоний тарбия” кафедраси катта ўқитувчи бўлиб ишлади. У фаолияти давомида спортнинг кураш тури бўйича кўплаб шогирд тайёрлади. 2015 – йилдан нафақада.

У ўзининг илмий-педагогик фаолияти даврида кўплаб илмий – ишлари эълон қилди. Акилов Карим ҳар доим институт, республика ва халқаро миқёсида ўтказиладиган илмий конференцияларда илмий ишлари билан қатнашиб келади.



## Хаитжон АБДУЛАХАТОВ



Хаитжон Абдулахатов 1947 йил 24 сентябрда Фориш туманида туғилган. Ўрта мактабни 1964 йилда тугатиб, шу йили Самарқанд давлат университетининг механика математика факултетига ўқишга кирди ва 1970 йилда мазкур университетни тамомлаган.

1970 – 1974 – йилларда Фориш туманидаги 15 – мактабда ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатган, 1974 йилдан Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг “Кибернетика” институтида кичик илмий ходим, 1975 йилдан 1979 йилгача шу институтда аспирантурани ўтаган.

1979 – йилда ҳисоблаш техникаси ва математик усулларни халқ хўжалиги тармоқлари иқтисодиётига тадбиқи мутахассислиги бўйича “Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалигини оптимал ривожлантириш ва жойлаштириш” мавзусида илмий тадқиқот ишини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди даражасини олган.



1980 йилдан 1983 йилгача Тошкент политехника институти Жиззах филиалининг олий математика кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. Кейин 1984 – 1990 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтининг Жиззах филиали олий математика кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудир лавозимларида фаолият олиб борган.

1990 – 1991 – йилларда Жиззах политехника институти “Ахборот технологиялари” кафедрасида доцент лавозимида ишлаган.

2000 йилгача давомида Жиззах вилояти солиқ бошқармасида компьютер маркази бошлиғи лавозимида фаолият.

2006 – 2011 – йилларда яна Жиззах политехника институтининг “Ахборот технологиялари” кафедрасида доцент лавозимида фаолиятини давом эттирган.

Абдулахатов Хаитжон ўзининг илмий – педагогик фаолияти давомида Республика илмий журналларида 20 дан ортиқ илмий мақола, 2 та услубий қўлланмасини эълон қилган. Ҳозирда нафақада.



## **Хикматулла ТУРМАТОВ**



**Хикматулла Турматов 1949 йил 17 июлда Фориш туманидаги атрофи тоғлар билан ўралган гўзал Боғдон қишлоғида туғилган.**

**У 1956 – 1966 йиллар мобайнида Фориш туманидаги Н.К.Крупская номи 2 – сонли умумтаълим мактабида ўқиди. Сўнгра 1968 йилгача Фориш туманининг “Чорвадор” газетасида фаолият юритди. 1968 – 1970 йилларда армия сафида хизмат қилди.**

**Хикматулла Турматов 1971 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих – жамиятшунослик йўналишига ўқишга қабул қилинди. 1976 йилда ўқишни битириб, йўлланма билан Фориш туманидаги Абу Али ибн Сино номи 33 – сонли умумтаълим мактабига ишга келди.**

1977 йилдан А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтининг “КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод” кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади.

Хикматулла Турматов 1980 йилдан А.Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида ўқитувчи бўлиб, 1992 йилдан эса Жиззах политехника институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

1998 йилдан институтнинг “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш асослари” кафедраси мудири, 2002 йилдан мазкур кафедрада катта ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

У вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда мунтазам равишда ўзининг маъруза ва мақолалари билан фаол қатнашиб келган. 40 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган. 50 дан ортиқ услубий кўрсатма ва қўлланмалар муаллифидир.

Хикматулла Турматов жонқуяр, талабчан устоз, мураббийлик маҳорати ва қобилияти билан институт жамоаси орасида ҳурмат қозонган.

Хикматулла Турматов 4 нафар фарзанднинг отаси. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли. Фарзандлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритиб келишмоқда.





## Маҳбуба ТУРАПОВА



Турапова Маҳбуба Мухитдиновна 1949 йилнинг 21 октябрида Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни битиргандан сўнг 1966 йилда Тошкент Политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишга кириб, қурувчи инженер мутахассислигини олган.

1971 – 1973 йилларда “Главтошкентстрой” қошидаги “Оргтехстрой” лойиҳа институтида, 1973 – 1981 йилларда “Средаэнергоцветлит” қошидаги конструкторлик бюросида лойиҳачи – инженер лавозимларида ишлаган.

1981 – 1995 йилларда Жиззах политехника институтини “Архитектура, фуқаро қурилиш” кафедрасида аввал ассистент, кейинчалик катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган.

Турапова Маҳбуба Мухитдиновна фидойи, камтарин, жонқуяр инсон, ташкилотчи, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан Жиззах политехника институти жамоаси орасида хурмат қозонган педагог.

Турапова Маҳбуба Мухитдиновна 3 нафар фарзанднинг онаси, фарзандлар ҳозирда ота – онасининг изидан бориб халқ хужалигининг турли тармоқларида ишламоқда. Хусусан катта қизи Турапова Нигора Махмудовна Жиззах шаҳридаги 6 – ўрта мактабда ўқитувчи, ўртанча қизи Турапова Наргиза Махмудовна Тошкент шаҳридаги 55 – поликлиникада акушер – гинеколог, кичик қизи Турапова Нодира Махмудовна Тошкент шаҳри Шайхонтохур енгил – саноат касб – хунара коллежида ўқитувчи бўлиб самарали фаолият кўрсатиб

келмоқдалар. Турапова Маҳбуба Мухитдиновна ҳозирда 13 нафар набиранинг бувиси ҳамдир.



## **Азиз ХАМРАҚУЛОВ**

Хамрақулов Азиз Хамрақулович 1950 йил 17 январда Жиззах туманининг Сарайлик қишлоғида туғилган.

1966 йил Жиззах туманидаги 6 – ўрта мактабни битириб, Самарқанд Давлат Университетининг Механика ва математика факультетига ўқишга киргвн.

1971 йилдан Жиззах туманидаги 6-мактабда ўқитувчи, 1975 йилдан Самарқанд давлат педагогика институтида ўқитувчи, 1979 йилдан Тошкент политехника институтида стажёр-изланувчи, аспирант, бўлган.

1984 – йил профессор Победрa Б.Е., профессор Бадалов Ф.Б., раҳбарлигида “Эластиклик назариясининг баъзи масалаларини кучланишда ечилиши” мавзусида (физика – математика) номзодлик ишини ёқлаган.

1984 йилдан Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида ўқитувчи – доцент вазифасида ишлаган. 1987 йилдан эса Самарқанд давлат педагогика институтида катта ўқитувчи.

У 1992 йилдан яна Жиззах Политехника институтида катта ўқитувчи, Олий математика кафедраси мудирини вазифаларида ишлаган.

1996 йилдан нафақада.



## Мелибой КАМОЛОВ

Иқтисод фанлари номзоди, доцент Мелибой Норматович Камолов 1950 йил 23 февралда Жиззах туманида туғилган. 1967 йилда Ш. Рашидов (собик Наримонов) номли мактабни тамомлаган.

Сўнгра 1972 йилда Самарқанд давлат университетининг География факультетидаги, иқтисодий география бўлимини муваффақиятли тамомлаган.

У 1973 йилдан Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги 5 – сонли умумтаълим мактабида, 1974 йилдан Жиззах шаҳар 6 – сонли умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1979 йилдан бошлаб эса Жиззах туманидаги Жданов номли давлат хўжалигида директор ўринбосари, 1985 йилдан Жиззах индустриал техникумининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1993 йилдан Жиззах давлат педагогика институтининг иқтисодиёт назарияси кафедрасида катта ўқитувчи, 1994 йилдан Жиззах политехника институтининг Ижтимоий фанлар кафедраси мудири лавозимларида ишлади.

Мелибой Камолов 1997 йилдан бошлаб яна Жиззах давлат педагогика институтининг иқтисодиёт назарияси кафедрасида доцент, 2005 йилдан то ҳозирги кунгача Жиззах давлат педагогика институти-нинг “География ўқитиш методикаси” кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Мелибой Камолов 1992 йилда “Хўжалик юртишнинг янги шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш” (Жиззах вилояти мисолида) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Шу кунгача 72 та илмий ва услубий ишлар муаллифидир, Шундан 4 таси ўқув қўлланма, 19 таси услубий қўлланма ва 45 та илмий мақолалардир.



## Бахти УРДУШЕВА



Кимё фанлари номзоди, профессор Бахти Урдушева 1951 йилнинг 23 декабрида Жиззах туманига қарашли Ҳамид Олимжон номли колхозда тугилган. 1957 йилда Жиззах туманидаги 12 – ўрта мактабнинг 1 – синфига ўқишга бориб, 1967 йили мактабни тамомлаган. Ўша йили Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг кимё факультетига ўқишга кириб, 1972 йилда университетни имтиёзли диплом билан битирган.

У 1972 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институтида катта лаборант, Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси лавозимларида ишлаган. 1978 йилдан Тошкент политехника институтининг Жиззах филиали лаборанти, “Кимё” кафедраси катта ўқитувчиси, “Кимё ва кимёвий технологиялар” кафедраси мудири, Саноат технологияси факультети декани, “Кимёвий ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлар технологияси” кафедраси доценти лавозимларида ишлаб келди.

Тажрибали педагог Бахти Урдушева қарийб 42 йил ёш авлодга кимё фанидан таълим берди. Устоз ўз иш фаолияти давомида касбдошлари билан ҳамкорликда кўплаб дарсликлар муаллифи ҳамдир. Буларга мисол қилиб “Амалий электрокимё” дарслигини айтишимиз мумкин. Шунингдек, у “Кимёвий ток манбалар”,

“Аккумулятор батареялари” каби китобларни рус тилидан таржима қилган, 15 дан ортиқ ўқув услубий қўлланмалар ва кўрсатмалар тайёрлаган. 70 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган.

У факультет декани сифатида талабалар ўртасида миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш, ватанга, халққа содиқ, баркамол, мутахассислар тарбиялаш йўлида фидойилик билан меҳнат қилган.

Б. Урдушева вилоят олима аёллар кенгашининг аъзоси ва олима сифатида ўзи меҳнат қилган “Кимё технологияси” кафедрасида бажариладиган давлат гранти ва хўжалик шартномаси бўйича бажариладиган ишларда раҳбар ва аъзо сифатида фаол иштирок этиб келди. Таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини институтда йўлга қўйиш мақсадида бевосита унинг раҳбарлигида Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатаётган ЎзЭКССАЙД корхонасида кимёвий технологиялар йўналиши бўйича таълим олувчи талабалар билан амалий дарслар ва лаборатория машғулотларини ўтган. Ташаббускор олиманинг саъй – ҳаракатлари билан у раҳбарлик қилган даврда факультетда А.Беруний номидаги стипендиатлар ва Республика ва халқаро фан олимпиадаси ғолиблари етишиб чиқди.

Б.Урдушева институтда олиб борган илмий ва илмий педагогик соҳадаги ютуқлари учун Жиззах политехника институти “Фахрий профессори” унвонига сазовор бўлди. 2001 йилда ўрнатилган бўларли меҳнатлари учун “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Бахти Урдушева 5 нафар фарзанднинг онаси 3 нафар ўғли 2 нафар кизи бор. Улар ҳозирда Республикамизнинг саноат тармоқларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У киши ҳозирда 13 нафар набиранинг ва 2 нафар эваранинг бувиси ҳамдир.



Меҳнат фахрийси Шарим Тағайбеков, вилоят жомий масжидининг  
имами ва институт директори билан мулоқотда




Вилоят ҳокими Эргаш Солиев сиёсий партия вакиллари билан  
мулоқотда



доц. Махмуд Туропов шогирдлари билан



Профессор Иброҳим Содиков ҳамкасблари билан





доц. Тиркаш Эшонкулов 1 сентябр-Билимлар куни тадбирида



доц. Примкул Кулмагов, Кувондиқ Уралов, Маматқобил Облқосимов ва  
доц. Мамажон Позиловлар “Навруз” умумхалқ байрамида.



“Умумтехника фанлари” кафедраси фахрийлари  
байрам дастурхонида



Эгамкул Қаршиев мастер класс машғулотида



Институтнинг илмий анжуманида



Фахрийлар учрашувидан лавҳа



Олий математика кафедрасида илмий семинар



## Тўлқин ҚАЮМОВ



Иқтисод фанлари номзоди, катта ўқитувчи Қаямов Тўлқин 1952 йилнинг 3 январь кунин Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилган. 1958 йили М.Горький номидаги ўрта мактабнинг 1 – синфига ўқишга бориб, ушбу мактабни 1968 йилда битирган. Шу йили М.Улуғбек номидаги Самарқанд давлат Архитектура қурилиш институтига ўқишга кирган.

Тўлқин Қаямов 1973 йили институтни тамомлаб, йўлланма бўйича Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги Гулистон қурилиш техникумига ишга борган, йўлланма муддати тугагач, 1975 йилдан 1980 йилгача Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги Йўл қурилиш ташкилотиде фаолият кўрсатган.

У 1980 йили А.Р.Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалига ассистент лавозимида ишга қабул қилинди. 1986 йилдан 1992 йилгача “Қурилиш конструкцияси” кафедрасини бошқарди. 1988 йили Ўзбекистон Руспубликаси Фанлар Академияси қошидаги “Кибернетика” институтида “Моделирование перспективного планирования капитального строительства региона” мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ўнлаб илмий мақолалар ва услубий кўлланмаларнинг муаллифидир. 1997 йилдан 2007 йилгача Жиззах политехника институти қошидаги Минтақавий Бизнес мактабиде Менежмент кафедраси билан ҳамкорликда фаолият юритди.

Тўлқин Қаямов 2012 йилдан бошлаб нафақа гаштини сурмоқда.



## Парда ШУКУРОВ



Мехнат фахрийси. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат курсатиш аълочиси кўкрак нишони соҳиби, “Антик дунё” илмий академияси доктор – профессори, илмий академия лауриати. Парда Шукуров 1953 йилда Жиззах тумани (ҳозирда Ш.Рашидов тумани) Мулканлик

махалласида дехкон оиласида таваллуд топди.

1970 йилда 16 – сонли мактабни тугатиб, Тошкент политехника институтининг геология – қидирув факультетига ўқишга кирди. Мазкур институтни 1975 йилда тугатиб, геолог – тоғ муҳандиси касбига эга бўлди. Дастлаб Бухоро вилоятининг Зарафшон шаҳри Мурунтау шаҳарчасидаги “Қизилқум” геология қидирув экспедициясида бўлим бошлиғи вазифасида меҳнат фаолиятини бошлади.

1986 йилда вилоят партия кўмитасининг қурилиш бўлимида масъул ходим сифатида ишлаш билан бир вақтда Жиззах Политехника Институтининг Сиртки бўлимидаги талабаларга “Мухандислик геология” фанидан маърузалар ўқиди.

Парда Шукуров – Жиззах политехника институтининг “Автомобил йўллар қуриш” кафедрасининг катта ўқитувчиси сифатида ёшларга “Мухандислик геология”, “Петрография”, “Гидрогеология” асослари ва “Грунтлар механикаси” фанларидан маърузалар ўқиди талабаларга тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш шароитлари, хоссалари ва тарқалиш қонуниятларини ўргатди. Институт қармоғидаги Нурота тоғ тизмасининг “Жилли – гули” мавзейида жойлашган амалиёт ўташ масканида амалий

машғулотларни ўтказиш билан талабаларда назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлашга эришди.

Институтда ташкил қилинган илмий конференцияларда фаол иштирок этди. Республика ва хорижда журналларида мақолалар эълон қилди.

Парда Шукуров ўз иш фаолиятида ичимлик сувини ишлаб чиқиш, истеъмол учун тайёрлаш технологияларини ўз мақолаларида ёритиш билан Жиззах воҳаси тарихига оид мақолалар ёзиб, “Антик дунё” журналида нашр эттиришга эришди. Натижада у мазкур академия доктори – профессори ва лауриати унвонларини олишга муяссар бўлди.

Парда Шукуров жамиятдаги ўрнини яхши билган, масъулиятни чуқур ҳис қилувчи, ўз вазифасига виждонан ёндошувчи, келажакни аниқ талқин этиш қобилиятига эга инсон. Шунинг учун ҳам у ўзининг илмий салоҳиятини, кўп йиллик тажрибасини йирик лойиҳаларни тайёрлаш ва ҳаётга тадбиқ этишга бағишлади.

Жумладан, Зомин сув омбори ҳисобига Зомин, Даштобод шаҳарлари ва тумандаги қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш, Жиззах шаҳри аҳолиси ва ижтимоий объектларни ичимлик суви билан таъминлаш, “Кўйтош” сув узатиш иншоотини реконструкция қилиш, Жиззах шаҳар канализация тизимини реконструкция қилиш ва “Зарафшон” дарёси суви ҳисобига Жиззах вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш лойиҳаларини тузиш, барпо этишда бош – қош бўлди. Мазкур лойиҳалар асосида политехника институти талабаларининг битирув лойиҳа ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнида раҳбарлик қилди ва давлат имтиҳонлари комиссиясининг раиси, раис ўринбосари сифатида самарали меҳнат қилди. Бундан ташқари, иқтидорли талабаларни танлаб олиб, малакали кадрлар тайёрлашда мураббийлик қилиб келмоқда.

Меҳрибон мураббий кўп йиллик фаолияти давомида етук мутахассис сифатида ўзини номоён этди ва бугунги кунда ҳам сафимизда самарали меҳнат қилмоқда.



## Пардабой БЕРДИБЕКОВ

Иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Пардабой Кудайбердиевич Бердибеков 1954  
йилнинг 12 мартда Бахмал туманидаги Қора  
– сув қишлоғида туғилган. 1961 – 1971  
йилларда 8 – сонли умумий ўрта таълим  
мактабини битирди. 1973 йилда Низомий  
номли Тошкент Давлат педагогика институтини тугатди.

1978 йилдан Жиззах давлат педагогика институтида фаолият  
кўрсатган. 1981 йилдан 1984 йилгача Москва шаҳридаги ВНИИПОУда  
(Всесоюзный научно-исследовательский институт проблем  
организации управления) аспирантурада ўқиди. 1987 йилда  
номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1991 йилда доцентлик  
илмий даражасини олди.

1989 йилдан Жиззах давлат педагогика институтининг “Ишлаб  
чиқариш асослари” кафедраси мудири, 1992 йилнинг сентябрь ойидан  
бошлаб Жиззах политехника институтининг “Теплотехника ва  
гидравлика” кафедраси мудири бўлиб фаолият кўрсатди.

Пардабой Бердибеков 1995 йилдан Жиззах политехника  
институти қошидаги “Бизнес мактаби” директори, 2004 йилдан Жиззах  
политехника институти “Иқтисодиёт” факультети декани, 2008 йилдан  
“Менежмент” кафедраси доценти лавозимларида ишлади.

У 2011 йилдан 2018 йилгача Жиззах ўқитувчилар малакасини  
ошириш ва қайта тайёрлаш институтида “Ижтимоий фанлар”  
кафедраси мудири бўлиб фаолият кўрсатди.

У вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда фаол  
қатнашиб келади. 100 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва

Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган. 2 та монография, 2 та қўлланма, 5 та ўқув – услубий кўнанима, 20 дан зиёд услубий тавсиялар эълон қилган.

Пардабой Бердибеков фидойи, камтарин, жонкуяр олим. Ташкилотчилик, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан вилоятимиз аҳолиси орасида хурмат қозонган.



## Тиркаш ЭШОНҚУЛОВ

Техника фанлари номзоди, доцент Тиркаш Эшонқулов 1954 йил 15 мартда Самарқанд вилоятининг Нурота тумани (айни пайтда Навоий вилояти) да туғилган. Ўрта мактабни 1972 йилда тугаллаган. 1972 – 1977 йилларда Тошкент политехника институтини “Инженер математик” ихтисослиги бўйича тамомлаган.

У 1980 – 1983 йилларда ЎзНПО “Кибернетика” АН УзССР ва “Проблем Управление” АН СССР аспиранти бўлган. 1984 йил “Адаптивные алгоритмы вычисления аценок и выделения особенности” мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилиб техника фанлари номзоди даражасини олган.

Тиркаш Эшонқулов 1983 йилдан Тошкент политехника институти Жиззах филиалида олий математика кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи ва кафедра мудири лавозимларида ишлаган.

1988 йилдан бошлаб Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, Жиззах политехника институти кечки – сиртки бўлими бўйича ректор ўринбосари бўлиб ишлаган.

1995 – 2012 йилларда доцент, “Менежмент” кафедраси мудир, 2012 – 2013 йилларда эса “Бошқарув” факультети декани лавозимларида ишлаб, 2014 йил нафақага чиққан.

Тиркаш Эшонкулов иш фаолияти давомида 2 та монография, 100дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи бўлган. Бир неча лойиҳалар устида иш олиб борган ва кўплаб шогирдлар етиштирган.

У институт ва кафедранинг ёш ўқитувчилари ва иқтидорли талабаларига илмий – тадқиқот ва услубий фаолиятларида ёрдам бериб келмоқда. Мунтазам равишда ёш ўқитувчиларнинг машғулотларини таҳлил этиб, уларга услубий ёрдам кўрсатган.

Тиркаш Эшонкулов 4 нафар фарзанднинг отаси. Шунингдек, 11 нафар набираларнинг бобоси ҳамдир.





## Шахобиддин ЭГАМКУЛОВ

Шахобиддин Шерқўзиевич Эгамкулов Олий математика кафедраси катта ўқитувчиси бўлган. У 1954 йилнинг 1 апрелида Жиззах туманида туғилган. 1961 йилдан 1969 йилгача Жиззах туманидаги А.С.Пушкин (ҳозирги Н.Сафаров) номли 2 – умумий ўрта таълим мактабида ўқиган.

У 1969 йилда Жиззах педагогика билим юртининг “Бошланғич таълим” йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинди. Бу билим юртини “имтиёзли” диплом билан битириб, шу йили Алишер Навоий номидаги СамДУнинг “Механика – математика” факультетига ўқишга кирди. 1978 йилда уни муваффақиятли тамомлаб “Математик” мутахассислигига эга бўлди.

Ш. Эгамкулов 1978 йилдан Жиззах туманидаги 2 – умумий ўрта таълим мактабида математика ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1981 йилнинг декабрь ойидан ТошПИнинг Жиззах филиалида “Олий математика” кафедраси ўқитувчиси, 1997 – 2002 – ўқув йилларида “Тайёрлов курси” декани, 2002 йилдан “Олий математика” кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларида ишлади.

Институтдаги фаолияти давомида “Мураббийлар кенгаши” раиси, кафедранинг ЖизПИ қошидаги “Академик лицей” филиалида ўқитувчи бўлиб, янги педагогик технологиялар асосида лицей талабаларига дарс берди. Кафедра билан лицей ўртасидаги илмий педагогик ҳамкорликни амалга оширди.

Ш.Эгамкулов доимий равишда ўз малакасини сиёсий, иқтисодий ва илмий-назарий жиҳатдан савиясини ошириш йўлида қатъият ва сабр – тоқат билан ишлади. 1986 йилда 2 ойлик ЭҲМ ўрганиш бўйича, 1987 – 1993-йилларда 3 ойлик мутахассислиги бўйича ҳозирги ЎзМУда, 1996 йилда “Қимматли қогозлар” бозори бўйича мутахассислар тайёрловчи “Миллий марказда”, 2003 йил, 2006 йил ва 2010 йилларда А.Навоий номидаги СамДУ “Минтақавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази”да малака ошириш курсларида ўқишда бўлди.

У 1987 йилдан Қори – Ниёзий номли педагогика фанлари илмий текшириш институтининг илмий изланувчиси бўлиб, “Математикани ўқитишда талабаларнинг муҳандислик касбий – интеллектуал сифатларини ривожлантириш” мавзусида илмий – тадқиқот ишлари олиб борди.

Ш.Эгамкуловнинг 40 дан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. Шулардан, 21 таси услубий кўлланма, 4 таси услубий кўрсатма, 15 таси илмий ишлар ҳисобланади.

Ш. Эгамкулов билимли, қобилиятли, мақсадга интилувчан, талабчан, журъатли, тўғрисиўз, маънавий етук, ўз дўстларига нисбатан доимо меҳрибон ва ғамхўр.

Унинг 3 ўғили ва 3 қизи бор. 14 нафар неваранинг сеvimли бобоси. Ҳамма фарзандлари олий маълумотли.



## Хосият МУСТАФОЕВА



“Назарий механика” кафедраси катта ўқитувчиси бўлган Хосият Мухитдиновна Мустафоева 1954 йил 6 ноябрида Жиззах шаҳрида таваллуд топган. 1972 йилда Самарқанд шаҳридаги 13 – сонли мактабни битириб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг механика – технология факультетига ўқишга кирган.

У 1982 йилдан Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалидаги “Назарий механика” кафедрасида “Материаллар қаршилиги” фанидан дарс берган. 1988 йилда Москва Бауман техника университетида 4 ой муддатга “Материаллар қаршилиги” фанидан малака ошириб қайтди. Шу йили Москвада Н. Косигин номидаги тўқимачилик ва енгил саноат институтида илмий ишини бошлади. 4 та илмий мақоласи “Текстильный и легкой промышленности” журналинда чоп этилди. 2 та илмий мақоласи Республика журналларида чоп этилди. 21 та услубий кўрғазма, 8 та илмий – услубий кўрсатмаларни эълон қилди.

Хосият Мустафоева илмий кенгаш котиби, институт хотин – қизлар уюшмаси раиси, бир неча йиллар мобайнида илмий – услубий кенгашда раислик қилиб жамоат ишларида фаол қатнашган. 1993 йилда институтда унинг ташаббуси билан енгил саноат технологияси мутахассислиги очилди. У бир неча лабораториялар ва шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлашга катта хизмат қилган.

Хосият Мустафоева ҳозирги кунда нафақада бўлишига қарамай вилоятда ташкил топган тўқимачилик фабрикаларининг умумий аҳволи билан қизиқиб келади.

У фидойи, камтарин, жонкуяр мутахассис. Институт жамоаси ҳамда вилоятимиз аҳолиси орасида ҳурмат қозонган.



## Уммат ХОЛБОВ



Техника фанлари номзоди, доцент  
Уммат Холбоев 1955 йилнинг  
10 январида Ғаллаорол туманида туғилган.  
1971 – 1972 йилларда Ғаллаорол туманидаги  
32 – сонли ўрта мактабни тамомлаган. 1980  
йилда Самарқанд Давлат архитектура ва  
курулиш институтидagi “Мухандис – иқтисод” факультетининг  
“Иссиқлик газ таъминоти ва шамоллатиш” йўналишини  
тамомлаган.

У 1980 йилда Ғаллаорол туманидаги Зарбулоқ Давлат хўжалиги  
директори муовини лавозимида иш фаолиятини бошлаган. 1981  
йилдан Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида “Сув  
таъминоти ва канализация” кафедраси ассистенти, шу институтда  
стажёр тадқиқотчи, Тошкент политехника институти аспиранти, “Сув  
таъминоти ва канализация” кафедрасида катта ўқитувчи вазифаларида  
фаолият юритган.

У 1992 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаб техника  
фанлари номзоди даражасини, 1993 йилда эса доцентлик унвонини  
олган.

1993 йилдан Жиззах политехника институти “Меҳнат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш” кафедраси доценти, 2000 йилдан “Муҳандислик коммуникациялари” кафедраси мудири лавозимларида ишлаган.

У.Холбоев 2002 йилда Техноген объектлар таъсирида “Мирзачўл минтақасида табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш системамининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш” мавзусида ютиб олинган 5 млн.сўмлик давлат гранти лойиҳаси раҳбарлик қилди.

У.Холбоев 2010 йилда “Фуқаро муҳофазаси”, 2011 йилда “Иссиқлик, газ таъминоти ва шамоллатиш тизимлари”, номли ўқув қўлланмаларини чоп этдирган. У институт, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда фаол қатнашиб келмоқда. Унинг 50 дан зиёд илмий мақола ва тезислари халқаро ва Республика илмий амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган. 10 га яқин илмий – оммабоп мақолалари Республика ва маҳаллий босма оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган. 2 та қўлланма, 20 та ўқув – услубий кўрсатма, 10 дан зиёд услубий тавсиялар муаллифидир.

У Жиззах вилоятидаги маҳаллаларда қайта тикланувчи энергия манбаъларини қўллаш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш асослари, газ ва иссиқликни тежаш ва бошқа кўплаб мавзуларда ўз маърузалари билан чиқишлар қилиб келмоқда.

У фидоий, жонкуяр олим, ташкилотчи, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан вилоятимиз аҳолиси орасида ҳурмат қозонган.



## Райим ИМАМОВ



“Менежмент” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган Райим Имамов 1955 йил 14 июнда Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Устихон қишлоғида туғилган.

Фориш тумани халқ таълимига қаршли Муқимий номли 15 – ўрта мактабда таълим олган.

У Мактабни битирганидан сўнг, 1972 йилдан Қозоғистон Республикасининг Жетисой шаҳрида жойлашган “Казсельхозтехника” бошқармасида ишчи бўлиб ишлаган. 1974 – 1976 йилларда армияси сафида хизмат қилган.

У 1976 йилда Тошкент политехника институтининг Саноат ва фуқаро қурилиши факультетига ўқишга кириб, уни 1981 йилда муваффақиятли тугатган.

Райим Имамов 1981 йилда йўлланма билан Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалига ассистент лавозимида ишга келган. У дастлаб “Архитектура”, “Қурилиш конструкциялари” фанларидан маъруза ва амалий машғулотларни олиб борган. 1992 йилдан то нафақага чиққунча Жиззах политехника институтининг “Менежмент” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келган. У “Қурилиш иқтисоди”, “Қурилишни ташкил этиш ва бошқариш”, “Маркетинг” ва “Менежмент” фанларидан маъруза ва амалий машғулотларни олиб борган.

Райим Имамов 1988 – 1992 йилларда Москва коммунал хўжалик ва қурилиш институти аспирантурасида таҳсил олди. Илмий тадқиқот

ишлари билан шуғулланиб ҳозиргача 50 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезисларини халқаро ва республикамиз журналларида, илмий ва амалий анжуманлар тўпламларида эълон қилди.

У Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкентдаги филиалидаги “Меҳнат иқтисодиёти ва бошқарув” кафедраси мудир, и.ф.д. проф. Умурзақов Б.Ҳ. раҳбарлигида “Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги докторлик диссертациясини, Тошкент иқтисодиёт илмий текшириш институти қошидаги “Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича ихтисослашган кенгашга ҳимоя қилиш учун топширган. У “Меҳнат бозорини тартибга солиш ва ишсизликни камайтириш йўллари” мавзусидаги монографиясини чоп этдирди.

У ўз ишига маъсулият билан ёндошиб кафедра, факультет ва институт раҳбарияти томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажариб келган. Шунингдек, у ҳамкасбларига ва ёшларга меҳрибон устоз, яқин дўст сифатида ўқитиш даражаси ва сифатини оширишда, таълим меъёрлари ва дастурларини ўзлаштиришда, талабаларни тарбиялашда ўз тажрибаларини ҳозиргача ўргатиб келмоқда.

Имамов Райим оилали тўрт фарзанднинг меҳрибон отаси.





## Фарход МАМАТҚУЛОВ

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Фарход Маматкулов 1957 йилнинг 3 августида Жиззах туманида туғилган. 1964 – 1974 йилларда Жиззах шаҳридаги Зокиржон Фурқат номли 14 – ўрта мактабни тамомлаган.

У 1978 йилда Жиззах давлат педагогика институтининг Математика факультетини тамомлаган ва математика фани ўқитувчиси мутахассислигини олган. 1978 йилдан Жиззах давлат педагогика институтида кабинет мудир, 1979 йилдан Тошкент давлат университети Фалсафа факультетининг сиртқи бўлими аспиранти бўлиб, 1988 йилда “Корреляция категориясининг методологик таҳлили” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Фарход Маматкулов 1990 йилдан Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалидаги “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудир. 1991 йилдан А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти лавозимларида ишлади. 2001 йилдан Жиззах шаҳар “Енгил саноат” касб – ҳунар коллежида директор бўлди.

У 2007 йилдан яна А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти лавозимида ишлади. 2011 йилдан эса Тарих факультетида ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимида ишлади.

Фарход Маматкулов 2013 йилдан мазкур институт қошидаги Вилоят Ўрта махсус касб – ҳунар таълими бошқармасининг “Педагог

кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш” факультети декани, 2018 йил сентябрь ойидан ҳозирги кунгача А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

Фарход Маматкулов 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, 2004 йил Ўрта махсус касб – ҳунар таълими аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланган.

У Илмий фаолияти давомида 70 дан зиёд илмий мақолалар ва тезисларини эълон қилди, 10 дан ортиқ услубий қўлланмалар муаллифидир. 2004 йилда Индонезия ва Австралия давлатларида малака оширган. 2019 йилда Польша давлатида матбуотида “Фарзанд тарбиясида оилавий муносабатлар” мавзусидаги мақоласи нашр этилди.

У Жиззах вилоятидаги институт, коллеж, лицей талабалари олдида ва маҳаллаларда оила, фарзанд тарбияси масалалари юзасидан кўплаб тадбирлар ташкил этиб, уларда ўз маърузалари билан чиқишлар қилиб келмоқда.

Фарход Маматкулов камтарин, ташкилотчи, ва илмий ижодкорлик қобилияти билан вилоятимиз аҳолиси орасида хурмат қозонган.





## Бахтиёр ЭШОНҚУЛОВ



“Жисмоний тарбия” кафедраси ассистенти Эшонқулов Бахтиёр 1960 йил 7 майда Жиззах вилояти, Жиззах туманида таваллуд топган. 1982 йилда Жиззах давлат педагогика институтига ўқишга қабул қилинди. 1982 йилда Дўстлик туманидаги М.Горький номли мактабда жисмоний тарбия фани ўқитувчиси бўлиб иш фаолиятини бошлади. 1990 йилда Жиззах шаҳридаги Х.Абдужабборов номли мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси лавозимида иш фаолиятини олиб борди.

1991 йилдан Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалида “Умуммухандислик фанлари” кафедраси ўқитувчиси, “Жисмоний тарбия” кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларида ишлаб келди. 1995 йилдан Жиззах вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси этиб тайинланди. 1999 йилдан “Жисмоний тарбия” кафедраси ассистенти, катта ўқитувчи лавозимларида иш фаолиятини давом эттирди.

У фаолияти давомида спортнинг баскетбол тури бўйича кўплаб шогирдларни чиқарди. 2017 йилдан нафақага чиқиб, ҳозирда кексалик гаштини сурмоқда.

У ўзининг илмий – педагогик фаолияти даврида кўплаб мақолалар эълон қилди.



3 – ҚИСМ  
КЕКСАЛИККА БАҒИШЛАНҒАН ШЕЪРЛАРДАН  
АЙРИМ НАМУНАЛАР

**Ҳикмат**

Сочга бир – бир оқ тушмоқдадир,  
Бундан кўнгил ёришмоқдадир.  
Қор бўларми пастқам тоғларда,  
Бошим кўкка туташмоқдадир.  
Улкан тоғда қор салтанати,  
Теграсида сор салтанати.  
Ойдин йўлга чиққан карвонсиз  
Бўлармиди нор салтанати.  
Чўнг чўкқилар йил бўйи қорли,  
Бағри мудом нурли, шунқорли,  
Она ернинг сийнаси қорсиз  
Бўлабилмас боғли, баҳорли.  
Ҳикмат асли сочининг оқлиги,  
Эзгуликка эш, чанқоқлиги.  
Шукронаким, қолган умрнинг  
Тунмас, тонгга ёвукроқлиги.  
Қор тамоми кўнмишдир бошга,  
Қарамасдан кўнгилга, ёшга.  
Буюк тоғлар мисоли бошим  
Яқин бўлар энди қуёшга.

*Тўра СУЛАЙМОН*



## Қадри баланд кексалар

Бугун аталдингиз сиз ёши улуғ.  
Муборак ёшингиз бўлсин – да қутлуғ.  
Энди бўлинг доим иззат – ҳурматда.  
Биз эса турайлик сизга хизматда.  
Тарк этмасин сизни соғлик ва сифат,  
Юраверинг омон, бериб насиҳат.  
Ўгит эрур асли ҳар бир сўзингиз,  
Бош бўлинг бизларга мудом ўзингиз.  
Роҳату фароғат таъмин тотингиз,  
Шу улуғ Ватанда қадр топингиз.  
Ёруғ кунларимиз қувончи бўлинг.  
Набиралар бахту камолин кўринг.

*Дурдонабону АБДУМУТАЛОВА*



## Ҳазрати инсон

Умрлар бўларлар мазмунга тўла,  
Инсонлар бўлади қалбида шуъла.  
Беҳуда ўтказмас умрини бир он -  
Одамни атарлар – Ҳазрати инсон.

Илму маърифатдан яратар бир боғ,  
Ёнимизда юрурлар мисоли бир тоғ,  
Қилган ҳар ишидан кўнгил бўлур чоғ,  
Аларни атарлар – Ҳазрати инсон.

Хатолардан сабоқ олмоқлик одат,  
Шогирдлар камоли эрур саодат,  
Босган ҳар қадами барчага ибрат,  
Мақсадга етарлар - Ҳазрати инсон.

Яхшилар эрурлар камтар, камсукум,  
Бир сатр битмайин кўкрак керган ким,  
Ёмондан ҳамма вақт кечмоқлик мумкин,  
Сиздан кечмоқ гуноҳ - Ҳазрати инсон.

*Бахтигул РАШИДОВА*



## Шукрона

Ортимга боқаман, ўтибди умр,  
Оллоҳим, барига-барига шукур.  
Ҳар бир умрда бўлармиш ҳикмат,  
Қай бир шогирдга бўлдим ибрат.  
Босиб ўтган умрим синовли муддат,  
Борига-ю, йўғига қилдим қаноат.  
Тақдирнинг ҳукмига этдим итоат,  
Умрнинг кўп они ўтдилар хушбахт.  
Кимнингдир кўнглини эта олдим хуш,  
Иззату - ҳурматдан гоҳ бўлдим сархуш.  
Устоз бўлиб боғландим, ёш дилларга,  
Меҳрни улашдим, турли феълларга.  
Умрнинг мазмунин меҳнат деб билдим,  
Шул кунга меҳнату-заҳмат-ла келдим.  
Афсусга не ҳожат, надомат нечун,  
Мен олов бўлсам гар, шогирдлар учқун.  
Ҳаёт сўқмоғида ўтган ҳар куним,  
Опичлаб юрибман виждоним юкин.  
Ўтган ҳар лаҳзамдан бу кўнгил тўқдир,  
Кул бўлган онларнинг остида чўғдир.  
Олов бўлар бир кун, исинар кимлар,  
Эзгулик шамини тутгучи улар.  
Эзгуликка бахшида бўлсин бу умр,  
Бу йўлда ҳоритма, ўзинга шукур!

*Бахтигул РАШИДОВА*





#### 4 – ҚИСМ КИТОБ МАЗМУНИ ҲАҚИДА ФИКРЛАР

*Сафар РЎЗИБОЕВ,*

*институт фахрийлар жамоатчилиги  
Кенгаши раиси, педагогика  
фанлари номзоди, доцент.*

#### **Савобли иш**

Дунё ўткинчи. Ҳеч ким дунёга устун бўлмайди. Ҳар бир одам бу дунёда ўзининг касб- коридан мамнун бўлиб, ҳаётдан рози бўлсин. Аммо бунинг учун у ҳаётида арзийдиган ишлар қилиши керак. “Мен кимман, ҳаётимда нима ишлар қилдим. Мендан авлодларимга нима қолаётимди” деган саволларга бемалол жавоб бермоғи учун у умри давомида кўплаб савобли ишларни қилишга шошилиши керак !

Савоб ва гуноҳ. Улар ораси бир қадам эканлигини ўйлаб қоласан киши. Кимдир савобли ишлар қилиб, Тангрининг марҳамати – ю бандасининг олқишига, дуосига сазовор бўлса, кимдир гуноҳлари учун тавки лаънатга қолади.

Ушбу китоб муаллифи ҳамкасбимиз Равшан Хидоятгов жуда аъло даражадаги хайрли ишга кўл урди, муаллиф бу китобда институтимизда кўп йиллар фаолият кўрсатиб, жамоада ҳурмат қозонган, нафақа ёшида бўлсада, педагогика фаолиятини давом эттираётган ҳамда нафақага чиқиб, кексалик гаштини сураётган фахрий педагог олимлар ва ходимлар ҳақида ҳикоя қилишга, бу билан жонажон олийгоҳи тарихи билан ҳозирги ёшларни таништиришга интилган.

Ҳадисларда айтилишича, “Олимларни улуғлаган мамлакатнинг келажаги буюқдир”. Қўлингиздаги китобда қарийб ярим аср давомида Жиззах политехника инстутида ёшларга таълим -тарбия берган профессор – ўқитувчилар, олийгоҳда кўп йиллар самарали меҳнат қилган устозлар фаолияти билан танишасиз.

1977 йил июль ойида Тошкент политехника институтининг Жиззах филиали очилган эди. Филиал директорлигига техника фанлари доктори, профессор Неъматжон Тошланов тайинланди.

Филиал 1992 йилда Жиззах политехника институтига айлантирилди.

Мустақил институт мақоми берилган кунга қадар филиал директори лавозимида марҳум профессор Ф.Қ.Қурбонов, доцент С.И.Икромов, доцент А.Ю.Салимовлар фаолият кўрсатишди. Айни кунда ҳам сафимизда жонбозлик кўрсатаётган профессор У.Ю.Юлдошев, доцент М.Т.Туроповлар ҳам филиалга раҳбарлик қилишганди.

1992 йилдан то 2002 йилгача мустақил олийгоҳ ректори лавозимида марҳум академик Н.Р.Рашидов, 2002 – 2012 йилларда профессор И.С.Содиқов ишлади.

2012 йилдан институт фаолиятида кескин ўзгаришлар бўлди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Жиззах политехника институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қароридан сўнг олийгоҳимизнинг моддий техника базаси мустаҳкамланиб, таълим – тарбия жараёни такомиллашди. 2012 – 2016 йилларда институтга доцент Э.А.Салиев, 2016 йилдан эса, техника фанлар доктори, профессор А.Қ.Усманкулов раҳбарлик қилиб келмоқда.



**Нормурод АЛИМОВ,**

*Жиззах политехника институти  
Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори,  
педагогика фанлари номзоди, доцент.*

## **Офарин!**

Бугунги кунда Равшан ака Хидоятлов олти фарзандни тарбиялаб оиласини уй – жойли қилиб, жой-жойига қўйган ота сифатида пенсия гаштини суриб юрса бўларди. Аммо ўзига талабчан, масъулиятли инсон илм – изланиш йўлидан бориб Мир Алишер Навоий ҳазратлари айтганидек, “Хунарни асрабон нетгумдир охир...” дея ўз фаолиятини давом эттириш баробарида, сўнгги икки йил ичида “Аждоду авлодларим” номли китобини, “Ниёзмат қишлоқ хангомалари”, “Эсдан чиқмас хангомалар”, “Маънавиятли раҳбар, у қандай бўлиши керак?” номли қатор рисолаларини чоп эттириб ўз мухлисларига тортиқ қилиб улгурди.

Бу – бугунги зиёлининг ўз замондошларига тухфасидир. Бу ҳаётда яратганининг берган улуғ неъматидан шукроналик туйғуси бўлса ажабмас.

Равшан ака бор жойда ҳалоллик, катталарга хурмат, оилага эҳтиром, ёшларга чексиз намуна юксаклигини ҳис этиб тураман. Шунингдек, ўз ишига чинакам ботиний садоқат туйғусини кўраман.

Мен Равшан Хидоятловнинг “Номлари муҳрланган устозлар!” номли китобини синчковлик билан танишиб чиқар эканман, унда 80 дан ортиқ профессор – ўқитувчиларнинг фаолияти, илмий ижоди баён қилинганлигининг гувоҳи бўлдим. Бу жуда хайрли иш, зеро, бу китоб билан танишиб чиққан ёш китобхонлар ўз устозларига ҳавас қилиб, ўзлари ҳам шу инсонлардай жамият учун, Ватан учун муносиб хизмат қилишга интилиши тайин.

Равшан ака, Сиз фидойи инсонсиз, бундай хайрли ишларни қилишдан, ижоддан, изланишдан ҳеч қачон тўхтаманг, доимо соғ – саломат бўлинг! Сизга ОФАРИН! Институт фахрийлар жамоатчилиги кенгашининг бундай ташаббуси жамоатчилик олқишига сазовордир.

**Бахти РАШИДОВА,**  
*Жиззах политехника институти  
Ёшлар билан ишлаш, маънавият  
ва маърифат бўлими бошлиғи*

## **Яхшидан боғ қолади**

Халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган ҳикматли сўз бор. Инсон бу дунёда яшар экан, шунчаки, ўткинчилардек яшамаслиги, ўзлигини топиши, ортидан эзгу амаллар қолдириши лозим деб ҳисоблайман.

“Яхшиларга эргашиб топмадим зиён,” деб ушбу тўпламни яратишга ҳаракат қилган барча ташкилотчиларнинг саъй – ҳаракатлари олқишга сазовор. Айниқса, Равшан акани тиниб – тинчимас, доимо эзгулик йўлида югуриб – елиб юрган инсон эканлиги, ён атрофдагиларни ҳам бундай ишларга чорлашларининг гувоҳиман.

“Номлари муҳрланган устозлар!” деб номланган, Жиззах политехника институтида турли лавозимларда кўп йиллар самарали фаолият кўрсатиб, бугунги кунда нафақа ёшига етган, шунга қарамасдан ўз билими ва ўғитларини ёш авлодга бераётган ҳамда кексалик гаштини мароқ билан сураётган профессор – ўқитувчиларимизнинг биографияси, илмий изланишларининг натижалари, қолаверса барча эришган ютуқлари тўғрисида атрофлича маълумот берадиган ушбу, маъно ва мазмун жиҳатдан залворли тўплам ўтмиш, бугунги кун ва келажак билан боғлаб турадиган муҳим маълумотлар тўплами десак хато бўлмас. Шу билан бирга ушбу тўплам олийгоҳимиз тарихидаги бугунги авлод ва келажак авлод ўртасидаги кўприк вазифасини ўтаса, не ажаб.

Ватанга, туғилган ерга бўлган муҳаббат, ён – атрофдаги муҳит аввало маънавий озуқа, ижод аҳлига эса ҳамиша қанот, илҳом бўлиб келган. Ёшларимизни қадимий анъаналар, кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни бой маданий, тарихий меросимизни эгаллашлари, адабиёт ва санъатимизнинг ворислари бўлиб тарбияланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан биридир. Ушбу тўплам ана шу мақсад йўлида қўйилган навбатдаги қадам бўлса, ажаб эмас.

**Мамажсон ПОЗИЛОВ,**

*Саноат технологиялари факультети декани,  
кимё фанлари номзоди, доцент*

## **Мазмунли умр**

*Фойда бермас минг тавбанг у кун,  
Сўрар экан фурсат сарҳисоб.  
Бенаф ўтган ҳаётинг учун  
Вақт олдида берурсан жавоб.*

Халқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов бундан кўп йиллар муқаддам ёзган бир шеърини шундай сатрлар билан яқунлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, инсон яшаб ўтган умрининг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир фурсати учун вақти келганда ўз виждони олдида, уни ёруғ дунёга келтирган, улғайтирган, муайян даражаларга эришишида ўз таъсирини кўрсатган ота – онаси, эл – юрти, устозлари, қолаверса, энг аввало, Ҳақ таоло олдида жавоб беришига тўғри келиши барчамизга аён, ҳақиқат. Модомики, сўзни шу мавзудан бошлаган эканмиз, муаллиф ҳикоя қилмоқчи бўлган инсонлар ўз умрининг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир фурсати учун барчанинг олдида, энг аввало, Яратган Ҳақ таолонинг олдида ҳам ёруғ юз билан, тоза ва покиза виждон билан жавоб бера олишга қодир инсонлар турибди, деб ишонч билан айта олишимиз мумкин. Шу мақсадда кўп йиллардан бери Жиззах политехника институтида меҳнат қилиб келаётган инсонлар ҳақидаги китобни, фахрийлар жамоатчилиқ кенгаши бизнинг эътиборимизга ҳавола этар экан, бунинг албатта хайрли иш деб биламан.

Китобхон фахрийларнинг меҳнат фаолиятлари билан танишиш жараёнида, институтда олиб борилган таълим – тарбия ишлари профессор – ўқитувчи, устозлар олдида турган муҳим вазифалар – миллий истиқлол гоёсига содиқ, етарли интеллектуал салоҳиятга эга, илм – фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган шахсларни тарбиялаш ҳамда

рақобатбардош ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш жараёнидаги иштироки ҳақидаги маълумотларни билиб оласиз.

Тиниб – тинчимас устозларнинг илмий – педагогик режалари улкан. Хусусан, улар кейинги йилларда институтда таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, устозлар мазмунли ва самарали умр кечирмоқда. Ўзидан илм аҳли ва хусусан қурилиш, автомобилсозлик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, электр энергияси, экология, менежмент, кимёвий технология ва техниканинг бошқа соҳалари учун фойдали бўлган илмий мақолалар, монографиялар, ўқув адабиётлар ҳамда иқтидорли шогирдлар қолдирмоқда. Зеро, муқаддас ҳадиси шарифларда ёзилишича, инсоннинг ҳисобига ёзиладиган энг хайрли амаллар қаторида одамлар учун манфаатли бўлган китоб ёзиш ва содиқ шогирдлар етиштириш деб кўрсатилган.




**Жалил ҲАМИДОВ,**  
Сервис факультет декани,  
педагогика фанлари доктори

## **Фидойилик**

Мен Равшан Хидоятовни инсон сифатида ҳам, иқтисодчи педагог олим сифатида ҳам доимо хурмат қиламан. У кишининг камтарлиги, тўғри сўзлиги, дунёқарашининг кенглиги, жамоадаги профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан ижобий муносабати ҳавасимни келтиради.

Яқинда Равшан ака олдимга келиб, Мен институтимизда фаолият кўрсатаётган ва илгари шу институтда самарали фаолият кўрсатган инсонлар ҳақида, институт фахрийлар жамоатчилиги кенгаши билан ҳамкорликда “Номлари муҳрланган устозлар!” номли китоб тайёрладим. Ушбу китоб билан танишиб чиқиб ўз фикр ва мулоҳазаларингизни билдирсангиз”, деб қолди. Китоб билан танишгач Равшан аканинг жуда катта хайрли ишга қўл урганлигини ҳис қилдим. Чунки, китобда ҳар бир нуроний профессор — ўқитувчиларимизнинг сурати, қисқача таржимаи ҳоли, илмий-ижодий ишлари, эришган ютуқлари қисқача, содда ва тушунарли, тарзда ёритилган.

Мен Равшан аканинг фахрийларимизга бағишланган ушбу китоби ўсиб келаётган ёшларга тарбия дастури бўлиб хизмат қилишига ишонаман.



**Нодира САИДАҲМЕДОВА,**  
*Автотранспорт факультети декани,  
иқтисод фанлари номзоди, доцент*

## **Тасанно!**

“Номлари муҳрланган устозлар!” номли китобнинг қўл ёзмаси билан танишиб чиқдим. Ўта хайрли ишга қўл урилган. 2004 йилда институтимизнинг ташкил топганига 10 йил тўлиши ҳамда филиал сифатида ташкил топганлигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳам “Жиззах политехника институти” номли рисола чоп этилган эди. Унда институт тарихи, яъни ўша ўтган 25 йил давомида эришилган ютуқлар, шу давр мобайнида босиб ўтилган шонли йўл, шунингдек, факультетлар, кафедралар, бўлимлар фаолияти ҳақида ва уларни кимлар бошқарганлиги ҳақида, қолаверса, институтни оёққа турғазидда жонбозлик кўрсатган айрим зиёли профессор – ўқитувчилар ҳақида ҳам қисман ҳикоя қилинган эди.

“Номлари муҳрланган устозлар!” мазкур китобда эса институтда кўп йиллардан бери самарали фаолият кўрсатиб нафақага чиқишига қарамасдан ҳалигача ўз ишини давом эттираётган барча фахрий профессор – ўқитувчиларнинг, шунингдек, бошқа ташкилот ва муассасаларга ўтиб ишлаётган, қолаверса, кексалик гаштини сураётган нуроний устозларнинг ҳаёти ва фаолияти, эришган ютуқлари тўлиқ ёритиб берилган.

Бу кексаларимизнинг кўпчилиги Ватанимизнинг иқтисодий тараққиётига илмий изланишлари билан муносиб хисса қўшган, ҳали ҳам изланишни давом эттираётган забардаст олимлар ҳисобланади. Бундай инсонларга бўлган эътибор, улар меҳнатининг қадрига етиш, улар фаолиятини тарих зарварақларига битишни ҳақиқий фидойилик деб биламан.

Мен ушбу китобни тайёрлашга киришган барча ташкилотчиларга тасанно! деб қоламан.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**

*Электромеханика ва радиоэлектроника*

*факультети декани,*

*педагогика фанлари доктори.*

## **Хайрли иш**

Институтимиз қошида “Фахрийлар жамоатчилиги Кенгаши” ташкил бўлганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа давр ичида Кенгашнинг ўта хайрли ишга кўл урганининг гувоҳи бўлиб турибман. Ушбу Кенгаш фахрийларимизни эъзозлаб, уларни йўқлаб, қолаверса уларнинг номини тарих зарварақларига битиш мақсадида “Номлари муҳрланган устозлар!” деб номланган ушбу ажойиб бир китобни тайёрлабдики, унда нуроний профессор – ўқитувчиларимизнинг таржимаи ҳоли, илмий-ижодий ишлари, бутун умри давомида эришган ютуқлари атрофлича ёритилган.

Мен ушбу китоб билан танишар эканман, унга киритилган 80 дан зиёд профессор-ўқитувчиларнинг барчаси ҳам институтимиз равнақида ўз ҳиссасини баҳоли кудрат кўшиб келаётган, тажрибали, билимли, минг – минглаб талабаларни ўқитиб, касбга тайёрлаб, ҳаётга йўллаган олийжаноб инсонлар деб биламан. Уларнинг шогирдлари эса бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг меҳнатлари билан муносиб ҳисса кўшиб келмоқда.

Ўз умрини таълимга, илмга бағишлаган профессор – ўқитувчиларнинг қадрига етишимиз, эъзозлашимиз, уларнинг ҳолидан доимо хабар олиб туришимиз лозим, деб ўйлайман.

Фахрийлар жамоатчилиги Кенгаши аъзоларига ташаккур. Бундай савобли ишларни қилишдан ҳеч ҳам чарчамангизлар, деб қоламан.




**Аззам БЕРДИКУЛОВ,**  
*Архитектура ва қурилиш факультети декани,  
иқтисод фанлари номзоди, доцент*

## **Тўғри қарор**

Нафақа ёшига етиб, ҳамон ўзининг бор билими ва ўғитларини ёшларга бераётган нуроний профессор – ўқитувчиларимиз ҳақидаги китобни варақлар эканман, ўзбекона удумга кўра уларнинг ёшига қараб кетма – кетликда жойлаштирилгани менга маъқул келди. Бу албатта кексаларга бўлган ҳурматнинг белгисидан бошқа нарса эмас.

Китоб қарийб 200 бетга яқин бўлиб сифати жиҳатидан ҳам, салмоғи жиҳатидан ҳам залворли бўлибди. Китобда нафақада бўлишига қарамасдан ёшлар билан елкама – елка туриб меҳнат фаолиятини ҳамон давом эттираётган олимлар ҳаёти ҳақида, шунингдек, нафақага чиқиб кексалик гаштини сураётган ва бошқа ташкилот ва муассасаларга ўтиб ишлаётган нуронийлар ҳақида ҳамда уларнинг турли даврларда ва турли ёшларда тушган расмлари жойлаштирилган. Менга айниқса фахрийларга бағишланган шеърлардан наъмуналар ҳам келтирилганлиги маъқул бўлди.

Бу китобни тайёрлаш бобида, “Фахрийлар жамоатчилиқ Кенгаши” жуда тўғри қарор қабул қилган. Унинг барча аъзоларидан, яъни китоб ташаббускорларидан миннатдорман. Бундай хайрли ишларни қилиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Бу китобни варақлаган ҳар бир инсон олимларнинг сермашақат ҳаёт йўли ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлиши тайин. Бу китобнинг тезроқ нашрдан чиқишини кутиб қоламиз. Институт фахрийлар жамоатчилиқ кенгашига ташаккурлар бўлсин!



---

## Хулоса ўрнида

Ушбу китобга жамланган профессор – ўқитувчиларнинг фаолияти билан танишиб чиқар эканман уларнинг ҳар бири бир олам. Улар бутун умрини ёш авлодни тарбиялашга, уларга чуқур билим беришга бағишлаган, ўз шогирдларини бор билими ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда тарбиялаб жамаиятимиз, давлатимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшишга қодир, забардаст кадрларни тухфа этишган.

Маълумки, ҳар бир инсон маълум бир ёшга етганда орқасига ўгирилиб бутун умри давомида қилган хайрли ишлари, бажарган амалларига назар солади ва ўзига ўзи баҳо беради. Шу маънода бизнинг юқорида номлари тилга олинган фахрийларимиз ҳеч бир афсусланишига ўрин йўқ, чунки улар минглаб шогиртларнинг устози, қаерга борса “Ассалому алайкум устоз, Сиз мени танимадингиз, шогирдингиз бўламан, бизларни фалон йиллари ўқитган эдингиз, мана бугун ишларим тайин, халқ хизматидаман, Сизга кўпдан-кўп раҳмат, хизмат бўлса бош устига”деб тургандан кейин нега афсуслансин. Қолаверса уларнинг аксарияти (50 га яқини) фақат ёшларга таълим-тарбия бериб қолмасдан ўз соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб бориб мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ва фан докторлари, фан номзодлари даражасига, профессор, доцент унвонларига эга бўлишган мартабали инсонлардир.

Ушбу фахрийларимизнинг кўпчилиги кўп йиллик самарали меҳнатлари ва таълим тарбия жараёнини такомиллаштиришда эришган ютуқлари учун давлатимиз томонидан орден ва медаллар билан муносиб тақдирланган. Мен бундай мартабали инсонлар билан елкама – елка ишлашаётганлигимдан фахрланаман. Уларга узок умр, сихат саломатлик тилайман. Ёш авлодни тарбиялашдан, уларга билим беришдан ҳеч ҳам чарчаманг, фарзандларингизнинг, набираларингизнинг, қолаверса шогирдларингизнинг бахту – иқболини кўринг, доимо давраларимизнинг тўрида юринг азиз фахрийлар, деб қоламан.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Муҳим дастуриламал китоб.....	5
<b>1-қисм. Жиззах политехника институтида самарали</b>	<b>7</b>
<b>фаолият кўрсатиб келаётган фахрийлар .....</b>	<b>7</b>
1. Юлдашев Уришбой .....	7
2. Рўзибоев Сафарбой .....	10
3. Эргашева Додар .....	14
4. Усмонкулов Абдувахоб .....	15
5. Каримов Шавкат .....	17
6. Саттаров Бахриддин .....	19
7. Соатова Дилбар.....	21
8. Холбўтаев Усмон.....	23
9. Турсунова Бирожаб.....	25
10. Ғаниев Алижон.....	28
11. Каттакишиев Бекназар.....	30
12. Саттаров Хидир.....	32
13. Мусаев Абдуманнон.....	35
14. Игамбердиев Холмурод.....	36
15. Абдулхаликов Абдулхошим.....	37
16. Азимов Қахрамон.....	39
17. Эгамов Абдурашид .....	41
18. Хидоятлов Равшан.....	42
19. Халилов Орзикул.....	46
20. Азимов Юсуфжон .....	48
21. Савирбоев Абдимўмин.....	50
22. Эм Мая.....	52
23. Авалбоев Ғаффор.....	53

24.	Хидоятуллаев Хасан.....	55
25.	Облқосимов Маматқобил .....	57
26.	Бозоров Исройил.....	58
27.	Раббимов Эшбой.....	60
28.	Мустафокулов Асрор.....	62
29.	Халилов Абдулла.....	65
30.	Рахмонов Бўрибой.....	66
31.	Рахматуллаев Мустафокул.....	68
32.	Ўбайдуллаев Саъдулла.....	69
33.	Рўзматов Икром.....	71
34.	Турсунов Маматкул.....	73
35.	Пардабоев Абдурахим.....	75
36.	Абдуганиев Абдуманнон.....	76
37.	Сагтаров Сергей.....	78
38.	Бердиёров Азамат.....	81
39.	Бўлтаков Турсункул.....	83
40.	Такабоев Қўчқор.....	85
41.	Ҳамдамов Бегали .....	87
42.	Узоков Ботир.....	89
43.	Абдуназаров Саидахмат.....	90
44.	Тошматов Норпўлат.....	92
45.	Асатов Нурмухаммат.....	94
46.	Исломов Ропижон .....	97
47.	Матчонова Муҳаббат.....	99
48.	Позилев Мамажон.....	101
49.	Мустафокулова Хулкар.....	103
50.	Цой Марина .....	107
51.	Ходжиметов Валижон.....	109
52.	Ахмедов Саъдулла.....	111

53. Қорақулов Холмели.....	113
54. Юсупов Қосим .....	115
55. Мелиев Хайрулла .....	116
56. Жабборов Канкел.....	118
57. Рашидова Бахти.....	120
58. Матниязов Бакдурди .....	123
59. Ахмедов Бурхон.....	125
60. Қурбонова Ҳимматой.....	127
61. Алимова Алфия .....	128
62. Мелиев Бахтиёр.....	129
63. Соатова Гулбахор .....	131
<b>2-қисм. Кексалик гаштини сураётган ёки бошқа ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган фахрийлар .....</b>	<b>134</b>
64. Туропов Махмуд.....	134
65. Содиков Иброхим.....	137
66. Салиев Эргаш.....	138
67. Эрназаров Алибой.....	140
68. Мансуров Пўлат.....	141
69. Тагматов Карим.....	143
70. Мансуров Мамасодиқ.....	146
71. Қаршиев Эгамкул.....	148
72. Ўралов Қувондиқ.....	150
73. Акилов Карим .....	152
74. Абдулахатов Хайитжон .....	153
75. Турматов Ҳикматилла.....	154
76. Туропова Маҳбуба .....	156
77. Хамрақулов Азиз .....	157
78. Камолов Мелибой.....	158
79. Урдушева Бахти.....	159

80. Қаюмов Тўлқин.....	161
81. Шукуров Парда .....	162
82. Бердибеков Пардабой.....	164
83. Эшонқулов Тиркаш .....	165
84. Эгамқулов Шахобиддин.....	167
85. Мустафоева Хосият.....	169
86. Холбоев Уммат.....	170
87. Имамов Райим.....	172
88. Маматқулов Фарход.....	174
89. Эшонқулов Бахтиёр .....	176
<b>3-қисм. Кексаликка бағишланган шеърлардан намуналар ....</b>	<b>177</b>
<i>Тўра Сулаймон “Ҳикмат” .....</i>	<i>177</i>
<i>Дурдонабону Абдумуталова “Қадри баланд кексалар”....</i>	<i>178</i>
<i>Бахти Рашидова “Ҳазрати инсон”, “Шукрона”.....</i>	<i>179</i>
<b>4-қисм. Китоб мазмуни ҳақида фикрлар.....</b>	<b>181</b>
<b>Хулоса ўрнида.....</b>	<b>191</b>

Равшан ХИДОЯТОВ



НОМЛАРИ  
МУҲРЛАНГАН  
УСТОЗЛАР



---

Times гарнитураси. Босма тобоғи 11,25.

Босишга рухсат этилди 11.02.2020. Буюртма № 08

Қоғоз бичими 60x84 <sup>1/32</sup>. Шартли б. т.-11,75.

Адади 150 нусхада.

«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.

100170, Тошкент ш. Циолковский, 356-уй.

